

ҚУРОНБОЙ ҲОЖИ ИСМОИЛОВ  
ХЎЖАНАЗАР ЎҒЛИ

ЖАҲОННИ  
МАҲЛИЁ  
АЙЛАГАН  
НАВОЗАНДА



**ҚУРОНБОЙ ҲОЖИ ИСМОИЛОВ  
ХЎЖАНАЗАР ЎҒЛИ**



**ЖАҲОННИ МАҲЛИЁ  
АЙЛАГАН НАВОЗАНДА**



**ТОШКЕНТ**

**«NOSHIRLIK YOG'DUSI»**

**2017**

КБК 85.364.1(5Ў)-8

И 81

Исмоилов, Қуронбой ҳожи Хўжаназар ўгли  
Жаҳонни маҳлиё айлаган навозанда [Матн] / Қ. Х. Исмоилов.  
– Т.: Noshirlik yogʻdusi, 2017. – 132 б.

КБК 85.364.1(5Ў)-8

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи –  
**Қуронбой ҳожи Исмоилов Хўжаназар ўгли**

Ушбу мўъжазгина тўпламга Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақолпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан, устозни кўрган, билган, эшитган ёзувчи, шоирлар ҳамда санъат мухлисларининг дил сўзлари ўрин олган.

Мазкур хотираларни тўпловчи ва уни нашрга тайёрловчи Қуронбой ҳожи Исмоилов китобга ҳомийлик қилган Саидмуродов Усмон Аллаевичга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Сиз азиз ўқувчиларга, дил сўзлари битилган бу хотира тўплами маъқул бўлади, деб умид қиламиз.

ISBN 978-9943-4755-8-5

© Қуронбой ҳожи Исмоилов, 2017

© «Noshirlik yogʻdusi» нашриёти, 2017

**КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ**

*таваллудининг 100 йиллигига*

Хоразмнинг истеъдодли фарзанди, булбулнафас ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шуҳрат топиши санъатимизнинг юксаклиги, меросимизнинг бой эканлигидан далолат беради. Унинг ноёб овози, гўзал мусиқаси дунё санъатининг ажралмас қисми ҳисобланади.

**Ислом КАРИМОВ**

**САНЪАТИМИЗ ЮЛДУЗИ**

Хоразмнинг севимли фарзанди, ўзбек халқининг фахри-юифтихори Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақолпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ижоди ва адабий навозандалик мероси, шакли, услуби билан санъат оламида тутган ўрни беқиёс қатта аҳамиятга эга. У ўз даврининг ва ўзидан кейинги даврнинг ҳам улуғ ва бетакрор ҳофизидир.

Мен олий маълумотли иқтисодчиман. Хоразм вилояти Хазорасп тумани, Пичоқчи қишлоғининг Жувондур ўрамида 1953 йил 30 август куни туғилганман. Табобатга оид “Халқ табobati усулида даволаш”, “Мисвак”, “Анор билан даволаш” каби рисоалар муаллифиман. Лекин отам Комилжон Отаниёзов қўшиқларининг ашаддий шайдоси бўлиб, устоз ҳақида ёзишимни армон қилган эди. Санъатга ихлос, Комилжон акага меҳр бизга ота мерос. Шу сабабли ўзимни икки оғизгина сўз билан таништириб, мазкур рисола сўзбошисини ёзишга жазм этдим.

2000 йил 25 августда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти фармонига биноан Комилжон Отаниёзов “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Бу Осиё булбули – Комилжон Отаниёзов сиймоси мисолида

Ўзбек мумтоз кўшиқчилигига берилган беқиёс эътироф барча санъат мухлисларини руҳлантириб юборди.

Жорий йилда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланиши эса барчамизнинг дилимиздаги орзуларни амалга ошиши бўлди!

Дарҳақиқат, сеҳрли овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов миллий мумтоз мусиқамиз тарихида ёрқин из қолдирди. У Хоразм ҳофизлари устаси эди. Ноёб овознинг ўзи инсонга табиат инъом этган олий неъматдир. У ҳаётлигидаёқ афсонага айланиб улгурган санъаткор эди. Ҳар қандай ширин афсона замирида ҳаётини ҳақиқат яшайди. Мен Комилжон Отаниёзов ҳаётини чақмоққа ўхшатаман, чақмоқ чақдию – бир зумда кўзларни қамаштириб мангуликка кетди.

Аммо унинг меросига янгича нигоҳ билан қараб баҳо бериш имконияти, сўз эркинлиги – ҳаётимизга истиқлол нурлари билан кириб келди. Санъат ва адабиёт намоёндалари ҳаёти ва ижоди мустабид шўро ҳукмронлиги даврида минг бир ҳадик билан ўрганилар эди.

Улуғларимиздан Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) олим, шоир, кураги ерга тегмаган паҳлавон, пўстиндўз ва телпакдўз уста бўлган. Тарихда Паҳлавон Абусаид Румий (XV аср), Паҳлавон Маҳмуд Ушшоқ (XV аср) каби истеъдод эгалари бўлишган. Ҳар учала Паҳлавон ҳам мусиқашунос, ҳофиз, бастакор сифатида донг таратган. Ҳар учалалари ҳам майдонларда кураш тушгани учун Паҳлавон номини олганлар.

Абу Райҳон Беруний, Жалололдин Мангуберди, Шайх Нажмиддин Кубро, Абу Али ибн Сино каби алломалар ҳам кўҳна Хоразм ҳавосидан баҳраманд бўлиб жаҳонга танилдилар. Улар қолдирган мерос, бугунги кунда Беруний номидаги Тошкент шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида ҳамда бошқа мамлакатлар кутубхона ва музейларида сақланиб келмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати билан Комилжон Отаниёзов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан юксак баҳоланди ва тақдирланди. Афсус ва надоматлар бўлсинким ҳофиз дориламон кунларимизни кўра олмадилар. Устоз ҳофизнинг орзуларига забардаст шогирдлари эришиб, эзгу ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда Комилжон Отаниёзов мусиқа мактаблари мамлакатимизда ва қардош республикаларда ҳам ўзининг кўплаб талабаларига эгаллиги сир эмас. Бир вақтлар устоз раҳнамолик ва мураббийлик қилган, халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодлар эндиликда таниқли санъаткор даражасига кўтарилганлар. Улар, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Отажон Худойшукуров, Олмаҳон Ҳайитова, ва бошқа кўплаб санъаткорлар юксак даражадаги маҳоратлари билан халқ эътиромига сазавор бўлдилар. Устоз шогирдларига нисбатан талабчан ва айни дамда жуда меҳрибон бўлган.

Бастакор сифатида уч юздан ортиқ ғазаллар, шеърларга куйлар басталаган. Уларнинг ичида Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Навоий асарларига, Машраб, Фузулий, Ниёзий, Огаҳий, Махтумқули, Камина, Муллонафасларнинг ҳикматларга бой ғазаллару мухаммасларини севиб куйга солган ва юксак мақомларда ижро этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, устоз ўзи ҳам ажойиб шеърлар ижод қилган ва куй басталаган. Шеърларига Комил таҳаллусини қўллаган. Унинг архивида мингдан ортиқ ғазаллар, мухаммаслар, турли жанрдаги шеърини асарлар тўпланган, қирқ йилдан ортиқ хонандалик фаолияти давомида икки мингдан ошиқ кўшиқлар яратган. Бундай кўшиқларни яратиш осон бўлмаган. Бу борада у шундай деб ёзади: “Санъаткор билимли, ориф, сўз ва созни юракдан ҳис қиладиган инсон бўлиши керак. Кўшиқ матни мазмунини, руҳини, оҳангини, дардини тўла англаши зарур.

Шоир шеърини ўйнаб ёзмайди, ўйлаб ёзади, ҳаяжон

билан ёзади. Ҳар бир санъаткор уни шоир ёзгандай дард, эҳтирос, нафосат билан қуйлай олсагина тингловчига етказа олади. Қалбдан чиққан сўз, куй бошқа қалбларга етиб боради". У бу ақидага қатъий амал қилган, шогирдларидан ҳам шуни талаб қилган устоздир.

Комилжон Отаниёзов ўзбек қўшиқчилик санъатида кўп янгиликлар яратди. Аввалари мусиқа билан ижро этиладиган ўйинларга "Лазги", "Оразибон", "Қайроқ" каби рақсларига матнлар киритди. Рақсни қўшиқлар билан уйғунлаштирди. Ижрода овозни янада юксалтирди, авж пардаларга кутарди. Буларнинг бари санъаткорнинг ижодий кашфиёти эди. У нафақат ўзбек санъатида, балки Марказий Осиё қўшиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратган санъаткор ҳисобланади.

Комилжон аканинг ўткир зеҳни, ғайрати ва инсонийлик фазилатлари ҳаммага ибрат эди. Севимли санъаткорсиз халқ шодиёналари, тўйлари ўтмасди. Одамларнинг яхши кунда хизмат қила туриб, санъат қадрини, санъаткор нуфузини юксак тутиш, беминнат – холис хизмат билан уларни хушнуд қилиш Комилжонга хос одат эди. У саховатли қалб эгаси бўлиб, ўзини эзгуликдан, қўшиғини элдан аямади, билим ва тажрибаларини шогирдларидан қизганмади. Айниқса, кексалар унинг дилкашлигини, хушсуханлиги ҳақида ҳамон гапириб юришади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин отасиз ёки боқувчисиз қолган оилаларга ёрдам қилиб тўйдан тушган пулларни тўй эгасига совға қилиш унинг одат тусига кирган. Комилжон Отаниёзов учун халққа хайр-эҳсон қилиш, саховат кўрсатиш қон-қонига сингиб кетган, отадан қолган мерос эди. Кўприк қурдириш, каналлар қаздириш, иморат қурганларга, ҳашар қилиш одатий тус эди. Ўзи ўсган Шовот туманида шахсий маблағидан мактаб, Урганч шаҳрида эса болалар боғчаси қурдирган.

Даврнинг, замонанинг, мафқуранинг бир томонлама ёндашувлиги, фисқу-фасодлардан келаётган азоблар санъаткорни ҳам четлаб ўтмаган. Шўро даврида Москвада Ўзбекистоннинг

санъат ва адабиёт декадаси ўтадиган бўлади. Табиийки, бу декада орқали Ўзбекистоннинг турли соҳалар бўйича кўплаб санъаткорлари ўзларининг иқтидорларини намойиш этишлари керак бўлган. Жумладан, Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги "Лазги" ансамбли ҳам шу мақсадда Москвага йўл олади. У ерда тайёргарлик ишлари бошланади. Аммо декада бошланишига саноқли кунлар қолганда эса "Лазги" ансамбли чиқишини концерт дастуридан чиқариб ташлашади. Ҳатто ансамблнинг Тошкентга қайтиши ҳақида буйруқ ҳам беришади. Жамоа тушкунликка тушиб қолади. Шундай бўлса ҳам, Комилжон Отаниёзов ҳеч эътибор қилмасдан қатъиятлик билан тайёргарлик қилишни тўхтатмайди. Тушкунликка тушмайди.

Орадан уч соат вақт ўтиб, Комилжон Отаниёзовга Тошкентга қайтишни маслаҳат берган мулозимнинг ўзи устоз ёнига шошиб келади ва: "Сизни Шароф Рашидович телефонда сўраяпти!" – дейди. Шароф ака телефон орқали Комилжон акадан ҳол-аҳвол сўрайдилар. "Менинг ҳамма нарсадан хабарим бор, сиз ишингизни давом эттиравинг, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади!" – деб айтадилар. "Лазги"чиларнинг кайфияти кўтарилиб кетади ва яна сидқидилдан репетицияни давом эттиришади.

Эртасига Москвадаги Катта концерт залида томошалар бошланади. Давлат арбоблари ҳаммаси концертни кўришга келишади. Комилжон Отаниёзов бошлиқ "Лазги" ансамблининг чиқиши концертга ўзга файз бахшида қилади. Ашула баланд авжларида, собиқ иттифоқнинг катта раҳбари Н.С.Хрушчев шахсан ўзи қарсақ чалиб, олқишлаб туради. Комилжон Отаниёзовнинг чиқишлари уни ҳам тўлқинлантириб юборади.

Декада тугагандан кейин ансамблларни турли томонларга яна концерт қўйиш учун юборишади. Комилжон Отаниёзов ансамблини эса Калуга, Липецкка йўллашади. Қиш бўлганлиги сабабли ҳаво жуда совуқ бўлган. У ерда

кўп ҳарбий қисмларда марказий осиелик йигитлар хизмат қилишар экан. Комилжон Отаниёзов ҳатто рус тилида куйлаб беради ва у ерда ҳам кўп олқишларга сазовор бўлади.

Ватанга қайтиб келишганда эса уларни кўнгилсизликлар кутиб олади. Яъни, “Лазги” ансамблини тугатишга қарор чиқариб қўйишган бўлишади. Ансамбл ходимларининг бошқа ҳунарлари бўлмаганлиги, санъатдан йироқ яшашларини тасаввур ҳам қила олмасликлари сабаб Туркменистонга бориб у ерда ансамбл тузиб иш бошлашади.

Бир сўз билан айтганда эъзозли ҳофизнинг ҳам ҳаёт йўли машаққатсиз бўлмаган. Расмиятчи сиёсатдонлар унинг қўшиқларини камситиб, хато топишга, доим уни бадном қилишга уриниб келганлар. Ориятли ижодкор не-не азобларни бошидан ўтказган, натижада оғир касалликка дучор бўлиб қолган. Аммо халқнинг меҳр-муҳаббати Комилжон акага янги парвозларга имкон бериб, унга қанот бағишлайди.

У қаерга, катта қурилиш, пахта байрами, ГЭСлар, темир йўл қурилиши, каналларни қозишдами, қўйингки, мамлакатда оширилаётган долзарб ишларда янги ашулалари билан халқни хурсанд қилар эди. У ниҳоятда жўшиб меҳр билан куйларди. У Ватанни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи муҳаббат ва вафо, ҳижрони ва висол тўғрисидаги шўх дилнавоз қўшиқлар айтарди. Бир сўз билан айтганда ватанимиз, яъни обод гулшанимизнинг булбули эди. Ушбу бетакрор сўлим чаманни хуш овози, олтин сози билан мадҳ этар, ўзи фарзанд бўлган азиз, муқаддас Ватанни жон-дилидан севар, “Мен ўзбекнинг ўғлиман” деб фахр билан куйларди Комилжон устоз.

У машҳур санъаткорларнинг забардаст сафдоши эди, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Тўхтасин Жалилов, Карим Зокиров, Саодат Қобулова, Хоразмлик санъаткорлар Шерозий Ёқубов, Ҳожихон Болтаев, Маткарим Ҳофиз, Назира Юсупова, Султонпошша Раҳимова каби буюк сиймолар билан ҳамфикр маслакдош эди. Унинг юксак маънавият эгаси бўлганлиги, ўз касбининг жонкуяри бўлиши шак-шубҳасиз

тариқда ўзи учун зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак хотираларга асос бўлган десак, хато қилмаган бўламиз.

Инсон ҳурматга, эъзозга, мақтовга сазовор бўлиши учун унинг ота-боболари илмли, маърифатли бўлмоғи лозим. Комилжон аканинг отаси Ниёзий тахаллуси билан ажойиб газаллар, мухаммаслар битган, мадрасаларда мударрислик қилган етук шахсдир.

Гар жунун ортар Ниёзига тани урёнига,

Отқали санги фалохунни қатиг тош айлангиз.

Комил жон ака оталарининг газалларини, мухаммасларини интиқ меҳр билан ўқирдилар. Устознинг тоғаси Камтарин тахаллуси билан ижод қилган ажойиб шоирдир. Элда машҳур “Қора сочинг” қўшиғини Камтарин ёзган.

Ушбу рисолага хотира ёзмоқчи бўлган инсонларнинг кўпчилигини киритишга имконимиз бўлмади. Устознинг яқин дўсту биродарларининг ака-укалари, фарзандлари, каттаю кичик шогирдлари кўп истак билдирдилар, аммо вақт деган тезоб ҳодиса бу ишларни амалга оширишимизга андак бесабрлик қилди. Балки бошқа нашрларда уларнинг дил изҳорлари чоп қилинса нур устига аъло нур бўлар эди.

Биз ажойиб шоир, етук публицист Фозил Зоҳиднинг (жойлари жаннатда бўлсин) “Комилжон Отаниёзов”, филология фанлари доктори, профессор Сапарбой Рўзимбоёвнинг “Комилжон устоз”, Олим Тўраевнинг “Маткарим ҳофиз” китоблари, ёзувчи Комил Авазнинг “Истиқлол қуёши” газетасида устозлар ҳақидаги чоп қилинган “Оҳанглар оғушида” каби битикларидан, шунингдек, “Жаннатмакон” журналидаги устоз тасвири тушган тарихий ноёб сувратлардан бениҳоя баҳраманд бўлганимизни таъкидлашимиз лозим.

Беназир, ўхшаши йўқ санъаткорнинг номи ҳеч қачон инсонлар қалбидан ўчмайди, номи унутилмайди.

Ўқтам ҚУРБОНОВ  
Хазорасп тумани ҳокими

### ЖАҲОННИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН НАВОЗАНДА

Кишилик жамиятида ўзидан ўчмас из қолдириб кетган инсонларнинг номи мангу яшайверади. Ирқи, тили, миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар, бундай табаррук зотлар ўзининг фавқулодда истеъдоди туфайли юксак мартабага эришадилар. Ана шундай инсонлардан бири хушовоз хонанда, ўз маҳорати билан ўзбек қўшиқчилиқ санъатини жаҳонга ёйган устоз санъаткор Комилжон Отаниёзовдир.

Буюк санъаткор 1917 йил 22 июлда Хива шаҳрида ижодкор оиласида таваллуд топган. Падари бузруквори Отаниёз охун ҳам, волидаси Анбар она ҳам халқимизнинг қадимий мероси бўлган қўшиқчилиқ, дostonчилиқ маҳоратидан анча хабардор инсонлар эдилар. Қуръон мутолааси илмини мукаммал билишган. Комил инсон бўлсин деб, ҳавас қилиб фарзандларига Комилжон дея исм беришган. Отаниёз охун Ниёзий тахаллуси билан ажойиб ғазаллар ёзган таниқли шоир.

Комилжон ака жуда ёшлигидан қўшиқчилиқ санъати борасида маълум муваффақиятларга эришиб улгурган, хусусан, 14-15 ёшлигидаёқ Хоразм халқ дostonларидан мураккаб ашулаларни завқ билан куйлай олган. Хоразм суворалари, мақомлар устоз санъаткорнинг ижрочилиқ маҳоратининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга эл севган санъаткор замонавий усулда ҳам ўзининг бир неча юзлаб қўшиқларини яратишга улгурган.

Инсон қайси соҳада хизмат қилмасин у ўз касбига эътиқод қўйса, у албатта юксак муваффақиятлар соҳиби бўлиб етишади. Созга, сўзга, Ватанга, ўз халқига эътиқод қўйишлиқ Комилжон аканинг қон-қонига сингиб кетган туйғу эди. У ҳаётлигидаёқ афсонавий санъаткорга айланган, мустабид тузумнинг тазйиқларига, чеклашларига қарамасдан унинг

санъати ўша тузумнинг қобигини ёриб чиқа олган кучли санъат ҳисобланар эди. Унинг санъатидан Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Россия, Комбоджа, Таиланд ва бошқа мамлакатларнинг халқлари баҳраманд бўлган эди. Марказий Осиё халқлари эса ҳар бири у билан ўз фарзанди билан фахрлангандек фахрланарди. Ўз замонасининг усули бўлган бир тор ва бир доира жўрлигида мужассам бўлган яккахон ижрочилиқ услубини ривожлантирган ягона оташнафас ҳофиз ҳам Комилжон Отаниёзов бўлди. У кишининг устози Ҳожихон Ҳофиз қадимдан мерос бўлиб қолган ғазал ижрочилигининг ягона маҳоратли вакили бўлган бўлса, Комилжон Отаниёзов эса, устозидан фарқли ўлароқ, бир оз халққа осонроқ тушунтириб қўшиқ куйлаш усуллари устида тинмай изланган. Ўз мақсадига эришиб “Комилжон мактаби”ни шакллантирган.

“Камтарга камол” мақолини қалбига муҳрлаб олган ҳар қандай санъаткор ўзининг келиб чиқиши, мавқеига қараб баҳоланса эди. Ўз обрў эътибори қанчалик юқори бўлса ҳам барчани бир кўзда кўрарди. Халқ олдида доим ўзини бурчли деб билар эди. Комилжон Отаниёзов камтарлик бобида беқиёс эди. Кунларнинг бирида Чоржўйда концерт бериб турган вақтда ягона туғишган акасининг фожеали вафот этганлиги тўғрисида мудҳиш хабар келиб қолади. Ҳофиз қўшиқ тинглаб турган халқни ташлаб кетмайди, концертни тугатиб шошилишч Урганчга жўнайди. Масофа 350 километрдан иборат. Бу мусибатни эшитиб, унинг ордидан халқ йўлга отланади. Ҳофизнинг ҳурмати учун тумонат одамлар жанозага етиб келади.

Шовотда “Полвон канал” деб аталувчи канал бор. Комилжон оға ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида канал қурилишида алоҳида жонбозлик кўрсатади. Ҳатто ўз маблағи ҳисобидан катта иқтисодий кўмак ҳам беради. Мен ўзим у кишининг камбағал, ночор оилаларнинг фарзданларининг тўйларини ўтказиб берганларининг гувоҳи бўлганман. Комилжон ака туғилган қишлоқ билан мен туғилган қишлоқ ёнма-ён эди.

Чукур фалсафий маънога эга бўлган ғазалларнинг туб моҳиятига ақли етадиган санъаткор форс, араб, туркман, тожик, озарбайжон ва бошқа тилларни яхши билган, мутолаа қила олган. Унинг қилган меҳнатлари ҳукумат томонидан рағбатлантириб борилган. У Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти унвонларига эга бўлган. Уч бора “Ҳурмат белгиси” орденига сазовор бўлган. Кўплаб медаллар билан мукофотланган. Ўз вақтида Ҳиндистон президенти Жавоҳирлаъл Неру ва ҳинд халқининг назарига тушган санъаткор бўлган.

Ажойиб устоз, афсуски оғир касаллик туфайли 58 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди. Аммо ўзининг васиятига биноан Хоразмда, Шовот туманида туғилиб ўсган Бўйрачи қишлоғида, отасининг ёнида дафн этилди.

Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ўзи ҳаётлик даврида ва ундан кейин ҳам мухлислари, соҳа мутахассислари томонидан матбуотда кўп фикрлар айтилган. Унинг ҳаёт йўли нафақат Хоразм, нафақат ўзбек халқи балки бутун инсоният учун намунавий йўл десак, хато бўлмас. Шунинг учун ҳам унинг ёрқин сиймоси кишилар қалбида мангу муҳрланиб қолган, халқимизнинг фахрига айланган. Юртимизда амалга оширилаётган яна бир эзгу ишнинг меваси бўлмиш ушбу тўплам ҳам яхшиларни ёдга олмоқ борасидаги амалга оширилган хайрли иш деб ҳисоблаймиз. Тўплам барча китобхонларга манзур бўлиб, мамлакатимиз ёш авлодининг қалбида ҳам маърифат меваларининг етилиши учун қизиқиш уйғотиб, унинг тарбиявий аҳамияти учун маънавий ҳисса бўлиб қўшилади.



Усмон Саидмуродов,  
муҳандис

## МЕҲРИМ ТУШГАН САНЪАТКОР

Менинг бувим асли Хивадан бўлганлар. Комилжон Отаниёзов ҳақида, Хоразм халқи созга, санъатга жуда меҳрлилиги, қадрлаши тўғрисида кўп айтиб берганлар. Яна деганларки, хоразмликлар йўл қурилишими, канал қазишми, боғ яратишми доим ҳашар йўли билан бажаришади. Темир йўлни ҳам шундай қуришган. Тошсоқа каналини ҳам, кейинги Бегор қазувини ҳам ҳашар йўли билан қазишган. Ҳамма хоразмликлар қайси касб соҳаси бўлмасин, ойлаб шу ҳашарда иштирок этиб, ўз ҳиссасини қўшишган. Ҳатто бетор қазувининг биринчи куни Хива хони биринчи бел тупроқни ташқарига отиб, бошлаб бергани ҳақида эшитганмиз.

Шундай анъаналарни Комилжон Отаниёзов ҳам давом эттирган. У ҳам бегорда, темир йўл қурилишида, ўз труппаси билан қатнашиб, халқ ҳурматига сазовор бўлган. Ҳофиз ҳар келганларида янги қўшиқ, халққа жуда зарур бўлган нарсалар олиб келиб совға қилар эканлар.

Бу гапларни менга бувим айтиб берган эди. Шу сабабли Комилжон Отаниёзовга меҳрим тушиб, у кишининг санъати-га одамгарчилигига қизиққанман. Қолверса, бир ёғим бувим юртига алоқадор бўлганимдан Хоразмга бориб ҳофиз ҳаёти ва ижодини ўргана бошладим.

1962 йилнинг охири, қиш ҳаво жуда совуқ, Боғот туманидаги Найман қишлоғига етганимизда эрталаб соат 9.00 эди. Йўлда одамлар йўлга сиғмайди, нима гап экан деб тўхтаб одамлардан сўрадик, одамлар бригадир Исмоил Гижимон деган одамнинг ўғлининг суннат тўйига Комилжон Отаниёзов келибди, дедилар. Хурсанд бўлиб тўйга биз ҳам бордик. Ўшанда Хоразм тўйини биринчи кўришим эди. Жуда одам кўп бўларкан. Худди сайлга ўхшаркан. Давра бошланди.



Комилжон Отаниёзов катта даврада, ҳеч қандай узатгичсиз, яъни микрофонсиз Навоий, Огаҳий, Махтумқули, Мулланафас, Чустий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни ижро қилиб, халқни жуда хурсанд қилдилар. Ҳофиз даврадан тушган пулларни бир қопга солиб, санъаткорлар ўтирган каравотга суяб қўйдилар.

Кейин қўчқор уруштириш бошланди. Сўнг полвонлар курашга тушдилар, Комилжон Отаниёзов каравотда, даврани томоша қилиб ўтирдилар. Давранинг ҳар ерида олов ёқилган, совуқ қотган одамлар дамба-дам исиниб оларди.

Тўй тугади, деб биз туриб кетмоқчи бўлган эдик, ёнимизда ўтирган томошабинлар: “Ўтиринг ҳали томоша тугамади”, деб бизларни ўтиришга ундадилар. Биз ўтирдик. Орадан беш дақиқа ўтгач, даврани бошқараётган даврабоши баланд овоз билан тўй эгасини ўртага, санъаткорлар ёнига таклиф қилди. Тўй эгаси тўйи бўлаётган болани олиб, давра ўртасига борди. Комилжон Отаниёзов баланд овоз билан шу йигитчага яхши истаклар билдириб, ҳалиги халтадаги пулни боланинг отасига тўёна қилиб бериб даврани тарк этди.

Биз шу ердаги одамлардан яна қачон қаерда яқин кунларда тўй бўлишини сўрадик, улар меҳмонга ўхшайсизлар, энди бир пиёла чой қилиб берамиз, ўша жойда қаерда тўй бўлишини эшитасиз, дедилар. Биз тез кетишимиз керак, Бухороданмиз, деганимиздан сўнг, индинга Бухорода, Аму-Бухоро канали қурилишида Комилжон ака катта концерт берадилар, концерт кечқурун соат 4.30 да бошланади, деб эълон қилишди. Ўшанда шошилинич Хивани зиёрат қилдик-да, тез Бухорога қайтдик. Отам, онам, акам ва мен уйга етиб келиб, қариндошларга, таниш билишларга айтиб, Аму-Бухоро каналига бордик. Ҳақиқатдан ҳам, айтилган куни Комилжон Отаниёзов труппаси билан кечаси алламаҳалгача концерт бердилар. Жуда яхши дам олдик. Устоз канални қазиётганларга пахтали фуфайка, озиқ-овқатлар бериб кетдилар. Ҳар 10–15

кунда келиб, канал битгунча 1965 йил май ойининг бошигача концертига бориб турдик ва ҳолимиз етганича бизлар ҳам озиқ-овқат элтиб турардик.

Мен бундай олижаноб, саховатпеша улуғ санъаткорни ҳаётимда биринчи кўришим эди, ўша воқеаларни кўрганим сўйин у кишига ҳурматим ошаверди ва бувимнинг юртдошлари яхши инсонлар, ҳаммаси мард, саховатпеша эканидан жуда хурсандман.

Бухоро шаҳри



Эркин Самандар

### ҲАЁТИ АЙЛАНИБ ҚОЛДИ

қўшиққа

Кўзинг бедодидин жонлар,  
Кўнгил шоҳига дод эмиш.  
Ўзи кўрган ситамни шоҳ,  
Раъиятларга ёт эмиш.

Ниёзий

Эл севган санъаткор Комилжон Отаниёзов тўғрисида фикр юритиладиган вақтда албатта унинг отаси ҳақидаги илиқ хотиралар кўз олдимизга гавдаланади. Унинг отаси ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлиб, Отаси Ниёзий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Араб, форс тилларини мукаммал билган. Мумтоз адабиётимизнинг теран илдизларини чуқур англаган. Хивада Абдуллахон мадрасасида мударрислик қилган. Кейинчалик у кўпгина ғазалларга куй бастала-

ган, уч мингдан ортиқ байтни жамлаб девон тузган. Демак, у юксак иқтидорли киши бўлган. Айни замонда ҳам Ниёзийнинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар кўплаб хонандалар томонидан севилиб ижро қилинмоқда. Буларни айтишдан мақсад шажара-илдизлари бақувват бўлган Комилжон Отаниёзов эл орасида катта обрўга эришганлиги фахрланарли ҳол. Аммо афсуски, ҳасадгўйлар, талотўп замон кўпгина атоқли истеъдодлар каби Комилжон Отаниёзовни ҳам синдирдишга уриниб келди.

... Жоним ол деб ханжаримни изларман!

Бу аламли нола таъсирида ҳофиз ҳаётининг сўнгги, ниҳоятда мунгли ва оғир кунлари беихтиёр хаёлимдан ўта бошлади.

Ўша пайтнинг ёш ва истеъдодли хонандаларидан бири Ортиқ Отажонов менга қўнғироқ қилиб: “Комилжон ака Тошкентдаги уйларида эканлар бир кўриб келайлик?!” – деди. Бажонидил рози бўлдим. Биринчидан, Комилжон акани кўп вақтдан бери кўра олмай соғинган эдим. Қолаверса, у ўз рақиблари томонидан унга қарата кетма-кет отилган тошлардан зада бўлган ва Тошҳовузга кетиб қолган эди. Тошкентга бир-икки кунга келган бўлсалар керакки, дийдорига шошилмоқ даркор.

Тушдан кейин уйларига кириб бордик. Боғдаги катда ёнбошлаб бир китобни ўқиётган эканлар. Қарасам, Ҳофизнинг назмлари. Ашулабоп ғазаллар.

Салом-алиқдан кейин нон-туз тотилгач:

– Комилжон ака, Ҳофиз ҳикматларига тўймас экансиз, аввалари ҳам уни кўп мутолаа қилганингизни кўрганман, – дедим у кишининг китобхонлигига урғу бериб.

– Ҳофиз ҳазратлари асрлар оша айқириб оқиб ётган ҳикматлар дарёси, унга қанча кўп шўнғисанг шунча кўп бойиверасан, – деди Комилжон ака.

Икки соатчилик мазмунли суҳбат сўнггида менинг кўнглимда бир ният пайдо бўлди. Уни тилга чиқаздим:

Кўпдан бери телевидениеда кўринганингиз йўқ, баъзи одамлар оғзида ҳар хил гап-сўзлар юрибди. Бунинг учун эмас, томошабинлар сизни соғинишган, мен сизни ойнаи жаҳонга таклиф этаман, бир соат, ундан кўп бўлса ҳам майли, чиройли чиқиш қилиб беринг, илтимос.

Комилжон ака бирпас ўйга толди, сўнг маънос тортиб деди:

– Биласиз, ўнг қўлим ишламай қолган, сиз чалолмайман. Йўқ, бўлмайди.

– Бўлади, Комилжон ака, – дедим қатъий қилиб, мана, шогирдингиз Ортиқбой сиз бўлиб созни чалиб туради. Томошабинларга фақат тор чалиб турган қўлини кўрсатиб турарамиз. Худди ўзингиз торни ўйнаётгандек бўлиб кўринади. Бу томошабинларни алдаш эмас, хурсанд қилишнинг йўли, “Йўқ” демайсиз!

Устоз яна бирпас ўйланиб турди-да:

– Ортиқ бўлса, майли, у ўзимга ўхшатиб чалади созни, – деди мамнун бўлиб. Сўнг яна ўйга толиб:

– Сиз кўп йиллардан бери Республика телевидениесида бош муҳаррирсиз, аммо у ернинг раиси нима дер экан, – дея гап қотди.

– У ёғини менга қўйиб берасиз, – дедим қатъий.

Иш пишди. Биз хурсанд бўлиб қайтдик.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтиб, якшанба оқшомида телевидениенинг бош каналида Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг бир ярим соатлик концерти намойиш қилинди. Бетобликларини эсдан чиқардилар, яйраб-яшнаб куйладилар, жаранглатиб “соз чалдилар”. Ортиқ Отажонов хизматда бўлди. У Комилжон бўлиб соз чалди. Томошабинлар бунини пайқашмади ҳам. Бутун Республикадан келётган кўнғироқлар овози тингани йўқ. Қуйидаги сўзлар ҳозиргидай эсимда:

— Комилжон ака шол бўлибди, деган миш-мишлар таркаган эди, куйинмоқда эдик. Ҳолбуки, ёлғон экан. Миш-мишнинг умри қисқа.

— Бундан кейин ҳам тез-тез чиқиб турсинлар телевидениега Комилжон акамиз! Ва ҳоказо.

Ҳаммамизнинг бошимиз тик, кўнглимиз обод, вақтимиз чоғ. Комилжон акани кўтаринки кайфият билан телевидениедан кузатиб қўйдик. Тун ярмида тарқалишдик.

Эрталаб ишга ҳам яхши кайфиятда келган эдик. Лекин... юқоридан кўнғироқ бўлиб Комилжон Отаниёзовни ким телевизорга чиқарди, деб сўрабди. У бош муҳарриримиз — Эркин Самандаров, деб жавоб берган. Ўшани чақир телефонга деб дағдаға қилган у. Мен гўшакни кўтаришим билан у чиранган ҳолатда деди:

— Уни телевизорга сиз чиқардингизми?

— Ҳа, мен.

— Кимдан рухсат олдингиз?

— Ҳеч кимдан. Ҳамма вақт артистларни...

Дафъатан алоқа узилди. Раҳбар гўшакни ташлагани аён эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Иш телефоним жиринглади. Кўтардим. Шоир Омон Матжон ғамгин бир ҳолатда деди:

— Эшитдингизми, Комилжон ака оламдан ўтибди.

Мен жим қотган эдим. У қўшимча қилди:

— Пешиндан кейин самолётда Хоразмга олиб кетишар экан. Жимман. У қўшиб қўйди: Ўзим бориб сизни уйларига олиб ўтаман.


Айтилган вақтда етиб бордик. Мусулмончилик расм-русумлари билан у кишининг жасади Хоразмга жўнатилди.

Омонжон менга:

— Хоразмда мотам бўлар, — деди.

Кейин билсак, ими-жиммида ерга қўйишибди. У пайтлар замон ўзи шундай олатасир эди.

Менинг кўнглимдан қуйидаги фикрлар кечди:



Уни адо этди таққиб, газаб ва гусса,  
Комилжон дил берди Ғариб ошиққа.  
Ажалнинг домида куйлаб алқисса,  
Ҳаёти айланиб қолди қўшиққа.



**Ошиқ ЭРКИН**


(Эркин Мадраҳимов)

*Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон  
Республикаларида хизмат кўрсатган маданият ходими*

## **КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ ПОРТРЕТИГА УЧ ЧИЗГИ**

### **Кутилмаган буюк ташриф**

1956—1961 йиллар, Тошкентда ўқиб юрган кезларим. Аниқ хотирамда: буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов шаҳар аҳли ва меҳмонларининг энг ардоқли ва сеvimли санъаткорларидан бирига айланиб улгурган, унутилмас дамлар эди. У одатда шаҳардаги Свердлов номли канцерт залида Хоразм қўшиқлари, мақомлари ва дostonларидан саралаб тузилган дастурларда ҳар гал уч-тўрт соатлаб концертлар намоиш қилар, камина Тошкент давлат Университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги миллий Университет) талабаси бўлиб, бу концертларда иштирок этишни канда қилмас, ҳар гал қийинчилик билан чипта топиб, гулдаста харид қилганча залдан, кўпинча орқа ўриндиқларнинг биридан жой олар, ҳофиз қўшиқларини жону дилим билан тинглаб, неча ўнлаб мухлислар қаторида мен ҳам ўша гулдастани тақдим қилиб,



гўё буюк бир муддаога эришгандек ўзимни қушдай енгил ҳис қилар, концертдан кейин турар жойимга қувониб, кўпинча кечки соат ўн бирлардан ошганда кириб келар, Мунаввара опа деган уй бекаси уйқуси бузилгани боис мени “ҳа, концерт жинниси, келдингизми?” дея бир ёғи ёқар-ёқмай ҳам кутиб олар эди. Кейин барибир концерт қандай кечганини сўраб-суриштириб “Энди ётиб дамингизни олинг!” деганча ётоқхонамга киритиб юборар эди.

Камина кейинчалик ҳам буюк ҳофизнинг жуда кўп концертларида иштирок этиш, гулдасталар тутиш бахтига кўп бор сазовор бўлдим. Университетдаги ўқишларимни муваффақиятли тугаллагач мени ўша даврнинг республикада отахон газеталардан бири ҳисобланган “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирга “Ўзбекистон овози”) рўзномаси таҳририятида адабий ходим мақомида ишда олиб қолишди. Газета таҳририятида икки йилча ишлагач, каминани Ўзбекистон радиосининг Хоразм вилояти бўйича махсус мухбири лавозимига ишга тайинлашди. Комилжон Отаниёзов ашулаларини фақат радиоларда – эфир орқалигина эшитадиган бўлиб қолдим.

Бир куни – 1963 йилнинг август ойи охирлари эди ўшанда – камина Урганч шаҳрининг марказида жойлашган Огаҳий номли музыкали драма ва комедия театри (бу бино эски бўлиб, ўша пайтда вилоятда амалда фаолият кўрсатаётган йирик маданият марказларидан бири эди) олдидан ўтиб бораётиб йўлакка яқин скамейкада ўтирган буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзовга кўзим тушиб қолди. У яқка, афтидан репетициядан кейин ҳордиқ чиқараётган эди. Қандайдир куч, балки ўша пайтлардаги мухбирлик шижоатими, мени отахон сари йўллади. Бир ёғи қимтиниб, изза тортиб, бир ёғи дадил “Салом, устоз!” дея ёнларига яқин келдим.

– Салом! – ўтирган жойларидан қўлларини узатди устоз, қўлимни кафтига олиб илиқ кўришди, кейин нима мақсадда унинг ёнига келганимни билмоқ учунми, – Бу... Ука, айланиб юрибсиз? – дедилар саволомуз боқиб, сўнг ўтиришга ундади-

лар, – Марҳамат ўтиринг. – Камина қимтиниб ўтиргач ташрифим маъносини қизиқиб сўрадилар: – Мухлисларимдан булсангиз керак? Ё дасхат олмоқчимисиз?

Университетда устозларим: “Мухбир дадил бўлиши керак!” – дея ўргатишган эди. Мен дадилландим.

Тўғри топдингиз, устоз, аввало ўл деган мухлисингизман, қўшиқларингизни жонимдан ҳам яхши кўраман, – дедим. – Ўзи мен Свердлов концерт залида берган концертларингизнинг жуда кўпида қатнашганман, сизга ҳатто бир неча бор гулдасталар совға қилганман, – дедим тўтидай бидиллаб. – Албатта, сизга кўп мухлисларингиз гул тутган. Қайси бирини эслаб қоласиз, мен ҳам ўша эсланмай қолганларданман.

– Аттанг, эътибор қилмаган эканман-да.

– Ҳа, концерт кетаётганида қаси бир мухлисга ҳам эътибор қилиб бўлади дейсиз... Бу ёқда каттакон зал тўла тоғашабин тинмай чапак чолиб, сиздан янги-янги ашулалар кутаётган бўлса...

– Бу фикрингиз ҳам тўғри, ука. Бир ёғи залнинг салобати, бир ёғи масъулият дегандай, бир ёқда вақт...

– Устоз, ҳозир ҳам вақтингизни олаяпман шекилли, – осмондан тушаётгандай гап қилдим мен.

– Йўқ, бемалол! – Комилжон устоз заррача ҳам оғринмай деди. – Ўзи, репетициядан чарчаб чиқиб ўтирган эдим. – Сўнг ҳофиз даб-дурустдан: – Ука сизнинг қўшиқ айтишга иштиёқингиз борми, дейман-да, касбингизни ҳам сўрамадим, исмингизни ҳам сўрамадим. Лекин кўпдан танишдек гурунги босишга тушиб кетдик. Ўзингизни таништирамадингиз ҳам.

– Ҳали айтдим-ку, ўл деган мухлисингизман деб. Қўшиқ-ку, айта олмайман, лекин сиздан сутка давомида ётиб дам олмаган ҳолда қўшиқлар эшитишга тайёрман.

– Содиқ мухлис экансиз, ука. Исмингиз?

– Исмин Эркин, фамилиям Мадраҳимов. Вазифам – Ўзбекистон радиосининг Хоразм вилояти бўйича мухбириман. Бир йилча бўлди ишлаётганимга бу вазифада, Тошкент радиосидан Хоразмга доир эшиттириладиган барча хабар, воқеалар тафсилотларини камина ёзиб юбориб тураман.

–Э, э жисмингиз муштдеккина бўлсаям, вазифангиз катта экан, Эркинбой! Демак журналистсиз.

–Худди шундай, устоз. Кўпларнинг овозларини магнит лентасига ёзиб олиб Тошкентга юбориб тураман. У ердан радио орқали эфирга узатишаверади.

– Ишингиз масъулиятли ҳам экан, ижодингизга барака тилайман.

– Раҳмат, устоз, – шундай дедиму Комилжон Отаниёзовнинг 1955 йил баҳорида Ҳинд диёрига ижодий сафари чоғида Ҳиндистон республикаси Президенти Жавоҳирлаъл Неру буюк ҳофизга Рави ва Шаши деб аталган иккита филча совға қилганини, шу муносабат билан камина махсус шеър битиб, ўша пайтлардаёқ “Хоразм ҳақиқати” рўзномасининг 1956 йил 25 январь сониди “Дўстлик совғаси” номи билан нашр қилдирганимни айтиб қолдим.

– Ие, ие?! – Комилжон ака ҳаяжонланди. – камина эшитмай қолган эканман-да бу филчаларга бағишлаб шеър ёзилганини! Ана холос. Бу мен учун янгилик бўлди. Демак, бундан саккиз йилча олдин ёзган экансиз-да, бир-икки банди ёдингизда борми?

– Бор! Лекин болаларбоп қилиб ёзган эдим-да.

– Қани, қани?

Камина ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларимда ёзилган ўша шеърни устозга ўқиб бердим. Унда шундай сатрлар бор эди.

Иккита муносиб тортиқ –  
Фил боласи Рави ва Шаши,  
Ҳиндистондан – Неру совғаси,  
Иккисин ҳам баравар ёши.

Ҳиндистонлик дўстларимизнинг  
Олиб келди саломин бизга –  
Булар дўстлигимиз нишони,  
Қувонч қўшди қувончимизга.

Рави билан Шаши Ҳинд элчиси,  
Рави – қуёш, Шаши эса ой.  
Булар совға қуёш элидан,  
Бир ўлкаки, филга жуда бой.

Раҳмат сизга, ҳинд сахийлари,  
Тинчлик иши бўлар мустаҳкам.  
Филникидай куч-иродамиз,  
Гоят қалин дўстлигимиз ҳам.

Шеърни тинглаб устоз қувонди.

Чиндан ҳам болалар учун чиройлиқкина шеър бўлган экан ўша филчаларнинг менга туҳфа қилингани воқеаси. Уларни Тошкент “Ҳайвонот боғига” совға қилиб юборган эдим ўшанда...

Бу пайтда менинг бошимда бошқа бир муҳим муаммо – “Яқин кунларда бир укамизни уйлантирмоқчимиз, агар вақтингиз, имкониятингиз бўлса – келсангиз ниҳоятда қувонар эдик” дея айтсамми-айтмасамми, деган андиша чарх ураётган, хижолат эса бу фикрни изҳор этишга сира ҳам йўл қўймаётган эди. Чиндан-да, ниҳоятда ўртанаётган ҳам эдим.

Кутилмаганда муаммонинг ечимини Комилжон устознинг ўзи ҳал қилиб бердилар.

– Эркинбой, сиз билан алоҳида бир отамлашмоғимиз керак экан, вақт топсангиз театрга келаверинг, мени шу ерда учратасиз.

Мен “Гупп” эткизиб ичимни ўртаётган мақсадни қандай қилиб айтсам экан, дея минг хаёлга олиб бораётган ўйларимни осмондан тушгандек, айтдим-қўйдим.

– Устоз, – дедим буюк ҳофизга илтижо билан боқиб. – Бир ҳафтлардан кейин укамни уйлантирмоқчимиз, ташриф буюрсангиз бошимиз осмонга етар эди. Ўшанда яна бир отамлашиб, ижодий режаларингиз ҳақида ҳам гурунглашиб олар эдим.

Ҳофизнинг юзи ёришди. “Э-э Эркинбой, сизнинг дардингиз бу ёнда эканда-ку, буни олдинроқдан айтсангиз бўлмасмиди, – кулимсираб деди устоз”.

– Олдинроқдан мавриди келмади, устоз! – дедим қизариб-бўртиб. – Қандай бўлар экан, деб уялиб турган эдим.

– Нега уяласиз, дангал айтавермайсизми?!

Камина дудуқландим:

– Ахир... Ахир, сиз катта санъаткор бўлсангиз.

– Бу гапни қўйинг, ука! Тўй аниқ қачон бўлади, – шартта кесди Комилжон устоз. – Ўнинчи сентябрда бўлса ўша куни бўшман, ҳеч кимга сўз ҳам, ваъда ҳам берган эмасман.

– Тўй?! Ўша.. сиз айтган кун ўнинчи сентябрга белгиланган.

– Борганим бўлсин! – Қатий деди Комилжон, – Адресингизни айтинг. – Мен уй адресимизни ёзиб ҳофизга узатдим. У яйраб куйлаги чўнтагига солиб қўйди: – Икки соат олдин ўзим етиб бораман гуруҳим билан! Кутинг! – У илиқ ҳайрлашиб театрга кириб кетди.

Мен қулоқларимга ишонмай, донг қотиб қолдим. Гўё ҳамма гап тушда кечаётгандай эди: “гуруҳим билан кутинг!” Наҳотки тўйимизга Комилжон Отаниёзов келса?! Тасодифан, кутилмаганда бу қандай келишув бўлди энди? Комилжон ака алдамаётганмикан? Уйга гўё қанот боғлаб учиб келиб, устоз билан бўлиб ўтган гап-сўзларни дадамга айтиб бердим.

– Қаерда кўриб юрибсан Комилжонни? – қизиқди у.

– Театр олдидан ўтиб кетаётсам йўл устидаги битта скамейкада ўтирган экан, – изоҳ бердим камина дадамга. – Дарров бориб кўришдим, ёнига ўтирдим, анча суҳбатлашгач гап ўзидан ўзи беихтиёр, тўйга улашиб кетди. Таклиф қилдим. “Бораман, гуруҳим билан кутинг!” деди, вассалом.

– Комилжон бир сўзли санъаткор, бораман деган бўлса, албатта келади, мен уни яхши биламан. – Қатъий ишонч билан деди дадам. – Яхши кутиб олишимиз керак.

Менинг ишончим ҳамин қадар эди.

“Бораман деб айтди-қўйдими, ким билади дейсиз, – камина тумонда эдим. – Мендек оддий бир мухбирнинг таклифига кўра тўйга келаверса? Унчалик ишонмаяпман. “Кимнинг боласинан, деб сўраганиям йўқ, бунча берасизлар, деб айтиб ҳам ўтиргани йўқ, ахир”.

– Унинг “фалон сўм берасизлар” дейдиган одати йўқ, ваъда бердими келади унинг сўзи сўз.

Тўйимизга буюк ҳофиз ташрифининг яна бир қизиқ томони – устоз ваъдасининг устидан чиқиб хонадонимизга айтган муддатларида ташриф буюрганларидан кейин бўлиб ўтди. Меҳмонларни кутиб олгани, дадам билан бирга пешвоз чиққан эдим, Комилжон Отаниёзовнинг дадамга кўзлари тушди-ю, “Ие, Абдирим ака! Тушимми ё ўнгимми” – дея беихтиёр қийқириб юборди. – Ўзингизмисиз, ака, деганча очамлашиб кўриша кетишди улар. – Анча бўлган эди-я, кўришмаган эдик. Қаранг, мен кезмайман, насибам кезади, деб шуни айтишар эканда. Кутилмаган сабаб билан сизнинг тўйингизга келиб қолган эканмизда, ана холос, ана холос.

Чиндан ҳам Комилжон Отаниёзовнинг қувончи чексиз эди. Ҳаёжонланиб кетганидан ҳадеб: “Ҳай, Абдирим ака-ей, ай Абдирим ака-ей” деб елкаларига қоқиб-қоқиб ҳам қўяр эди. Кейин билсам улар 1940 йилларнинг бошларида Хивада дўст тутинишган экан. Дадам Хива туманининг бир нечта қишлоғида, кейинчалик 1948–1954 йилларда Қўшқўпир туманининг Ғозовот, Ўзбекёп, Ўртаёп, Хонабод қишлоқларида участка нозири вазифаларида хизмат қилганида Комилжон Отаниёзов иштирок этган жуда кўп тўй-маъракалар, сафар концертларида бирга бўлишиб, иноқлашиб қолишган экан. Дадам 1954 йилда нафага чиққач, улар учрашмай қолишаган...

Энди тўйга келсак... Шундай бир базм бўлдики... Комилжон Отаниёзовнинг ташрифини эшитиб тўйга узоқ-яқин кўчалардан ҳам, қўшни маҳалларлардан ҳам шундай кўп оломон йиғилдики, базмхона олдида оёқ босгани жой топилмай қолди. Ҳамма Комилжон Отаниёзов хонишларини эши-

тиш иштиёқида йиғилишган. Вақт тез ўтиб, оқшом яримлаб қолган эса-да, ҳеч ким ўрнидан жилай демасди. “Беш-олти жуфт ашула айтиб бераман” деб тўйга келган устоз ўша кеча тўпланганларни неча ўнлаб бири-биридан гўзал ва дилрабо ашулаларидан баҳраманд қилди. Отаназар Абдолниёзов доира чалиб, Матмурод Солаев қўшиқларга жўр бўлиб, Мунаввара деган қиз эса рақс тушавериб, чарчаш билишгани йўқ. Комилжон аканинг қудратли овози тўйхонага микрофон ўрнатилмаган ҳам эди – узоқ-узоқларга таралиб, ёқимли аксадо берар, маҳалла-қўй, чиндан ҳам роҳат-фароғат оғушида эди. Тўй тонгга яқин тугади. Комилжон йиғилган бир даста пулни битта қозоқи рўмолчага тугди-да, “Абдирим бува ака – бу биздан сизга тўёна, деганча кўярда-қўймай, дадамнинг қўлига тутқазди ва гуруҳини бирга олиб, хайрлашиб, “Сизлар билан уйда ўзим ҳисоблашаман” деганча жўнаб қолди.

Ўша кеча қаҳрамони – куёв Рустам укам саккиз нафар ўғил-қиз фарзанд кўриб 1980 йилнинг биринчи майида оламдан ўтди. Кейин иккала ўғли ёруғ бу дунёни бирин-кетин тарк этишди. Келинимиз Гулчеҳра Худога минг қатла шукрлар бўлсинки, бугун соғ-саломат. Айни пайтда етмиш ёшдан ошган бўлса-да, бир этак неварачеваралар оғушида роҳат-фароғатда. Ўша Комилжон Отаниёзов ўтказиб берган никоҳ тўйининг довуғи эса ҳали-ҳануз кўп тилларда дoston – хотирда, ёдда. Ахир, ўша тўйда буюк Комилжон Отаниёзов беминнат ва холис хизмат қилиб, кўпчиликнинг олқишларига ҳам, раҳматига ҳам сазовор бўлган эди-да! Комилжон Отаниёзов чиндан ҳам ўзининг ниҳоятда буюклигини, камтаркамсуқумлигини ва ниҳоятда оддийлигини яна бир бор камоли эҳтиром билан номойиш қилган эди ўшанда. Бундай буюк хизмат ва саҳийликни унутиб бўладими, ахир?!



## УСТОЗ СУВРАТИ

Эл суйган буюк хонанда Комилжон Отаниёзовнинг неча минглаб дилларда, ашаддий мухлисларининг юракларида, миннатдор авлод хотиралари ва ёдларида қўлларида тор ушлаб турган сувратлари, мўътабар сиймолари, хотираларда нақшланиб қолмаган дейсиз?!

Менинг Хива қишлоқларининг бирида истиқомат қиладиган, мактабда бир неча йил давомида директор бўлиб ишлаган, республикада хизмат кўрсатган мураббий унвонига сазовор бўлган ниҳоятда зиёли, ҳар бармоғи ўн хунарли, ҳам яхши санъаткор Отабой Қурбонов деган саҳий қалбли дўстим бор эди. Унинг ҳамма нарсага қўли келишар эди. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ яхна ичимлик сувини шишаларда қадоқлаб сотишни қонуний йўлга қўйган, жамгарилган пулига автобус харид қилиб, уни она қишлоғи билан Урганч шаҳри оралиғида элдошлари ва йўловчиларга хизмат қилиш ишига сафарбар ҳам этиб қўйган эди. У болалигиданоқ Комилжон Отаниёзовнинг ниҳоятда ашаддий мухлиси эди, унга тақлид қилиб буюк ҳофиз қўшиқларини куйлар, даврадошлари қалбига завқ-шавқ улашар эди. Комилжон устоз санъатига бўлган ихлос уни бора-бора камолотга етказди. У тўйларда, базмларда, турли тантана ва тадбирларда ҳам қўлига тор ушлаб элдошларига сидқидилдан хизмат қила бошлади. Унинг хонадони ҳам, дастурхони ҳам дўст-ёрлари, биродарлари, улфатлари учун доимо кенг очиқ эди. Дўстлари кўпинча унинг ҳайҳотдай каттагина меҳмонхонасига буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзовни кўриш, унинг кулиб турган самимий чехраларига боқиб, ором завқ-шавқ олиш учун ҳам тез-тез қадам ранжида қилишар эди. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, унинг дўстлари бу даргоҳга Комилжон Отаниёзов чехрасига боқиб роҳатланиш учун ҳам камоли эҳтиром билан ташриф буюришар эди Отабой Қурбоновнинг дўстлари бу нурафшон меҳмонхонага! Гап шундаки, Ота Қурбон (биз уни шун-

дай деб ардоқлар эдик) узунлиги олти, баландлиги уч ярим метрлик тўрғи деворнинг ялписига улуг ҳофизнинг қўлда тор ушлаб турган улкан суратини тошкентлик таниқли бир расомга махсус буюртма бериб, ясашиб қўйган эди. Ҳофиз унда гўё тирикдек, нафас олаётгандек қиёфада жонли ва мана-мана куйлаб юборадиган мақомда гўзал ва мафтункор эди. Мен Комилжон Отаниёзовнинг бу ноёб суратини кўп бор томоша қилганман. Хонадон соҳибига миннатдорлик билдирганман, ҳатто бир гал бу суратни атайлаб томоша қилдириш учун жуда кўп дўстларимни, жумладан, таниқли шоир ва ёзувчи, ҳассос драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Самандарни ҳам, бир гал беназир шоир, “Офарин” мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳакимни ҳам бошлаб келиб, уларнинг ҳам ҳайратланганликларининг гувоҳи бўлганман. Улар Ота қурбонга бу ҳиммати учун тасаннолар изҳор қилишган.

– Комилжон Отаниёзовнинг мухлислари сон-саноксиз, – дея ҳайратини яшира олмаган ўшанда Эркин Самандар. – Лекин ҳеч бир мухлиснинг уйда нақ меҳмонхонанинг бир деворини тўлатганча ярқираб турган ҳофиз суратини ясашиб қўйган хонадонни кўрган эмасман. Тасанно сизга, Ота Қурбон! – дея чин дилдан ташаккур изҳор этган эди таниқли меҳмон хонадон соҳибига. – Энг ашаддий мухлис деб сизни айтса бўлади.

Эркин аканинг фикрларини Матназар Абдулҳакимга етказганимизда эса “Отавой акани энг ашаддий мухлис деб ҳеч иккиланмай айтса арзийди,” – деб хушҳол лутф қилган эди шоир...

Афсус, минг афсус, Комилжон Отаниёзовнинг ана шундай “ашаддий мухлиси” рашк балосига мубтало бўлган онкўр турмуш ўртоғининг “гиж-гизи” билан нобоп фарзанд қўлида шаҳид бўлиб бундан бир неча йил олдин ёруғ бу оламни тарк этди. Ундан бошқа бир қобил фарзанд – Та-

лантбек, санъатга, ҳаётга бўлган катта меҳр меҳмонхонанинг тўрғи деворини бошидан-оёқ яшнатиб, буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов қўлга тор ушлаб турган ҳайҳотдай портрети мерос бўлиб қолди.



## ХАЁЛАН МИНГ ЙИЛ ОША

Хаёл яхши нарса. У чексиз-чегарасиз, худуд билмайди, инсонни не ерларга етакламайди дейсиз?!

Хива шаҳрининг уч минг беш юз йиллиги зўр тантаналар билан нишонланаётган кунларнинг бири. Марказий сайилгоҳ яна томошабинлар, қўшиқ шайдоларию аҳли завқ билан гавжум. Даврани замона сухандонларидан бири ҳаяжон оғушида бошқариб, йиғилганларга қувона-қувона мурожаат қилади.

– Азиз биродарлар, ҳамшаҳарлар, қадим Хивамизнинг мўътабар ва қадрли меҳмонлари! Хабарингиз бор, бизнинг бугунги кунларимизга бундан қарийб минг йил олдин яшаб ўтган бобокалон авлодларимиздан асрлардан-асрларга ўтиб ниҳоятда қимматбаҳо дурдоналар етиб келган. Булар олтин ва зарнигор тасмаларга, думалоқ гардишларга суратлари билан бирга муҳрланган бебаҳо ашулалар, қўшиқлар, қизлар рақслари бобокалонларимиздан мерос, табаррук ёдгорликлардир. Биз сиз билан биргаликда ўтган икки ҳафта давомида тарихда кечган беназир санъаткорлардан Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Ёкубов Шерозий дея ўз даврида оламшумул шуҳрат таратган ҳофизларнинг дил яйратар соҳир овозларини тинглаб, оромлар олган, овозлари бизгача етиб келган ўтмишдошларимизга тасаннолар изҳор айлаган эдик. Бугун бизнинг қўлимизда мана бу олтин сандиқчада жамланган, бу кунларимизга асрлар оша бенуқсон етиб келган, Комилжон



Отаниёзов дея минг йиллар шуҳрат таратган яна бир мумтоз бобокалон хонандамизнинг қўшиқларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. Бизгача етиб келган манбаларнинг гувоҳлик беришича, Комилжон Отаниёзов ҳам XX асрнинг, яъни бундан минг йил муқаддам кечган даври-давронларнинг энг мумтоз намоёндаларидан бири мақомида жаҳонда шуҳрат таратган эканлар. У Отаниёзий деб аталган ўз даврининг машҳур шоирларидан бири хонадонида 1917 йилда таваллуд топган экан. Санъат оламида камолга етишиб Турондаги бир неча мамлакатда, шунингдек, Ҳиндистон, Бирма, Камбоджо деган бошқа бир қатор хорижий юртларда ҳам Хоразм санъатини маҳорат билан намойиш қилган, кўплаб юксак унвонларга сазовор бўлган эканлар. Ўзлари ҳам минглаб ажойиб қўшиқларни ижро қилиш билан бирга ўнлаб ашулаларга ҳам ажойиб куйлар басталаганлар.

Жойлардан турли овозлар эштиради.

– Муҳтарам сухандон, биз бобокалон санъаткоримизнинг шу кунларимизгача етиб келган соҳир овозларини эшитишга ниҳоятда муштоқмиз.

– Қани, ўша дурдона қўшиқларни эшитайлик.

– Боболаримиз овозларини тинглаш биз учун бахт!

– Бу овозларнинг бизгача етиб келганининг ўзи бебаҳо давлат.

Сухандон гап бошлайди.

– Шошманг, азизлар. Ҳозир қалблардан жой олган Комилжон Отаниёзов ижро қилган ашулаларнинг бир нечасини галма-галдан эътиборингизга ҳавола қиламиз. Уларни Оллоҳга беҳад ҳамду санолар айтиб эшитмоқ даркор. Мана, нуқтани босдик эшитинг, роҳатланинг азизлар.

Майдон бўйлаб Комилжон Отаниёзовнинг бир неча қўшиғи галма-гал эшиттирилади. Оломон уларни чайқалиб тинглайди, рақс куйлари янграганда давра беихтиёр ўйинга тушиб кетади. Қўшиқ-куй ижро этилаётганида оломон орасидан ҳаяжонларга тўла овозлар эштиради.

– Овозингиздан айланай, бобокалоним!

– Отингиздан айланай, Комилжон, исмингиздан айланай, овозларингиз бунчалар ҳам ёқимли-я!

– Тингловчиларнинг бири-бирига маъқуллайди.

– Худо берган овоз экан бу, дўстим, худо берган овоз экан.

– Ҳа-я, бизгачаям бу мўъжиза овоздан, ижро этилган тароналардан қанчадан-қанча авлодларимиз баҳраманд бўлмаган дейсиз?!

Комилжоннинг яна бир қўшиғи майдон бўйлаб бир неча жойда ўрнатилган овоз кучайтиргич қутичалар орқали тантанавор жаранглайди, ҳамма жон қулоғи билан тинглагандан кейин, қўшиқ пасайиб, яна бош сухандоннинг сўзлари янграйди.

– Яратганга тасаннолар бўлсинки, бурунги ота-боболаримиз ҳам шод-хандон қўшиқлардан ҳам аёнки, фаровон ҳаёт кечиришган! У даврларда ҳам фан-техника шу даражада тараққий этган эканки, ҳатто ўн аср оша бизгача етиб келган бу мўъжизалар биз – бугунги авлодга яратганнинг бебаҳо инъомларидур. Қаранг-а, “Флешка” деб аталган бош бармоқдекгина жиҳозга минглаб қўшиқлар, неча ўнлаб китоблар жо бўлса-я!!! Қудратингдай айланай, Худойжоним! Келинг, яхшиси Комилжон Отаниёзовдан яна дил яйратар қўшиқлар эшитайлик!

Майдон бўйлаб яна Комилжон Отаниёзовнинг ўйноқи қўшиқлари янграйди.

Бир неча қўшиқ ижро этилгач сухандон сўз бошлайди.

– Ҳали бизгача етиб келган Ҳақ инъомларидан, Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқларидан ташқари рақс куйлари, мақом ашулалари ҳали жуда кўп. Оллоҳ буюрса биз ҳали уларни жуда кўп эшитамиз. Роҳат-фароғатлардан баҳраманд бўламиз. Биз сизга шуни қувонч-севинч билан етказишни истар эдикки, биз ўша даврларнинг жаҳонга машҳур Болабаҳши, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Олмаҳон Ҳайитова, ака-ука Ғафур ва Ғулом

Эшжанов, Огабек Собиров, Рўзмат Жуманиёзов, Равшан Матёқубов, Фарҳод Давлатов, Карим Раҳмонов сингари яна неча ўнлаб ҳофизларнинг ашулалари жамланган жонли тасмаларнинг ҳам, диск деб аталган мўъжизаларнинг ҳам бахтиёр соҳибларидурмиз. Биз уларни ҳам галма-галдан мана шундай қўшиқ байрамларида сизларга етказиш ниятидамиз. Иншаоллоҳ, бу қимматбаҳо мероснинг барчаси сизларнинг хонадонларингизда ҳам қадимлардан етиб келган олтиную жавоҳирларга тенг, балки улардан ҳам юз карра қимматбаҳо мулк каби кўзларнинг оқу қаросидек эъзозланиб асралажак!

Азизлар, бугунги қўшиқ базмимизни бундан ўн аср олдин, Ҳожихону Шерозию Комилжонларга, Отажон Худойшукуровларга, биз тилга олган бошқа ҳофизларга ҳамаср бўлиб яшаб ўтган, ўша давралардаёқ мингдан зиёд қўшиғи билан ардоқланган Ошиқ Эркин деган шоирнинг бизгача етиб келган ушбу сатрлари билан якунлашни маъқул топдик. Мана, эшитинг, ўша пайтлардаёқ шоиримиз нима деб ёзган эканлар! Мана ўша сатрлар:

### КОМИЛЖОННИНГ САНЪАТИГА

Ором бериб дилбар таронаю назм,

Қўшиқ, куйдан яралган асли Хоразм.

Онглари чин юракдан гар солса ким разм,

Хуш кечар диёрда ҳар бир тўй, ҳар базм.

Очунда юрт борми доврўғи етмаган,

Хоразмнинг санъатига беш кетмаган.

Янграса бас қўшиқ – ўт ёқиб қонига,

Лаззатлар бахш этар жону жаҳонига,

Келгандек малаклар кўк оша ёнига,

Бағишлар завқу шавқ ҳар қандай онига.

Очунда юрт борми доврўғи етмаган,  
Ҳожихоннинг санъатига беш кетмаган.

Парвоз айлаганда кўкда тароналар,  
Топилмас эрди бўлмаган парвоналар.  
Шайдоси эрди Андижон, Фарғоналар,  
Давраларда шўх товланиб жононалар.  
Борми очунда юрт доврўғи етмаган,  
Шерозийнинг хонишига беш кетмаган.

Баланд эрди осмон қадар парвозлари,  
Дилларга хуш ёқарди янграб созлари,  
Лол айларди булбулларни овозлари,  
Ширин эрди ҳатто асалдан розлари.  
Очунда юрт борми доврўғи етмаган,  
Комилжоннинг санъатига беш кетмаган.

Куйлаб жон бахш айлаган хаста жонларга,  
Довруғлар таратган ичон-дешонларга,  
Санъатда беаган умрини шонларга,  
Ҳам мушарраф бўлган не-не нишонларга.  
Борми очунда юрт шухрати етмаган,  
Бола бахши хонишига беш кетмаган.

Жавлон уриб “Лазги” сига гулбаданлар,  
Қолмас эди ларзага тушмаган танлар,  
Яшнар эди бағрига кирса чаманлар,  
Камдир унингдай қучган шарафлар, шаънлар.  
Борми очунда юрт доврўғи етмаган,  
Отажоннинг санъатига беш кетмаган.

Бу шундайин кўшиқчи бир диёр азал,  
Мақомидай ширин эмас ҳатто асал,  
Навога айланар бу элда ҳар ғазал,  
Ҳар нағмаси олтинга тенг – бамисли зар.  
Борми эл Рўзматнинг овози етмаган,  
Бобомурод куйлаганда беш кетмаган.

Келтиргувчи ҳавасин ҳатто булбулнинг  
Бугун ҳам зўр санъат аҳли борми бу элнинг,  
Завқиға завқ кўшгувчи барча кўнгулнинг,  
Нозик пардаларин чертгувчи ҳар дилнинг.  
Борми очунда юрт доврўғи етмаган,  
Ортиқ, Олмахонларига беш кетмаган.

Тоза юракларга жўр бўлиб ою йил,  
Элларни куй-кўшиққа айлаган мойил.  
Ғам-гуссани қилгувчи диллардан зойил,  
Султонпошша, Иродага минг бор қойил.  
Борми очунда юрт доврўғи етмаган,  
Фарҳодию Оғабекка беш кетмаган.

Азаматнинг зўр саси бор – булбулнавоз,  
Йўқдир Улуғбекнинг овозидай овоз,  
Ғафур, Гулом кўшиқларидай дилнавоз,  
Бекзодбек куйласа рубоб ноз қилар, ноз,  
Борми очунда юрт доврўғи етмаган,  
Равшанбекнинг санъатиға беш кетмаган.

Ошиқ Эркин, элинг қадимдан санъаткор,  
Замирида илоҳийдан куч-қудрат бор,  
Унга ўйноқилик, шўхлик, жўшқинлик ёр,  
Бу санъатга кимки ошуфта – бахтиёр!  
Очунда юрт борми кўшиғи етмаган,  
Карим Раҳмон Руслониға беш кетмаган.

Оламда юрт борми доврўғи етмаган,  
Хоразмнинг санъатиға беш кетмаган,  
Комилжоннинг лазгисига ўйин тушиб,  
Унинг сурнай навосига беш кетмаган.

2013 йил 25 ноябрь.



Омонулла МАДАЕВ,  
филология фанлари номзоди,  
профессор

### НАВБАТ КУТГАН САНЪАТКОРЛАР

Мен еттинчи синфда ўқирдим. Отам, онам, мен ва укам Комилжон Отаниёзовнинг концертига бордик. Концерт бошланиб, Комилжон Отаниёзов олти ашула айтди ва сахнадан чиқиб кетди. Халқ қарсақ чалиб, полни тепиб у кишидан қайта ашула айтишини талаб қилди. Яна иккита ашула айтди. Халқ яна у кишининг ашула айтишини талаб қилди. Яна тўртта ашула айтдилар. Халқ яна бақирӣқ-чақирӣқ қилиб Комилжон акани талаб қила бошлади. Шунда сахнага филармония директорининг шахсан ўзи чиқиб келди. Бу инсон машҳур санъаткор, балерина Бернора Қориеванинг отаси Қори ака эди. Хуллас, у киши: “Энди ҳадеб қарсақ чалаверасизларми, концертнинг ўз репертуари, қоидаси бор. Бошқа санъаткорларни ҳам тингланглар, улар ҳам навбат кутиб туришибди”, деди.

Кейин бир неча санъаткорлар қўшиқ айтишди. Халқ эса уларнинг яхши қабул қилмади, ҳатто номигагина бўлса-да, қарсақ ҳам чалиб қўйишмади.

Мен халқнинг бу кишига қанчалик хайрихоҳ, санъатини ҳурмат қилишини кўп маротаба кўрганман. Тўйларда тушган пулни тўй эгасига тўёна қилиб кетганларини эшитганман. У кишининг устози Қурбонназар Абуллаев бизникига тез-тез келиб турар эдилар. У киши дostonчиликнинг сирасорларини жуда мукамал эгаллаганлар. Отам у кишига бир кун дostonчилик ва бу борада қайси санъаткорнинг маҳорати яхши эканлигини сўраб қолдилар. У киши эса дostonчиликда Комилжон Отаниёзов ва Отахон Матёқубов бу борада жуда зўр санъаткорлар ҳисобланишади, деб жавоб бердилар. Отахон Матяқубов айна дамда саксондан ошганлар.

Комил АВАЗ

### ДУШИНДА БУЛБУЛ КЎРГАН (ЭССЕ)

Бугун февраль ойининг боши. Кеча оқшом майдалаб ёғган бошлаган қор, эргалабгача ерга оппоқ парку ёйиб, довдарахтларнинг елкаларига, қўлларига эркалаб мингашгандай қузур қилипти. Пешинга бориб қорнинг учқуни йириклашиб, зеболи, кўркам бўлиб янада кучайди.

Ёзувчиларнинг “Дўрмон” ижод уйи бундай гўзал манзардан яна ҳам чирой очиб, сирли суҳбатга чорлайди. Ҳаммаёқ ўйчан ва сокинлиги баробарида пурвиқор, ҳашаматли. Уй ичига киргим келмаяпти, лекин ёзаётган сатрларимнинг руҳидан чиқиб кетмаслик учун хонага, компьютер олдига шошаман. Шунда ҳам вақти-вақти билан ҳовли ичида айланиб, бу қадар покиза руҳиятли муҳитдан ажралгим келмай тураман-тураман-да, яна ичкари кириб, битигимни давом қилдиришга ўтираман.

Шундай бир пайтда қўл телефоним жиринглаб қолди. Қулоқ қўйсам, ёзувчи дўстимиз Янгибой Қўчқоровнинг овози:

– Ассалому алайкум, устоз, уйдამисиз?

– Валайкум, ҳовва.

– Эшигингиз олдида туриб эдим. Икки оғиз маслаҳатли гапим бор эди.

– Ҳозир чиқаман.

Мен компьютерда ёзаётган нарсамга андармон бўлиб, кўча эшигидан ташқарига чиқолмаган эдим. Қаранг, вақт пешинга яқинлашиб қолибди ҳамки, ҳали эшик қулфини очмаган эканман. Андак хижолатланиб, эшик тагида турган Янгибойга:

– Кириг, – дедим.

– Йўқ, раҳмат, безовта қилганим учун узр, – андак тин

олиб, сўнг бир нафасда гапини айтиб ташлади. – Демокчи бўлганим, сиз устоз Комилжон ака, Комилжон Отаниёзов ҳақида кўп нарса ёзгансиз. Шу биз ҳам Қорақалпоқда бир нималар қилиш тараддудида юрибмиз. Бизга бирор нарса илинсангиз. Иложи бўлса каттароқ ҳажмда бўлгани маъқулроқ. Шунини илтимос қилиш учун келиб эдим. – Мен бирор нарса демоққа оғиз жуфтлаган эдим, у мени вақт маъносида бирор эътироз билдирармикан деган маънода тезда изоҳ берди, – Буни бир-икки кун ичида эмас, ўн-ўн беш кунлардан кейин берсангиз ҳам бўлади.

– Хўп, уйга кининг, пешин бўлиб қолди, бирга бир пиёла чой ичамиз, юринг – дедим.

– Раҳмат, устоз, ҳамма вақт чой ичиб юрган еримиз, насиб қилса, ёзганингизни олиб кетишга келганимда кираман. Ҳозир сизни ишдан қўймай, – деди-да, тўпигидан ошган қорни босиб, орқасига қайтди. Янгибойдай фидойи инсонлар адабиётимиз, санъатимиз учун жон куйдириб, эшик қоқиб юрадилар. Буларнинг бориға шукур.

Биз устоз Комилжон Отаниёзов билан бир маҳаллада яшадик. Дадам раҳматлик созга, адабиётга ихлосманд одам эдилар. Маҳалламизда етук шоирлар – Эгам Раҳим, Эркин Самандар, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театрида хизмат қилган эл ардоғидаги санъаткорлар: Ўзбекистон халқ артистлари – Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матёқуб Раҳимов, Каримжон Раҳимов, Мадраҳим Бобоҷонов, Дилором Сапаева (кейинчалик Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида ишини давом қилдирди), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Маҳмуджон Сапаев, Онабиби Очилова, Каримжон Исмоилов, Ражаббиби Бойжонова, Робия Отажонова машҳур созанда ва актёрлар – Қаландар Бойжонов, Салима Ҳажиева, Жуманиёз Ҳайитбоев, Озод Иброҳимов, Биби Искандарова ва шунингдек, бошқа атоқли маданият ва маърифат ходимлари, журналистлар истиқомат қиларди.

Табаррук номлари зикр қилинган ардоқли инсонлар мамлакатимиз санъати, адабиёти, маданияти, маънавияти юксалишида хизматлари беқиёсдир.

Маҳалла-кўйчилик, тўю-маъракаларда учрашиб, у кишининг бот-бот суҳбатига муяссар бўлар эдик. Бир томони ҳаммаҳаллачилик, бир томони шеър шуурга ихлосмандлигим туфайлимикан у киши билан унча-мунча суҳбатлар қурганмиз. Комилжон ака суҳбатларининг таъми ўзгача эди.

1974 йил январь ойининг бошларида вилоят туманларининг ҳосил тўйлари кенг нишонланаётган кунлари биз – вилоят ижрокўмининг муовини Маркс Жуманиёзов ҳамда синфдош дўстим, вилоятнинг катта маҳкамисида масъул вакифда ишлаётган Шокир Матниёзов учовимиз Шовот тумани тўйида қатнашдик. Тўйдан кейин бир пиёла чойга таклиф қилишди. Меҳмонхонага кирсак, даврада Комилжон ака Отаниёзов, у кишининг шогирдлари Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшқуровлар ҳам бор экан. Салом-аликдан кейин Комилжон ака сўзлаётган гурунгини давом қилдиравердилар.

– Тилимизда учта сўз бор – дедилар бизга аста нигоҳ ташлаб – “тўй”, “ер”, “соз”. Бу учта сўзни бошқа тилга таржима қилинса, асл маъносини бермайди. “Тўй” – тўймоқ, создан, суҳбатдан, таомдан, дийдордан, кураш, қўчқорлар уриштириш томошаларидан тўймоқ. Бу оддийгина свадба эмас... “Ер” – е-ер, яъни, ейди, едиради. “Земля” сўзи “кушать” эмас, замин маъносини беради... “Соз” сўзининг маъноси жуда кенг, одамнинг оиласи тинч, рўзғори бут, ўттиз икки мучали соғ бўлса, созланган дутордай қадди тик, кайфияти, иши, турмуши яхши, руҳият баланд бўлади. Сознинг таржимасидаги настройка инсоннинг яшаш тарзини тўлиқ акс эттиролмайди...

Устоз анча жим қолдилар. Ўртага тушган хушмавзун жимликни Марк ака бузди.

– Комилжон ака, яхши ва топиб айтдингиз. Созандачиликда бир сўз бор – “дийралишма”. Унга нима дейсиз?

– Марксбой, дийралишмани одамлар тўғри тушунмадилар. Бу сўз фақат созандаликда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам, инсонларнинг яшаш тарзларида ҳам кўп ва хўп ишлатилади. Масалан, икки одам жанжаллашаётганда бири-бирига мен сендан бақувватман демоқчидек: “менинг билан дохиллашма, дийралишма, абжағингни чиқараман, мен сендан зўрман”, дейди. Худди шундай ҳазиллашиш чоғларидаям кимдир биров қуюшқондан чиққудай бўлса, энгилаётган одам, мен адаб сақлаб ўтирибман, обрўйингни қочиришим мумкин дегандек: “менинг билан дохиллашма, дийралишма”, дейди. Созандаликка келсак, ҳар бир навозанданинг дўст-ёронлари, ўз мухлислари, шинавандалари бор. Ана шулар ўзларининг ўлтиришмаларида ҳар ким ўзи ёқтирган созандани кўкларга кўтариб мақтайди ва ўзига яраша баҳс-мунозара каттайиб, худди полвонларни кураш туширишгандай, қўшиқчиларни ҳам беллашишга ундайдилар ва қўшиқчилар мухлисларини ранжитмаслик учун беллашишга рози бўладилар. Дийралишмасига келсак, барибир, қўлига тор ушлаб, даста боши бўлиб юрган созандалар, бир-бирига минг бора хушмуомалалик билан ҳурматлашсаям, тилида, менинг билан дийралишманг, зўрлигимни кўрсатиб қўяман деб соз бошлайди.

– Яхши айтдингиз, – деди Маркс ака, – мана ҳозир ёнингизда бақувват, юксак унвонлар соҳиблари Бобомурод билан Отажонбой ўтирибди. Биз буларнинг икковиниям яхши кўрамиз. Икковини бир дийралиштирсангиз ничик бўлар экан?

– Майли, ихтиёрлари, – деб Комилжон ака, нима дейсизлар дегандек, шогирдларига назар ташлади.

Бобомурод Ҳамдамов дарҳол узрини айтди.  
– Уста, мен шошиб турган эдим. Чоржўйга тез етиб боришим керак эди.

Комилжон ака мийиғида кулимсираб, рози бўлган тақовулда:

– Ундай бўлса нима қиламиз, жавоб берамасак бўлмас. Ундай бўлса, бир жуфт қўшиқ айтиб кетақол, – дедилар.

Аслида, устозга Бобомурод Ҳамдамов билан Отажон Худойшукуровнинг дийралишмаганлари маъқул эди, чунки бу хонандаларнинг қўшиқ айтиш йўллари ўзларига хос айрича эди.

Комилжон ака ҳақида ўлтиришларда, йиғинларларда анчайин хосиятли гурунлар бўлар эди. Кўпгина давра суҳбатларимизда туман, вилоят, ҳатто республика катта-кичиклари ҳам қатнашганлар. Устознинг ҳурматли дўсти, умуман аҳли сознинг ардоқли ошноси, эъзозли замондошимиз, мамлакатимиз аҳли сиёсатга таниқли, Янгиариқ, Ҳонқа, Хива туманларига фидойилик ила раҳбарлик қилган, адабиёт ва санъат муҳиби Мадамин ака Маткаримов билан Комилжон ака хусусидаги суҳбатларимиз, мулоқотларимиз бошқа бир дунё эди. Мадамин ака жуда серқирра, келишган, юз-у, кўзларидан нур ёғилиб турадиган фариштали, сўзга уста, меҳмондўст, созга, шеъриятга ихлоси баланд инсон эди. Мадамин аканинг ўзидай баланд бўйли, созандаликка меҳрли ўгли Бектурдиннинг уйланиш тўйида Комилжон аканинг “Хоразм лазгиси”ни қойил-мақом ўйнашини назарда тутиб, Мадамин ака ўзига яраша жозибли оҳангда:

– Комилжон ака бугун “Лазги”га ўйнамасангиз бўлмайди, – деган.

Комилжон ака Мадамин аканинг ҳам “Лазги”ни ўзига хос қалимий учлубда ижро қилишини назарда тутиб, шўхшанглик билан жавоб берганлар:

– Агар Маткаримов ўйнаса, ўйнаганим бўлсин!  
Бу икки улуғ инсоннинг беқайтариқ “Лазги” ижросидан тўй қатнашчилари баҳраманд бўлишган.

Ушбу тўй шодиёнаси чоғида анчайин дилтортар суҳбатда Комилжон ака барчани ҳайратга солиб, жумладан шундай деганлар:

– Ҳиндистонга ижодий сафаримиз чоғида Бомбайда ҳам концерт бердик. Мен “Сегоҳ” кўшиғини ижро этдим. Бир пайт қарасам залдагилар менга қўшилиб “Сегоҳ”ни куйлашяпти.

Яна денг, яхши айтишяпти. Қўшиқ тамом бўлгач, ҳайратимни яширолмай бирпас жимгина залга қараб анграйиб қолдим ва сўрадим: “Сизлар “Сегоҳ”ни қаердан биласизлар?” Улар бараварига қичқиришди: “Бизлар хоразмликлармиз!” Тавба, узоқ Ҳинд элига қадим бориб қолган хоразмликларнинг авлодлари бизларнинг мақомларни авлодан-авлодга ўтказиб келишаётган экан-да... Вожабо! Қандай яхши!

Комилжон аканинг ҳавасли гурунгларида, оташнафас қўшиқларидан баҳравор инсонларнинг ботиний қониқишларини шу бугун ҳам тушуниш қийин эмас. Нега десангиз камина ҳам бу янглиғ бахтдан мосуво эмасман.

Устознинг тор деб аталмиш мўъжаз мусиқа асбобини Ўрта Осиёга ёйишда хизматлари беқиёс катта. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзларининг шу асбобда моҳирона ижро этишларидир. Ўтган асрнинг эллигинчи йиллар охирида бетакрор скрипкачи Олланазар ака Ҳасанов билан Хоразмда тоҳануз машҳур бўлиб келаётган “Сақили наво” – “Хончиқар” куйи ижросини эшитганимда одамзот ўғли инсоннинг бу қадар мўъжиза яратишига ақл бовар қилмайди, деган ўйга борганим ҳақ. Гўё ижро қилинаётган куйда қатнашаётган 6–7 симлик оддийгина тор эмас, балки бир неча мусиқий асбоблар скрипкага қўшилаётганмикан дейсиз. Ваҳоланки унга фақат скрипка ва чилдирма жўр бўлган.

Қаранг-а, ҳам чолғуда, ҳам қўшиқда, ҳам рақсдамоҳирлиги баробарида, газаллар битиш, мухаммаслар боғлаш, полвонлар билан кураш борасида йўл-йўриқлар бериш, зийнатларига мос ҳазиллар қилиш, ўзининг қўшиқчилик мактабини яратишдек бебаҳо иқтидорни бир кишида мужассам этиш, Оллоҳнинг устозга бермиш ноёб инояти бўлса не ажаб.

Устознинг полвонларга ихлоси баланд эди. Кўпгина давраларда бу ҳақда эшитганим бор, лекин ёзувчи Байрам Ғойибовга “Хоразм полвонлари” тўғрисида ажойиб китоб ёзиб, уларнинг ҳаёти ва курашчанликларини холисанилло ёритгани учун ихлосим баландлиги туфайли ўша рисоладан

Комилжон ака билан боғлиқ лавҳаларни айнан келтиришга жазм этдим.

У бир лавҳасида шундай ёзади: “1964 йил. Комилжон Отаниёзов сеvimли шогирди Бекжон Отажоновнинг фарзанди Азимбойнинг хатна тўйига бошчилик қилмоқда. Тўйда устоз раҳбарлигида вилоятнинг барча кўзга кўринган санъаткорлари хизматга ҳозир туришибди. Навбат курашга етди. Даврага енг шимариб Норбой полвон чиқиб келди. Норбой полвон Сотим полвонга устозлик қилган, жуда кўп ёшларни кураш майдонига олиб чиққан саҳий қалб соҳиби. У чўккалаб ўтирди-да, ёши улуғларнинг дуосини олди. Комилжон Отаниёзов уни ўзига яқин олар, ҳазиллашишни хуш кўрар эди. Кунларнинг бирида чой ичиб ўтирган устоз Норбой полвонга қараб кулиб юборди. Бундан ажабланган Норбой полвон устоздан кулишининг сабабини сўради.

– Йўқ, ўзим. Бир нарса ақлимга сиғмай, шунга кулгим келди. – сир бермагандай, унинг кўзига тик қаради устоз.

– Айтинг-да, энди. Бир қизиқ нарса хотирангизга келди шекилли, бўлмаса кулмас эдингиз.

– Рости ҳам шу.

– Нега энди. Сизнинг топишмоқли гапларингизга баъзида тушунолмайман. Гап ўзимиздай содда, лўнда бўлса яхши. Тушунтириб айтинг, илтимос.

– Очиғи шуки, сени туққан аёлга ҳукумат ўнта “Қаҳрамон она” унвонини берса ҳам камлик қиларди. Ҳолбуки бирни ҳам раво кўрмаган. – Устоз гапдан тўхтаб, тингловчиларнинг диққатини бир нуқтага жамлашга эътибор қилиб, чой ҳўплай бошлади. – Биринчидан, сендай балои азимни соғсаломат туққани учун. Иккинчидан, сенинг афти башарангдан кўрқмай эмизган, оппоғим, болажоним деб тарбия қилиб ўстиргани учун. (Норбой полвоннинг юзига эринмай нақш кўйган эди-да.) Даврада кучли қаҳ-қаҳа янгради”.

Иккинчи лавҳа мана бундай рақам қилинган: “Қармиш қишлоғида Отабой Панаевнинг уйланиш тўйи. Ҳамишаги

одати бўйича хизматни қойил қилиб адо этган Комилжон Отаниёзов бошлиқ санъаткорлар гуруҳи тўйда ўзларига ажратилган вақт давомида аҳли жамоанинг кўнглини олиб, навбатни полвонларга бердилар.

Ана, осмоннинг устунидай бўлиб кураш майдонига Сотим полвон чиқиб келаётир. Сотим полвон Хоразмнинг пешқадам полвонлари сирасига киради. Унга Худои таоло аямай сумбат берган. У ўртада чакмоннинг ёқасини очиб талабгоринг қани, деб турибди. Вилоятнинг турли туманлари, Қорақалпоғистон ва Туркманистондан келган полвонлар бари ерга боқиб ўтиришарди. Сотим полвонга талаб топилмайди. Шу пайт Комилжон Отаниёзов полвонлардаги бу тушкун кайфиятни кўриб ўрнидан турди.

— Ҳа, полвонлар, барингни Сотимбой ўтакангизни ёриб қўйибди-ку. Нима, унга бу тўйда ботир топилмайдими? Ахир, бу элда бизнинг “Номилжон Коми” деган полвонимиз бўлар эди. У ўрмондаги ваҳший арслонлару, баҳайбат филдан ҳам тап тортмас эди. Нима бўлди ўзи? Ё тўйга келмадимиз? Шу пайт тўйнинг кексалар кўр тўкиб ўтирган жойидан паст бўйли, сариқ мағиз, оппоқ соқоллари кўксини қоплаган киши ўрнидан туриб Комилжон устоз томон одимлай бошлади. Икки дўст узоқдан қучоқларини очиб, бир-бирига талпиндилар. Соғинган юраклар жунбишга дош беролмай кўзларидан ёшлар оқди.

— Комилжон, курашдан қолганимга ўн йилдан ошиб кетди. Аммо сизнинг сўзингизни ерда қолдириб бўлмайди. — Солай калта номи билан машҳур бўлган бу полвон бир сафар Комилжон акага “Комилжон деган номинг бор” дейиш ўрнига шошилиб қолганидан “Номилжон коминг бор”, деб юборгандию, ўшандан буён Комилжон ака уни ҳамиша ҳазиллашиб “Номилжон коми” деб атар эди.

Солай полвон шу ердаги полвонлардан чакмон сўраб олиб, кексаларнинг дуосини олгач, Сотим полвоннинг қаршисига турди. Бу олишувни кўрмаган одам тасаввур

кўрмаядиган ҳолат юз берди. Чунки фил билан чопқир от билан тургандай, Солай полвоннинг бўйи Сотим полвоннинг аранг кўксигача етар эди. Яна уларнинг бири бир юз олтин кило тош босгани ҳолда, иккинчиси аранг етмиш килога етар, бири ёш, навқирон, иккинчиси нуруний ёшга етган.

Сотим полвон Солай полвонни ушлаганича силтаб ота бошлади. У эса гўё буни писанд. Қилмаганидан ёқа олаверди. Кураш бошланганига бир соатдан ошиқ вақт кетди, аммо натижа кўринмас эди. Бир маҳал полвонлар олишаётган жойдан чапг кўтарилди. Нима бўлганини билгунча бўлмай, Сотим полвоннинг белидан олиб суриб кетган Солай полвон чапгак солиб юборди. Гўё ер қимирлагандай бўлди. Бу ҳол бошланиши билан ўрнидан туриб кетган Комилжон ака йўл-йўлакай ечган палтосини дўстининг устига ёпди...”

Ушбу икки лавҳаданоқ, устоз Комилжон аканинг эл оранда, полвонлар ўртасида нечоғли ардоқли, нечоғли эъзозли экани кўриниб турибди.

Комилжон аканинг рақс санъатига бўлган ихлоси, талабчилиги тўғрисида эшитган икки воқеани келтирмоқчиман. Биринчиси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаровнинг шогирди, қарийб чорак асрдан зиёдроқ давр Бухоро мусиқали драма театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаган, боготлик созанда Қаландар Матёкубов бир ўлтиришимизда шундай гурунг қилди.

— Комилжон ака жамоа билан ҳар концертнинг эртаси ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиб, керак йўл-йўриқлар кўрсатиб бориш одатларига биноан бир сафар қайси бир раққоса қизга танбех бериб, дедилар:

— Кеча санинг рақсинг менга маъқул бўлмади. Сани оёғинг мусиқага тушмади.

Ўртага оғир жимлик чўкди.

— Қани, ўша рақсни чалинглар! — Комилжон ака ўктам овозлари билан чолғувчиларга буюрдилар

Раққосани саҳнага чиқариб, ўзлари берироқда қараб



турдилар. Раққоса ўйнади, устоз айтганларидек, унинг оёқи муסיқага тушмас экан, Устоз раққосани тўхтатиб, ўзлари ўйнаб кўрсатдилар. Мен устознинг рақс қилишларига қойил қолдим. Раққоса қиз машқини давом қилдирди.

Иккинчиси, медицина фанлари доктори, гапдош улфатимиз Саидакром Ҳасанов Комилжон ака билан боғлиқ шундай воқеани гапириб берди. Саидакром ўтган асрнинг олтинчи йиллари охиригача Ўзбекистон ички ишлар вазири, милиция генерали Йўлдош ака Бобожоновнинг куёви. Саидакром Светланага уйлангач, улар хонадонида яшай бошлайди. У шундай ҳикоя қилди:

— Комилжон ака жуда оқибатли киши эдилар. Қайнотам нафақага чиққанларидан сўнг ҳам у киши бу хонадодан қадамни узмадилар. Энг қизиғи, Комилжон ака қачон келсалар қайнонам: “Ана Комилжон ака келдилар!” — дейишлари билан қайнотам дарҳол дуторларини олиб, юмшоқ ўринда ўтирардилар-да, “Лазги”ни бошлардилар. Комилжон ака меҳмонхона остонасидан кириб, турган жойларида “Лазги”ни шундай маҳорат ижро қилардиларки, мен ҳозиргача шундай чиройли, муқомли рақс кўрган эмасман. “Лазги” тугагач, Комилжон ака қайнотамни қучоқлаб дил сўзларини айтиб хонадонимизга қувонч бағишлардилар.

Устознинг санъаткорлигини ҳамма билади, аммо у кишининг ғазал, мухаммаслар ёзишини катта кўпчилик билмайди. Устознинг гўзал ғазаллари навозандалар томонидан баланд авжларда куйланыпти.

Комилжон аканинг ғазалиёти, Навоий, Машраб, Фузулий, Огаҳий, даврларида Ниёзий ғазалларига боғлаган мухаммаслар тўғрисида адабиётшунослар ўз фикрларини билдирарлар. Комилжон аканинг адабий мероси адабиётимиз хазинасига қўшилган бебаҳо мулк бўлса ажаб эмас. “Ўзбекистон” нашриётида, шоир Музаффар Аҳмад муҳаррирлигида устознинг падари бузрукворлари, забардаст шоири замон Ниёзийнинг “Девони” чоп этилмоқда.

Умр манзилларида бу фоний дунёни тарк этганларнинг руҳи, яқинларини, таниш-билишларини қай бир ҳодисотлардан ғойибона огоҳ этганларига кўп маротаба иймон келтирганман. Айниқса, ўзимда содир бўлган бир воқеа, ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди

Комилжон ака билан ўртамизда бундан эллик йиллар муқаддам, аниқроғи 1964 йилнинг январь ойи ўрталарида бўлиб ўтган эди ўша воқеа, бироқ то ҳануз ёзишга журъат қилолмадим. Сабабики, ўша воқеани йигирма етти-йигирма етакки йилдан кейин бир илиқ ўлтиришмада айтдим ва тез орада Комилжон ака тушимга кирдилар. Аммо кейинчалик бу воқеани бўлиб-бўлиб ҳамда қисман қай бир рисолаларимдан рақам қилганман. Ҳозир ёзмоқчи бўлган ўша воқеани таърифлаб кейин туш тафсилотини келтираман.

Душанба куни эрталаб соат ўнларга яқин вилоят ёшлар ташкилотига штатсиз биринчи котиб қилиб сайланганим боис буюронинг биринчи йиғилишга шошиб бораётган эдим, эски ёғ заводи биноси рўпарасидаги заргарлик дўконидан Комилжон ака шогирдлари Бекжон Отажонов, Отаназар Абдалниёзовлар билан чиқиб қолдилар ва дийдор насибани қарангки, уларнинг чиқиши, мени ўтиб боришимда юзма-юз келиб қолдик. Демак, улар Огаҳий номли вилоят муסיқали драма театрининг эски биносидан келяптилар.

Саломлашиб-сўрашгач, Бекжон ака устозга юзланиб, менинг номимни Комилжон деса, устози олдида ноқулай бўлди чоғи, ўзига ярашиқли кулимсираб, ҳамишаги одати бўйича:

— Мавлононинг вақти хуш, — деди.

Комилжон ака синчковлик билан менга қараганча, Бекжон аканинг гапига савол ташладилар:

— Ҳа, на гап, омонлиқми?

— Омонлиқ, дўстимиз ўғил кўрганларига икки-уч кун бўлди. Шунга оёқи ера тегмай бораётир.

— Яхши, кўп яхши, кўзингиз ойдин! — дедилар Комил-

жон ака ва ҳавасмандлик ила, – Бугун театр ҳам одиҳ, кечда борақўяли, – деб шогирдларига қарадилар, кейин менга юзландилар.

– Яхши, майли, келақўйинглар, – деб кета бошладим.

Устоз анойи қараш билан:

– Тўхтанг, нера шошасиз?

– Тунигун вилоят ёшлар ташкилотига биринчи котиб этиб сайлашди, штатсиз.

Шогирдлар штат-штатга қулоқ қўймай, мени мақтай бошлашди.

– Ў, яхши, яхши, соатини келишиб олайлик. – дедилар устоз ва бирпас жим туриб, – бугун кеч соат саккиз нол-нолда телевизорда чиқишимиз бор. Йигирма беш минут прямой эфирда қўшиқ айтаман, ахборотгача. Саккиз яримда бизни телевидения олдидан олиб кетасиз. Келишдикми?

Мен келишдик, дегандек бош ирғадим ва ахир ўзларида машина бор нима учун мен машина олиб боришим керак, қолаверса, менда машина йўқ. Институтни энди битказиб, Урганч пахта тозалаш заводида смена чилангири бўлсам, деган ўй яшин тезлигида миямдан ўтди. Барибир, мажлисимиз соат ўнга белгиланган, кеч қоляпман, деб айтолмай, розилигимни билдириб кетмоқчи эдим, устоз қўл ишоралари билан тўхтатдилар.

– Бизлар келгунча, Ғайбуни раиси Сотим Қаландаров билан пахта завод директори қўшнингиз Хударган Саидовни олдириб қўйинг.

– Ман уларга қандай қилиб айтаман... – деяётган эдим, Комилжон ака сўзимни бўлдилар:

– Дадангизга айтинг. Самандар ака ўзи олдириб ўтиради. Мени айтди денг.

Шунинг билан мен “яхши-яхши” дея шошилишч йўлимга равона бўлдим. Вилоят ёшлар ташкилоти, ҳозирги Урганч шаҳар ҳокимиятини ўрнида эди. Мажлис тамом бўлгунча ичимни ит йиртди. Ҳали дадамга айтмадим. У киши бугун

бушмилар, йўқми. Кечда телевидения олдига қандай машина олиб бораман. Такси олиб борсам, уят. Каттами-кичик вази-фами, барибир, пахта заводида ишлайди деган номим бор.

Хуллас, соат ўн иккиларда уйга қайтдим. Маҳалламизга яқинлашган эдим, қарасам йўл устида яшайдиган Ботир аканинг эшигида Обкомнинг 24-Волгаси ялтираб турибди. Ботир ака ўша машинанинг ҳайдовчиси. Демак, у тушликка келган. Бахт-таваккал, бисмиллоҳ деб эшикни очиб кирдим. Ботир ака долонда овқатланиб ўтирган экан. Киришим билан ким бор дегандек, ичкарига қараш қилди. Бориб ёнига чўккаладим. Ботир ака нон енг деб имо қилди. Ботир акани тўй-маъракаларда кўп кузатганман, у киши ниҳоятда камгап ва ҳамшиша жиддий юради. Ҳозир ҳам мендан ҳа, нима гап, нимага келдинг, демай, нонга қаранг дегандек ишора билан ичкаридан менга овқат сузиб чиқишларини кутяпти. Мен эса шошяпман. Одатимга кўра ҳамшишагидан ҳам тез-тез гапирдим.

– Кечда Комилжон ака шогирдлари билан бизникига кўзойдинга киришмоқчилар. Шунга кеч соат саккиздан йигирма беш минут ўтганда телевидения олдига машинада боришим керак экан. Шунинг боис ёнингизга келдим. Вақтингиз борми, мен билан бора оласизми?

Ботир ака бир оғиз на маъқуллади, на йўқ деди, фақат хўп дегандек, бошини ирғади. Мен такрор тайинлаб сўрадим. У киши бир оғиз гапирмай, яхши демишини яна бош ирғаб тасдиқлади.

Таваккалчинининг ишини Худо ўнгарибди деганлари шу-да, машинани олдимга чиқариб қўйибди. Энди гап дадамда. Нима дерканлар. У ҳам силлиқ ҳал бўлди, фақат ойим:

– Бугунми? Ахир қиш куни бир тутам. Олдинроқ айтсанг бўлади-ку! Аканг (даданг демоқчилар) Ҳожихон акани (Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев), сан Комилжонни уйга айтмай бошлаб келадиган бўлдингми?

– Чаман, – дедилар дадам, – қизиқ сўллийсан. Қўшни

одам, бугун тўйи йўқдир, неvara кўрганимизга кўзойдинга кирса нима бўлибди. Катта бошини кичик қилиб келаётганига хурсанд бўлмайсанми?

— Ҳовва, кўзим учиб турвади. Ҳадамин кун ботади. Новви пиширамиз, дастурхона новви кўямиз?

— Қисинаварма, тўрт зоғора бир чойнак чой билан тўй совилади. Оқшомгина харажат қилдинг. Келим-кетимли уй. Бир иложи бўлар. Бағрингни кенг қил.

Аямни ташвиш қилганича бор. Бугунги кўзойдини нишонланаётган илк фарзандим Баҳромни хатна тўйида, соат эрталабдан Ҳожихон Болтаев, укалари дуторий созанда Нурмамат акалар, қўни-қўшнилари кела бошлади. Қўшнимиз, дадамнинг яқин ошнаси, ҳамқишлоғи ошпаз Қаландар ака эшик олдида қозонга олов ёқиб, дадамдан “ёғ қани” деб сўраганда, дадам йўлнинг нариги бетига озиқ-овқат дўконини кўрсатиб “Ана” дедилар.

Қаландар ака тутақиб кетди:

— Самандар, онамни эрга бериб, ўзимга тўйга айтадиган одамсиз-да...

У бошқа иложи йўқликдан ўчоқда ёна бошлаган ўтинларни тортиб, ёғ идишини олиб дўконга кетганини кўриб, ҳайрон бўлиб турсам, дадамнинг парвойи палак, Ҳожихон ака билан қайси бир воқеани эслаб кулаяптилар, одамлар тўйга келишяпти. Тўй эшигимиз олдида, кўчада. Кўчадан машина, одамлар ўтиб-қайтиб юрибди. Ҳар қалай мен дўстларим билан кўчани тартибга солдик. Ажаб, созандалар бири олиб-бири қўйиб хониш қилдилар, соат ўн иккида ош тортилди, тўй бинойидек ўтди. Бағрикенглик деб шунга айтсалар керак-да.

Хўш, Комилжон аканинг меҳмондорлигига қайтамыз. Ботир ака кеч соат саккизда эшигимиз олдида келди ва биз телевидениега қараб кетдик. Ўн беш-йигирма дақиқаларда етиб бордик ва кирган кенгина хонамизда қоровул ва бир-икки киши телевизорда Комилжон ака қўшиқларини эши-

гиб ўтиришган экан. Биздан ҳеч ким “нима қилиб юрибсизлар” деб сўровчи бўлмади. Устоз айтганларидек, Марказий ахборот кўрсатуvidан беш дақиқа аввал концерт тугади ва Комилжон ака томоқларини қалин шарф билан ўраб эфир конасидан чиқиб келдилар. Бир оғиз гап-сўзсиз, ташқарига нуналдилар. Орқаларидан шогирдлари асбобларини кўтариб чиқишди, биз ҳам эргашидик. Бекжон аканинг машинасига Куронбой сурнайчи, Олланазар ака скрипкачи, Отаназар чилдирмачилар минди. Комилжон ака бизнинг машинамиз орқа ўриндиғига, машина хўжайини ўрнига ўтирдилар. Мен ёнларига миндим.

Машина кўзғалиб сал юрган эдик Комилжон ака томдан тараши ташлагандек, қаҳр билан нималардир деб гудраниб қўйдилар.

Бу пайтда машина Силикат заводи рўпарасига яқинлашган эди. Мен ён эшик ойнасини ярмигача тушириб, четга тупурдим ва ойнани кўтариб бекитдим.

Комилжон ака багтар қаҳрланиб:

— Ёқмади гарақ! — деб юзини нариги четга бурдилар.

Мен бирдан қаттиқ хафаландим, ахир, машина Обкомники, шофер шу даргоҳда ишлайди, нега энди била туриб бу янглиғ қаҳрли ҳақорат бўлиши мумкин.

— Мени ким деб юрибсиз? — дедим овозимни кўтармай, кафтимни очиб кўрсатдим, — мени мана шу кафтга қўйиб пуфласангиз учиб кетаман. Шундай баланд овозингиз бор, дардларингизни авж пардаларда катталар қулоғига бориб етадиган қилиб айтсангиз бўлмайми?

Комилжон ака бир оғиз гапирмай, шоферга бақирди:

— Ҳей, шопир, мен буларникига бормаيمان, уйга ҳайда.

Бу пайтда машина Шовот ёпининг кўҳна кўприги устида эди. Тўғрига ҳайдаса, Комилжон аканинг уйи, чапга бурса, бизники. Ботир ака бир оғиз гапирмай, рулни бизнинг уй томонга буриб, газни бераверди. Комилжон ака “На дадим санго, эй шопир” деганларича, биз эшигимиз олдида бориб

қолдик. Худди телефон қилиб огоҳлантирилганидек, дадам, Сотим ака, Хударган ака совуқда ер депсинишиб, кутишаётган эканлар. Комилжон ака машинадан тушиб, барилари билан қучоқлашиб кўриша кетдилар. Шогирдлар бизнинг машинадаги машмашадан беҳабар шоду шодмонлик ила ўзларини ичкарига урдилар. Улар бариси меҳмонхонага, мен эса ўз хонамга кириб, ишчи кийимларимни кийиб, навбатимдаги тунги сменага, ишга кетдим. Директоримиз шу ерда, қўшнимиз, жавоб олиб ишдан қолсам ҳам бўларди, лекин машина ичидаги ҳангомадан кейин қолгим келмади. Аёлим, Раънобибидан бошқа ҳеч кимга ҳеч нима демай заводга жўнадим. Мени совуқда пойи пиёда кетишимга кўзи қиймаган Раънобиби қолсангиз бўларди, деди. Нима бўлганини унга тушунтириб ўтирмадим.

Мана ўша туш тафсилоти. Тушимда, Комилжон аканинг эғнида оқ кител-шим, бошида дўппи билан тик бўйи чизилган суврати, уйимизга кираверишдаги болохонада турибди. “Ўҳ-ҳў! Бу сувратни Комилжон акага кўрсатишим керак, худди тирикдек чизишибди-я!” – дедим. Шарт туриб, Комилжон ака қўйилган Урганч туманидаги Иморатбува қабристонига борибман. Қаердандир қабристон қоровулими, мулласими чиқиб келди.

– Сизга ким керак?

– Комилжон ака.

– Отаниёзовми?

– Ҳовва.

– Ҳа? Нишатасиз у кишини?

– Сувратини чизибдилар, худди тирикми дейсиз. Шуни кўрсатмоқчи эдим.

– Қайтариб олиб келасизми?

– Ҳовва.

Ҳалиги одам оқ ридога ўралган Комилжон акани бошлаб чиқди.

– Ҳа, нима гап? – сўради мендан Комилжон ака.

Тезгина тушунтирдим. Бирпасда уйимизга етиб келдик. Болохонага кўтарилиб, баланд бўйли сувратини кўргач, Комилжон ака ҳайратини яшира олмай:

– Ўҳ-ҳў, адаш, мени тирилтирибсизлар-ку-а?!

– Рассомларга раҳмат айтмоқ керак, – дея, суҳбатни яна давом эттирмоқ ниятида, ўтиришга тарадудланиб турганимда, (сал аввалроқ вафот этган, лекин бошқа манзилга қўйилган марҳума) бир танишимиз келиб, Комилжон акага, пастга тушинг, дея овоз берди.

– Адаш, энди кетмасам бўлмас, хабарчи келибди, – деб, Комилжон ака шошилиб, зинапоядан пастга туша бошлади.

Ташқарига чиқсак, битта машина турибди. Иккалови ўша машинага чиқиб, жўнаб кетишди. Уйғондим.

Нонушта қилганимдан сўнг, хонамга келиб, (ўша пайтда Отаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида директор бўлиб ишлардим) тушимни устознинг суюкли шогирди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бекжон Отажоновга айтдим. Ва кейин жамоага сўзлаб бердим. Ўша куниёқ, театр ҳовлисида катта қозонда ош дамлаб, Комилжон ака хотирасини ёдлашга келишдик. Ташкилий ишларни йўлга қўйиб, вилоятнинг ўша пайтдаги ҳокими Маркс ака қабулига бордим. Мен тушимни, бошлаган хайрли ишимизни гапираяпман-у, у стол устидаги тақвимни олдига тортиб, варақлай бошлади ва бир зум сукут сақлаб, дарҳол йил қайтарди:

– 1917 – 1992... 75 ёш! Э-э, Комилжон, – деди менга маъноли қараш қилиб, – Комилжон акам юбилейини ўзи сизга аён қилибдилар-ку, а?

Икковимиз ҳам ҳайратга чўмдик!

Маркс ака тегишли ташкилотларга топшириқлар берди ва Комилжон ака таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик бошланди. Устознинг сувратини Ўзбекистон санъат арбоби Отахон Оллаберганов худди тушимда кўргандек қилиб чизди. Халқ ардоқлаган санъаткорнинг юбилейи катта тўйга ай-

ланиб кетди. Ҳозир бизнинг маҳалла у кишининг номи билан аталади.

Ҳар сафар ана ўша ғайбий туш ишорасининг хайрли хотимасини ўйлаганимда, Огаҳий ҳазратлари таваллудининг 190 йиллиги олдидан, Хива туманининг Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлонбобо қабристонида бўлганимизда юз берган сирли воқеа хаёлимга келаверади...

Тасаввуф илмидан бохабар, икки-уч шеърят ихлосмандлари билан телевидение камераси олдида алломанинг ҳаёти, ижоди хусусида сўз юритиб, айрим ғазаллари, байтларини баҳоли қудрат таҳлил қилиб ўтирганимизда, қаердандир, кеч куз салқинга қарамай, чиройли бир оқ капалак келиб, менинг пешонамга, қош-кўзимга қўнаверди. Ота-боболаримиздан эшитиб, қулоққонди бўлганимиздан, (капалаклар ўтганлар руҳига менгзалмиши) буни яхшиликка йўйдик, шоир руҳининг шодмонлигидан дарак деб билдик.

Ўшанда, машина ичида Комилжон акадан нотўғри хафа бўлган эканман. Аслида ёшлигим панд берди. Йўқса, нега ундай деяпсиз, сизни ким хафа қилди, деб сўрасам бўлмасмиди? Устоз ўшанда Тошкентдаям тор билан қўшиқ айтишларига монелик қилинаётган пайтлар, вилоят раҳбарларидан бирор рўшнолик кутган бўлсалар, булар бефарқ қарадиларми, билмадим. Телевидение олдида чиқиб қарасалар, нақд Обкомнинг Волгаси, мен ҳам эрталаб Ёшлар ташкилотига котибман дегандек гап қилдим. Демак, бу машина менга беркитилган деб ўйлаган бўлсалар ҳам керак. Чунки Вилоят Ёшлар ташкилотининг биринчи котибида ҳам худди шундай Волга бор эди. Хуллас, устозга ўша пайтда қайишадиган одам бўлмаган ва у киши қаҳрини бизга сочганлар.

Бу воқеани ўқиётиб, кимлардир гумон билан қарар. Наҳотки шаппотдай йигит, Комилжон акадек улуг одамга шундай тик жавоб берса-я?! Бўлиши мумкин эмас!.. Хўш, нега бўлиши мумкин эмас? Комилжон аканинг у пайтда қирчиллама 47 яшар йигит вақти, қолаверса, маҳалладошлик

эркалигим ҳам йўқ эмас. Шу воқеадан сал вақт ўтмай, устоз билан иноқлашиб кетдик, зиёфатлашиб юрдик. Кейин буларнинг ёзишимда ҳақман, чунки гувоҳим бор – Оллои таоло.

Ўтганларнинг пок руҳлари ҳамиша бедор...

\* \* \*

– Сайилда Комилжон талқин айтармиш!

Бу хабар йўл олислиги, от ориқлиги, ҳавонинг қовоғи солиқлигини баҳона қилиб болишга ёнбошлаган мўсафиду, қассага таяниб қолган чолларгача, эмизикли чақолоғи билан остона хатлаб чиқишга журъат этолмаган келинчақлару, қаттиққўл қайноналаргача, танбалу эпчил, вазмину қувноқ, комушу хушчақчақ, ҳамма-ҳаммага сеҳрли таъсир этар, барча бирдай шоша-пиша йўлга отланишар эди.

Ичон қалъадан, Дишон қалъанинг олис-олисларигача бемалол эшитилдиган ўктам овоз, ўша муборак кун то ярим тунгача машъала ёғдусида не-не қалбларни жунбушга келтирмайди, дейсиз.

– Фалон тўйга Комилжон келармиш!

Шу бир оғиз калом узоқ-яқиндагилар учун ўтинч тўла самимий битилган таклифномадан анча юқори турарди. Боз устига, тўй эгасининг қўли юпқа, борди-келдиси камроқ бўлса: “Э, бизнинг тўйга ким ҳам келарди, ўтказиб қўйган нарсамиз бўлмаса”, дея минг андиша билан бошлаган ғарибгина йиғинни катта шодиёнага айланаётганини кўргандаги шодмонлигини тасаввур қилаверинг. Қолаверса, эл-элат катталари Комилжон Отаниёзов ташриф бурган тўйга қуруқ қўл боришмайди.. Буям қарз-ҳавола қилиб тўй бошлаган муштипар хонадоннинг ризқ-насибаси!

Комилжон ака учун тўй соҳибининг бой, камбағаллиги рўл ўйнамайди. Фарзанд кўрган, суннат ё никоҳ тўйига Комилжон акани олиб келаман, дея орзулаган одам ниятига етарди. Комилжон ака хизматга кириб борган хонадон зум ўтмай одамларга тўлиб кетарди. Халқ орасида бу саховатли

инсон ҳақида: “Комилжонга ҳазрати Хизр йўлиққан“, дея ишончу ихлос билан айтилиши ҳам юқоридаги воқеалардан сўнг дейилган бўлса не тонг...

Комилжон ака ҳар бир ҳовли, хонадоннинг қадами қутлуғ, эрка меҳмони бўла билганидек, ўзи кўнглию, қўли бирдайн очик, сахий мезбон ҳам эдилар. Айниқса, Хоразм халфачилик санъати онахони Онабиби қорий номи билан машҳур Ожизанинг шогирдлари кўзлари нурсиз бўлса-да, қалблари басир, кўнгиллари равшан халфаларни жуда сийлар, ардоқлар, улар бошига бирор ташвиш тушса ё ҳофизни соғиниб, суҳбатини олиш учун келиб қолсалар, Комилжон ака умр йўлдоши Имсиной опага тайинлардилар:

– Булар, халфа бийилар, менинг устозларим, кўнгилларига тушган таомни пишириб-тушириб, таҳорат сувларини бериб туринг. Мени сийласангиз, шуларнинг иззатини жойига қўйинг.

Бу аввало ҳофизнинг табиатан меҳмондўстлиги, кўнгли камисларни сийлаши бўлса, иккинчидан, ўз санъати замзамасининг халқ ижодиёти сарчашмасидан баҳрамандлигини, катта санъаткор бўлиб етишгандаям унутмаганлигидан эди.

Ҳа, Комилжон Отаниёзов “ойнаи жаҳон”даги чиқишларию, саҳнадаги ижролари ёки истиқболига эҳтиром ила очилган эшикларга беминнат кириб борганлигию, унга интиқ қанчадан-қанча юраклардаги меҳр-ихлосни жавобсиз қолдирмагани, ўзлариям йўқлагувчиларни очик чеҳра билан кутиб ололгани учун ҳам элда эъзоз топдилар. Шу боис, деярли узоқ умр кўрмаган эсалар-да, у кишининг азиз хотираси, муборак шаънига айтилаётган илиқ истаклар юқорилаб бораверади.

Элик саккиз йил... Хўш, шу умрни у киши қандай кечирди? Баъзи кишилар тасаввур қиладигандек, Комилжон ака қаерга борса ширин манзират, тўкин дастурхон, жарақ-жарақ пул, доим ҳамма хизматига бел боғлаб турган эмас. Мусиқа санъати бошига оғир кунлар тушган, Ҳожихон Бол-

таевдек камёб истеъдодлар қирқ сўм маош билан театр оркестрида оддий мусиқачи бўлиб, тор ва доира билан “ойнаи жаҳон”да қўшиқ айтиш мумкин бўлмаган, оркестр билан кўлини қовуштириб қўшиқ айтмаган хонанданинг йўли беркитилган, театрларда ҳам ариялар Оврўпа мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этила бошлаган, миллий мусиқа санъатимиз илқирозга юз тутган, созандалар тўйларга борса, даста бошининг рухсати бўлса ҳам ёнидаги шерикларига даъво солиб, молия ташкилоти ходимлари томонидан созандаларга зулум қилинадиган даврларда, устоз ҳақ учун, ҳақиқат учун курашдилар, овозини бўғувчилар билан олишиб яшадилар. Ана шу тўсиқлар орасидан ёриб чиқиб, халққа хизмат қилдилар, ўзининг қўшиқчилик мактабини яратдилар.

Мен Комилжон ака билан жуда кўп мулоқотда бўлганман. 1958 йили Тошкентдаги талабалик йилларим Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги ташкил этилган “Лазги” ансамблининг Колизей биносидан зал тўла томошабинларнинг оёққа қалққанча, узоқ олқишлаганлари, гулларга кўмилиб ташланган концерт иштирокчилари чеҳрасидаги фахру ифтихор тўйгулари, устоз кўзларидаги келажакка ишонч учқунларини кўриб, муқаддас тупроғимиз ҳақида сидқидилдан айтилган гаплардан кўкси тоғдек юксалган, биз талабалар қувончини бир кўрсангиз эди.

Комилжон ака ҳар бир қўшиғини пухта ўзлаштирмагунларича, куйига сайқал бермагунларича халқ олдига чиқиб айтмас, ўзига жуда талабчан санъаткор эдилар. У кишининг ёш хонандаларга сабоқ бўларли яна бир хислати, концертнинг иккинчи бўлимида чиқишларига қарамай, биринчи бўлим давомида бўш хонага кириб, қўшиқларини такрорлар, овозини қиздирар, қочиримларини сайқаллаши баробарида, ўзини мусиқа олами ҳаётига тайёрлар эдилар. Шогирдларидан ҳам шуни талаб қилардилар. Бугунги кунда Комилжон Отаниёзовнинг шогирдлари доврўқли санъаткорлар, устозларининг созини баланд авжларда давом қилдирмоқдалар.

– Комилжон, тушида булбул кўрган...

Ривоятнамо бу гап Комилжон ака қўшиқлари доврўғи авж нуқтага чиққан йиллари қулоғимга чалинганди. Бир куни радиодан устознинг, лирик қаҳрамон эмас, гўё ўзлари бошидан кечиргандек нола чекишларига қулоқ қўйдик:

Душимда бир булбул гўрдим,

Учиб галмиш гулзориннан.

Қайси боғнинг булбулидир,

Қайси боғнинг нориннан.

Қўшиқни кўз юмиб, бош чайқаб, ҳузур билан тинглаётган кексалардан бири ўз-ўзига сўзлагандек, деди:

– Комилжоннинг ўзи кўрган экан шу булбулни...

Қўшиқ авжга чиқади:

Гўрмишам саҳар чоғлари,

Сийнама солмиш доғлари.

– Ана, – қарияга жон киради, – ўзиям айтаяпти, саҳарда кўрган булбулни. Тонг олди кўрилган туш ўнг келади. Комилжон бекорга булбулдай куйламайди.

Бу гап, чинакам мухлиси бўлмиш қариянинг Комилжон акага бўлган ихлос-эътиқоди инъикосидир. Қўшиқчилик санъатининг равнақи учун куйиб, ёниб ижод этган устознинг тушларига булбул кириши табиийдир, қолаверса, булбул тилини булбул тушунади. Яна Худо биледи.

Ҳар ҳолда, доно халқ ҳар нарсадан огоҳ...

\* \* \*

Урганчдан Шовот туманига иккита катта йўл олиб боради. Агар Шовот ёпи ёқалаб кетилса, Чоткўпир, Бўйрачи қишлоқлари орқали Шовот қалъасига кириб борилади. Бу йўлни кўна (кўҳна) Шовот йўли дейилади. Янги Шовот йўли, Қаровул, Оёқдўрмон, Бўйрачи қишлоқлари орқали ўтади.

Кўна Шовот йўлини қаламга олишимизга сабаб, ўзининг

созандалик мактабини яратган, яшаган ҳовли Бўйрачи қишлоғининг Қиёли ўрамида жойлашганидандир. Устознинг авлоду авлодлари абадий кўним топадиган қавмгоҳи ҳам Чоткўпир қишлоғида, Иморатбува қабристониди, шундай катта йўлдан кўриниб турибди. Юқорида тилга олганимиз, Бўйрачи қишлоғига янги йўл билан ҳам борилади, аммо Шовот ёпи қишлоқ ичидан ўтгани боис Қиёли ўрамига кўприк орқали айланиб ўтиш керак.

Бундан беш йилча аввал шанба саҳарда Комилжон ака қабрини зиёрат қилдик. Шогирдлари томонидан маҳобатли қилиб таъмирланган кўнимгоҳдан соҳири саҳар нола қанотланди: “Оталиқни қўйин боқдим саҳарда”... Қавмгоҳ оралаб қабрларга бир-бир разм солдик – Отаниёз охун, Анбар она... Бирдан хаёлимда юз йил атрофидаги воқеалар тикланди. Отаниёз охун олис Бўйрачи қишлоғида яшайди, Анбаржон эса Хива қалъасида камол топган гўзал қиз. Уларнинг турмуш қуришлари ҳам илоҳий бир тақдирмикан?..

Дейдиларки, хон саройида қай бир диний масала борасида баҳс кетганида, хивалик уламо-ю, фозиллар шу муаммони ечишга ожизлик қилган эмишлар. Шунда хон Феруз ҳазратларининг: “Бу масалани ким еча олади?” – деган саволига, “Отаниёз охун”, дея жавоб беришади. “Қаерда у киши?” – деб сўраганларида, “Шовотқалъа яқинидаги Бўйрачи қишлоғида”, дейишади. Ферузнинг: “Зудлик билан олиб келинг!” – демиш ҳукми ила чопарлар от елдириб келишса, Отаниёз охун қишлоқда уй қурилишида усталик қилаётган экан. Хоннинг амри вожиб, охунни кийинишга ҳам изн бермай, ишкорлик кийимида саройга олиб келишади.

Феруз салом-алиқдан сўнг, охуннинг лой сачраган устбошига бир зум ҳайрат билан қараб:

– Салла қани?” деб сўрайди.

– Хон ҳазратлари, сизга салла керакми, калла керакми?

Охуннинг ҳазил-мутойибага йўғрилган, қадр-қимматиға ишорали саволий жавобидан завқланган хон:

– Ҳозир текшириб кўрамиз, – дебди.

Аслида Охуннинг хон Ферузга бу янглиғ муомаласида, авваламбор, тенгдошлик ҳисси, (икклавиям бир йилда, яъни 1844 йили туғилган), қолаверса, Охун араб, форс тиллари-ни, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган, риёзиёт, нужум, санъатдан бохабар. У Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ билганлигидан Комил Хоразмий бошчилигида рақам қилинган “Хоразм танбур чизигини” нотага олишда иштирок этган етук созанда, ҳуснихат хаттот, моҳир таржимон, забардаст шоирдир.

Ечилиши даргумон бўлган масалани аниқ ва тез ечганидан хон Феруз Отаниёз охунни девонга биринчи котиб, ҳамда Абдуллахон мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Бўйрачига бориб-келиб юрмасин дея, Хивада яшашга шароит яратиб беради, уйли-жойли қилади. Уни Хиванинг маърифатли оила қизи, шоир Камтариннинг синглиси, ўзи ҳам гўзал ғазаллар ижод қиладиган Анбаржонга уйлантиришади. Улар бу никоҳдан икки ўғил кўришади. Отаниёз охун ўғилларига “Фозил” ва “Комил” деб исм кўяди. Бу борада филология фанлари доктори Шариф Юсупов Фозил Зоҳиднинг “Комилжон Отаниёзовни таниймизми...” рисоласига сўзбошида, Ҳиндистонда бобурийлар салтанати чоғида фаолият кўрсатган Ислом диний академиясида ўқитиш услуби ҳақида ёзадики, у ерда ўқув муддати уч хил бўлиб, етти йиллик, тўққиз йиллик ва ўн бир йиллик босқичларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланган. Муваффақиятли битирувчиларга дастлабки етти йиллик учун “олим”, тўққиз йиллик учун “фозил”, ниҳоят, ўн бир йиллик босқич учун “комил” унвони берилгани, уни тугатиш имтиҳонлари вақтида кўпминг кишилик майдонга очик саҳна ўрнатиб, унинг барча томонларига йиғилганлардан хоҳлаган одам битирувчиларга хоҳлаган саволини бергани ва ушбу академия ҳужжатида кўра, халқ орасида муҳтарам бўлган “комил” унвонини олган шахс мўътабарлар мўътабари ҳисобланар, чунки у кўпминг киши-

лик анжуманда олимнинг ҳам, бошқанинг ҳам не-не савол-ларига қониқарли жавоблар бериб, ўзининг ҳар томонлама нуқаммал инсонлигини намойиш этган бўларкан.

Ҳиндистондаги Ислом диний академияси фаолиятидан хабардор бўлган Отаниёз охун Анбаржондан туғилган ўғилларига Фозил ва Комил исмларини берган, шунинг билан фарзанди аржумандларини ҳар тарафлама етук бўлишини орзу қилгандир.

Охун орзу қилганидек, нафақат Фозил, Комиллар, балки қишлоқдаги Онажон аёлидан туғилган Раҳматулло, Рўзимбой, Мадримбойлар ҳам эл эъзозидаги инсонлар бўлишди. Мадримбойнинг ўғли Маткарим яхшигина шоир бўлган.

Фозилжон ака умрининг охиригача ўқитувчилик билан шуғулланди, мактабга директорлик қилди. Комилжон ака мактабни тугаллаб, дўстлари Матрасул Худойбергенов, Маматсафо Ёқубовлар билан Хивада очилган уч ойлик ўқитувчилар курсини битириб, ишни ўқитувчиликдан бошлади. Аммо, эллик саккиз йил умрининг қирқ йилидан зиёдроқ даврини кўшиқчилик санъатига, театрга, адабиётга бахшида қилди, камол топди, элда, юртда аржуманд бўлди.

Комилжон ака тўғрисида ушбу битикни қоралётиб, кези келди чоғи, Отаниёз Хўжаниёз ўғли Ниёзийнинг ҳамда Комилжон аканинг таваллуд масканига бироз бўлса-да, аниқлик киритмоқликни лозим кўрдик. Филология фанлари номзо-ди Дилшод Ғойибовнинг “Отаниёз Ниёзий” илмий ишида: “...шоир туғилган жой Лаффасий тазкирасида “Шоҳиобод Қиёли қишлоғида” деб тилга олинса, Ходим тазкирасида Шовот туманининг Чоткўпир қишлоғида деб қайд этилади. Аниқлашимиз бўйича, Отаниёз Ниёзий Бўйрачи қишлоғи Қиёли маҳалласида туғилган”. (17-18 б.) Иқтидорли журна-лист, ажойиб шоир Фозил Зоҳиднинг “Комилжон Отаниё-зовни таниймизми...” рисоласида: “Бўйрачи қишлоғи Шовот туманига қарайди. Бўйрачида кичик овуллар кўп. Биз қояли деган овулга Комилжон туғилган маҳаллага бордик”, дейила-ди. (11 бет.)



Хўш, овулнинг номи Қиёлими, Қоялими? Комилжон ака қабри зиёратидан сўнг устоз яшаган ҳовлига ўтдик. Комилжон аканинг жияни Хамробек обод этиб ўтирган сершоҳ гужумли боғ саҳнида турфа мевали дарахтлар, ҳовли тўрида мўъжазгина молхонада мол-ҳол дегандай, даканг хўрозу товуқлар солланиб юришибди. Келинлар териб чиққан анжирни еб устознинг аждоду авлодлари руҳи покларига тиловат қилдик. Ҳовлида эндигина уйқудан уйғонган болакайларга қараб, Комилжон аканинг болалиги кечган сеҳрли ҳовли саҳнига қараб, хаёлим яна ўтмишга кетди.

Комилжон ака Отаниёз охуннинг 73 ёшида дунёга келган фарзанди. Лекин негадир кўпгина китоб, мақолаларда Комилжон ака отаси 75 ёшида дунёга келган деб ёзишади. Оддий арифметикада ҳам чалғишганига ҳайрон қолмай бўлмайди. Отаниёз охуннинг 1844 йили таваллуд топгани аён бўлса, Комилжон ака 1917 йилда туғилгани ҳам кундай аён, унда нега ота 75 ёшда бўларкан? Бу борада озгина мулоҳаза қилган мактаб ўқувчиси ҳам, 1917 йили охун 73 ёшида бўлганини аниқ-тиниқ англай олади. Комилжон ака Фозил Зоҳиднинг: “Отангизнинг қиёфасини эслай оласизми?” деган саволига шундай жавоб берган; “Нега эслай олмас эканман. Отам вафот этганида ўн икки ёшимда эдим. Раҳматли бугдоймағиз, новча, серсоқол, истараси иссиқ чол эдилар, юзидан нур томиб турарди”. (Фозил Зоҳид “Комилжон Отаниёзовни таниймизми...” 11-бет), Ҳисобда янглиш йўқ, охун 1929 йилда 85 ёшида вафот этганида Комилжон ака 12 ёшида бўлган.

Энди овулнинг номи борасида... Ўша куни Отаниёз охуннинг набираси Қўчқор ака хонадонига кирдик. Хамробекнинг онаси Ҳалима опа билан узоқ-яқин қариндошлар, тўғрисида суҳбатлашдик. Бу энди алоҳида мавзу, иншооллоҳ битармиз. Шу куни яна овулнинг номи борасида сўраб-суриштирдик. Комилжон аканинг ота дўсти Ҳажи аканинг ўғли Йўлдош ака: Ота-боболаримиз, овулнинг номи қишлоқ талаффузида “Қаёлисиз?” яъни сиз қаерликсиз, деган сўров маъноси-

дан келиб чиққан дейишарди”, деди. Бўлса бордир, лекин бу ном кўпроқ ернинг тузилиши билан боғлиқ, яъни овул ерлари ўтган замонларда қиёли, бир томони баланд, бир томони паст бўлган бўлса эҳтимол. Яна Худо билади. Бу ёғи, топономика билан шуғулланадиган олимларга ҳавола.

Комилжон Отаниёзов тўғрисида кўп мақолалар, китоблар ёзилган, ҳали яна кўп ёзилади. Устознинг ҳаёт тарзи, ижод услуби борасида, очилмаган қирралари, ғазалиёти тўғрисида илмий ишлар қилинишига шубҳа йўқ. Ҳалиям бизлар бирга ижод қилган, мулоқотда бўлган, ёнма-ён, бир маҳаллада яшаганимизданми, баъзан ўзимизнинг Комилжон акамиз, дея қараймиз. Лекин, ўзаро суҳбатлар чоғи у кишининг бизлардан тафаккури кўп юқори, бўлганига, саховатпешалигига, бағрикенглигига, кечиримлилиги, бир сўз билан айтганда арсан оламда аржумандлигига иймон келтирамиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, устознинг яқин шогирдлари Отамурод Бекчонов, Шариф Султоновлар Комилжон ака билан боғлиқ хотираларига оид кўпгина қизиқ воқеаларни гапириб берган эдилар. Шулардан бирини қисман “Қўналға” романида рақам қилган эдим.

Комилжон ака Хивада бўлганида ўзидан ёши каттароқ, Барди ака деган дарвешсифат бир кишини ўзи билан Тошкентга олиб келган. Уйдан бир хонани ажратиб, қарашиг қила бошлаган. Барди ака келган тўйчиларга ўзини Бердибойман, Комилжоннинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, уйни саранжом-саристалиги қарайман деб таништирганига ҳам устоз вақтихушлик билан унинг гапларини тасдиқлай бошларкан. Бора-бора Барди ака Комилжон ака хонадонининг эгасидек, келган-кетганларни кутиб, қадамлари ҳам қатъийлашиб бораверган. Ҳатто, Комилжон ака уйда йўқ пайтларида устозни тўйларига айтиб келганларига ҳам беписандлик билан “Комилжоннинг вақти йўқ”, устоз касал бўлмаса ҳам “Комилжон бетоб, нима хизмат?” дея дадил-дадил гапирадиган, бозор-ўчарларда ҳам Комилжон аканинг кийим бошларини, (ўша

вақtlари урфга кирган) украинча ҳошия ёқали кўйлагини, костюм-шимини, шляпасини кийиб виқор билан юришларидан наинки одамлар, ҳатто ўзи ҳам “катта” одамлигига чиппа-чин ишониб, муомала дастурини авжлатиб юрган кунларининг бирида, Ургутдан тўйчилар келиб, Комилжон акани сўрашади. Барди ака пинагини бузмай: “Комилжон Хоразмда болнисада” дейди. Нима қиларини билмай, тарвузи қўлтиғидан тушган тўйчилар, жовдираганча Барди акага илтижоли боқишади. Сизлар ташқарида бироз кутиб туринглар, мен сизларга Комилжондан ҳам зўр айтадиган шогирд болаларнинг хабарини олиб келаман, дея эшикни қулфлаб, илдамлаганча Бўрижарнинг бериги ёғидаги театр институти ётоқхонасига, Отамурод Бекжонов хонасига салобат билан кириб келган.

– Шерипбойни (Шариф Султоновни) топ! Ургутдан тўйчи келди!

– Уста-чи? – ҳайронланиб сўрайди Отамурод.

– Кўп бир калласи йўқ бола экансан-дон! Комилжонни вақти йўқ, ҳа деди концерт, ҳа деди тўй! Қани, сан бир таксини ол-дон, дарров Шерипбойни топиб гал, ҳеч нима бўлмагандай, адаб билан ўтиринглар. Мен тўйчиларни бошлаб галаман! Дарров рози бўлманглар! Ўзим ҳал қиламан!

Отамурод бу довдирнинг гапига бир ишониб, бир ишонмай Шариф Султоновга кўнғироқ қилади. У ҳам дарров мана ҳозир етиб бораман демайди. Отамурод унга бир неча бор такроран тушунтиргач, у етиб келади. Бироқ Барди акадан хабар бўлмайди Ва ниҳоят бир-бир қадам босиб, важоҳат билан тўйчиларни эргаштириб, кириб келади. Худди келишилгандек, булар бироз таранг қилади. Аввалига Барди ака ҳукм қилади, кейин ёлворади, ишқилиб у машинанинг олди ўриндиғида қайдасан Ургут дея тўйга равона бўладилар. Тўй яхши ўтади. Тўйчилар рози, мўмайгина пул олиб қайтишида пулларни Барди ака олади. Тошкентга келгач, катта қисмини ўзига олиб, қолганини шогирдларга беради. Бириси талаба,

бириси Маданият институтининг сиртқи бўлимида ўқийди. Ҳарна тирикчилик, Барди аканинг берганига рози бўлишади.

Тасодифни қарангки, шу воқеадан кўп вақт ўтмай Комилжон ака ўз гуруҳи билан Ургутга, Отамурод акалар борган маҳалладаги бир тўйга бориб қолади. Шу тўйда қатнашаётган кишилар Комилжон акадан ҳол-аҳвол сўрашади, болнисадан эсон-омон даволаниб чиқдингизми, биз Тошкентга сизни тўйга йитиб борган эдик, Барди ака деган ана шунда шум хабар билан дилимизни хуфтон қилди. Яхшиям шогирдларингизни топиб, тўйимизга олиб келди. Жуда яхши хизмат қилишди. Хурсанд бўлиб кетишди чоғи, дейишади.

Комилжон ака дақиқалар ичида Бардининг тутумини кўз олдидан ўтказади. Уларга касал эмас эдим, демай, иссиқ жон, нима ҳам қилардик қабилида гурунг қилади. Аммо Тошкентга келгач, Бардини адабини бериб қўйишни кўнглига тугиб қўяди.

– Хўш, қани ничиксиз, тўрам, яхши юрибсизми? Шогирд болалар билан тўй-пўйларга ҳам бориб юрибмишсиз... – кўз-кўзга тушгач, қаттиқ гапирмайди устоз.

– Сани йўқлигингни билдирамизми, ахир!

– Ҳова! Шу ишингиз-қу, яхши-дон, лекин мени касал, болнисада даволаниб ётибди даганингиз бироз нохушроқ амасмикан?

– Эй, Комилжон-й, нердаги майда-чуйда гаплар билан бошингни оғритиб юрганнга ҳайронман. Ҳаҳ, иссиқ жон, касал бўлади, соғаяди. Бой-бўй! Бизларам дири (тирик) жон беш сўм-ўн сўм ишласак, уйга фойдаси бор, зарарим тегмийди...

– Туриш-дурмушингиз гуж-гуж ақл акан-ов, билмабмиз. – Сал овозини баланлайди устоз, – Бундан кейин ундай номаъқулчиликни қилманг!

Комилжон акани эслаган сайин хотиралар қуйилиб келаверади.

Бир гал Комилжон ака узокроқ ижодий сафарга кетгани-

да, Барди ака бозордан ўша вақтнинг каттагина пули, 25 сўмга катта “Булдог” ит сотиб олиб, исмини “Жек” қўйган. “Жек” на бировни уйга киритади, на чиқаради. Келган тўйчилар ичкарига киролмай жонлари ҳалак. Устоз қайтиб келганида, итдан беҳабар уйга жадал кириши, чеккароқда ётган “Жек” икки сақраганда, Комилжон аканинг кўкрагига олди оёқларини қўйиб, ириллаганидан устознинг оёқ-қўлидан жони чиққудек ҳолатда не қиларини билмай, “дағ-дағ” қалтирай бошлаган. Шу вақт ён эшикдан чиққан Барди ака бамайлахотир: “Жек! Ўт жойингга! Бу Комилжон аканг-қу, кўрмисан?!” деб бақиргач, ит аста жойига йўналган. Ранги-рўйи бир ҳолда, дарғазаб бўлганча, устоз, Барди акага бир оғиз гапирмай, ичкарига ўтган. Барди ака ҳеч гап бўлмагандай, салдан кейин бир чойнак чой кўтариб кирган.

– Итни неча сўмга олдингиз?

Устознинг ҳорғин овозига бепарво, очик кўнгиллик билан:

– “Жек”ними? Йигирма беш сўмга! – дея жавоб берган Барди ака.

– Ахир, ўзинг борсан-ку! Яна итга бало борми? – дея сенсираб, чўнтагидан 25 сўм чиқариб, яна сизсирагани билан қаҳридан тушмай, – Малинг, йигирма беш сўм! Йўқотиб келинг! Уйга бир ит бўлади. Бу уйга ярим кечадаям қай бир хизматталаб киши келиши мумкин.

– Шунинг учун ҳам олвадим-дон, Комилжон! Бирдан икки яхши!

Комилжон ака бу дарвешнинг беғубор мушоҳадасидан яна кўнгли тозариб:

– Йўқ, у айтганингиз бўлмийди. Бир ит етади. Эртага йўқотиб келинг, на дадим?

– Ажаб бўлғай!

Эрта бозор Барди ака “Жек”ни яна йигирма беш сўмга сотиб, пулим эллик бўлди, дея келиб Комилжон акага мақтанганини Отамуродларга гапириб берган экан.



Мадрахим Шерозий, 1926 й.



Ўзбекистон халқ артисти  
Ҳожиҳон Болтаев.



Ўзбекистон халқ бахшиси  
Қурбонназир Абдуллаев  
(Бола бахши) ўғли Етмишбой билан.



Ўзбекистон ва Туркменистон  
халқ артисти  
Комилжон Отаниёв.



Комилжон Отаниёзов портрети.  
Рассом: Илҳом Раҳимов.



Ўзбекистон санъат арбоби  
Матниёз Юсупов.



“Сегоҳ” оҳанглари.



Ҳиндистон, 1956-йил. Ўзбекистон санъаткорлари.  
Қ. Миркаримова, Р. Исоқова, У. Ғаниев, К. Отаниёзов, К. Зокиров,  
Г. Измайлова, Т. Юнусова, Э. Шукруллоев, Х. Носирова, А. Мухтор,  
А. Бараев, С. Ярашев.



Самарқанд. 1960-й. Жуманиёз ака хонадонид.  
Р. Исмоилов, Р. Мадрахимов, Ж. Оллоберганов, О. Абдалниёзов,  
М. Жумабоев, О. Хасанов, О. Хайитова, Г. Исмоилова,  
Р. Анназарова, Саломат опа, И. Полвонова, М. Давлатова,  
Ш. Салайева, О. Ахмедова, О. Хасанов, Ғ. Азимов, Жуманиёз ака,  
Қ. Бобожонов, Аббурахим найчи, Исмоил ака, К. Отаниёзов,  
Назар гармончи, Ж. Собиров, Раббим найчи, М. Солайев.



Комилжон Отаниёзов Ҳиндистон сафарида. 1956 й.



Хоразм ансамбли. 1957 й.



Хоразм "Лазги"си.



Комилжон Отаниёзов ва рафиқалари Имсиной Полвонова.



К. Отаниёзов 1936 йил Шовот ва Гурлан туманида Жумалоқ бахши билан тузган ансамбли.



Ёшлиқдаги дўстлари даврасида. 1946-47-йиллар.

С. Отаниёзов, М. Отаниёзов, К. Отаниёзов, А. Отаниёзов, Р. Отаниёзов, Б. Отаниёзов, Д. Отаниёзов, А. Отаниёзов, Р. Отаниёзов, С. Отаниёзов, М. Отаниёзов, К. Отаниёзов, И. Отаниёзов, В. Отаниёзов.



Хоразм театр жамоаси ва шинавандалар билан. 1949-йил.  
К.Отаниёзов, Ҳ. Болтайев, М. Шерозий (Ёқубов) ва театр директори А. Муҳаммедов.



Тошкент эстрада театр боғида. 1949-йил. Хоразм Давлат мусиқа ва драма театри.  
С. Олимов (дойра), Қ. Абдуллаев (бола бахши, тор), К. Искандаров, Ҳ. Бобожонов (тор), Ҳ. Болтайев (дутор),  
М. Ёқубов (Шерозий, гармон), Қ. Бобожонов (қўшнай), А. Абдурахимов (ғижжак), К. Отаниёзов (тор),  
Н. Отажонов, М. Раҳимов, М. Сапайев, С. Девонов, Ю. Жабборов, С. Давлетова, О. Худоёрова, З. Гаффорова,  
Ў. Ғойилова, Н. Юсупова, Р. Отажонова, Б. Раҳимова, Ҳ. Нодирова, А. Очилова, Р. Муродова, С. Раҳимова,  
М. Отажонов, К. Раҳимов, К. Исмоилов, В. Фаёзов.



Комилжон Отаниёзов. Шогирдилари:  
Бобомурод Ҳамдамов, Каромаддин Қўчқоров ва Отаназар  
Обдолниёзов билан концерт бермоқда. 1975 й.



Шоҳимардон. 1964 й. М. Султонова, Б. Режапова, О. Ҳайитова,  
С. Исмоилова, Р. Жуманиёзова, Қ. Бобожонов, К. Отаниёзов, Ж. Собиров,  
Ҳожи ака, Абдували ака, Матназар Ниёзметов. 1964-йил.



Ўзбекистон халқ артисти  
Отажон Худойшукуров.



Ўзбекистон халқ ҳофизи  
Муҳаммадjon Каримов.





Бекжон Отажонов, Жуманиёз Оллоберганов, Комилжон Онатиев,  
Матмурод Солаев, Йўлдош Оллошукуров. 1962 й.



Ўзбекистон халқ ҳофизи  
Муҳаммаджон Каримов.



Ўзбекистон халқ артисти  
Таваккал Қодиров.



Ўзбекистон халқ артисти  
Бобомурод Ҳамдамов.



Ўзбекистон халқ ҳофизи  
Фаҳриддин Умаров.



Биринчи жаҳон ёшлар фестивалининг совриндори  
Эркиной Бекжоновна.



Ўзбекистон халқ артисти  
Олмаҳон Ҳайитова.



Самарқанд. Жуманиёз ака хонадонда. 1960 й.  
 Ў. Отажонов, Ф. Иноғомов, Отажон қайроқ, И. Абдуллайев, К. Отаниёзов,  
 К. Матназаров, К. Исмоилов, Отабой чангчи, Р. Ҳамдамов, Е. Шукруллаев,  
 М. Давлатова, Н. Орзиева, Р. Ҳидоятова, Қ. Искандаров, З. Султонов.



Самарқанд, Боғишамол. 1966 й.  
 М. Солайев, Хўжамкул ака, О. Абдалниёзов, Қ. Бобожонов,  
 К. Отаниёзов ва шинаванда дўстлари.



Сурхондарё вилояти. 1961 й.  
 К. Матназаров, И. Абдуллайев (Ибот бола), С. Шукурова, М. Султонова,  
 М. Абдуллайева, Н. Шарипов, К. Отаниёзов ва дўстлари.



О. Отажонов (тор), К. Отаниёзов (тор), О. Абдалниёзов (дойра),  
 Қ. Бобожонов (қўшна).



Г. Иноғомов, Е. Оллоберганов, Ҳ. Бобоҷонов, А. Машарипов, С. Исмоилов,  
И. Бобоҷонов, Р. Отаҷонова, Ш. Ботир, Т. Муҳитдинова, О. Очилова,  
М. Сапайев, Р. Муродова, Р. Бойҷонова, З. Ғаффарова, К. Отаниёзов,  
М. Ёқубов (Шерозий), К. Исмоилов, С. Мадраҳимов. 1955 й.



О. Абдалниёзов, Г. Матёқубова, О. Зарипов  
ва К. Отаниёзов. 1962 й.

Бу қадар кенг феъллик ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган мулкдир. Балки, шу боисдан ҳам Комилжон аканинг номи то бугун, бундан кейин ҳам фақат яхши феъл-атвори, кечирим-лилиги билан тилларда дoston бўлиб бораверади. Негаким, Комилжон Отаниёзов нечоғлик улуғ бўлса ҳам латифу лутфликда, камтару карамликда, эл хизматига ҳамиша бетамаъ камарбасталикда эъзоз топган, аржуманд инсон эди.

Аё, аржумандлиғ – илоҳий неъмат,

Кимки мушаррафдир нурафшон номи.

Ҳамиша шавкатга ошуфта заҳмат,

Вале, суянчиғдир илоҳ каломи.

Комил фарзандларнинг толеъи баланд,

Авж оҳанглардек ўрлайди кўкка.

Таманно айлаймиз: Комилжон ака,

Дунё бор тоабад бўлгай аржуманд.

\* \* \*

Ҳар йили 22 июль куни ўзининг қўшиқчилик мактабини яратиб кетган машҳур ҳофиз Комилжон ака Отаниёзов таваллуди куни устознинг Тошкентдаги Арпапоя кўчасида жойлашган ҳовлисига ўзоқ йиллар ёнма-ён бирга ишлаган шогирдлари, қариндош-туққанлари, таниш-билишлари, таниқли шоирлар, қўшиқ ихлосмандлари, аҳли маҳалла эрта тонгдан бирин-кетин кириб кела бошлашади.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов ташаббуси билан ёйилган кенг, бадастир дастурхон атрофида устознинг бугунги кундаги машҳур шогирдлари: Ўзбекистон халқ артистлари Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отаҷонов, Гулсара Ёқубова ва бошқа таниқли артистлар, актёрлар, қўшиқчилар Комилжон ака билан бўлган қизиқарли воқеалар, ибратли ҳикоятлар ҳақида гурунғ қиладилар. Дастурхонга ошдан аввал қай бир шогирдлар тайёрлаб кел-

ган сомса, гўммалар тортилади. Қуръон тиловат қилинган, ўртани бошқарувчи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отамурад Бекжонов салобат билан дил каломини айтувчиларга сўз, қўшиқ ижро қилувчиларга хониш навбатини бериб боради.

Давра қизигандан қизийди. Устоз ижро этган қўшиқлар машҳур шогирдлар томонидан катта меҳр билан куйланади, таниқли шоирлар Эркин Самандар, Омон Матжонлар дил сўзларини айтиб, устозга бағишланган янги шеърларини ўқийдилар. Яна баланд авжда донгдор санъаткорлар ижросида қўшиқлар, яллалар, рақслар ижро қилинади. Республика телевидениеси ходимлари томонидан борлиқ жараён шукуҳи тасвирга олинади, интервьюлар ёзилади.

Кези келди, бир гапни айтиш жоиз кўринади. Ҳар йили сўзга чиқувчилар шу ҳовлида музей ташкил қилиш деган хайрли таклифни ўртага ташлайдилар. Музейда устоз томонидан ижро қилинган қўшиқлар намоёниш қилинса, Комилжон ака билан боғлиқ турли экспонатлар, устознинг чолғу асбоблари, турли даврларда кийган, йиллар нафасини туйдириб турадиган кийимлари, фотосуратлари, Хитою, Ҳиндистонга қилган ижодий сафарлари борасидаги сувратлар жой олса, дейишади. Қарсақлар бўлади, лекин ўша кўтаринкилик, ўша баланпарвоз истаклар аста-секин сўниб, музей масаласи йўлда қолиб кетади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббаслари билан бу йил устоз таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқчи. Шавкат Миромонович Хоразмда ўзларининг сайловолди урашувларида ҳам, кейинги сафар бўлганларида ҳам устоз Комилжон Отаниёзовнинг Ватан олдида, халқ олдида қилган хизматлари беқиёс катта эканликларини қайта-қайта таъкидладилар, элнинг дилидаги гапни айтдилар.

Шу боисдан Хоразм Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт вазирлиги,

Ўзбекистон Давлат консерваторияси мутасаддилари билан ҳамкорликда ушбу ажойиб таклифни амалга оширса, нур ало нур бўлгувси эди.

Давра кеч пешингача баравж давом этади. Камина ҳам дил изҳоримни шеърга солиб айтаман:

Хоразм созининг недадир сеҳри,  
Ё ўзгами эътиқоди, халқ меҳри,  
Мавжланар торида талқинлар баҳри,  
Соҳир соз Комилжон Отаниёзнинг.

Йиллар ўтаверар, ўтар асрлар,  
Қурилар муҳташам не-не қасрлар,  
Номини улуғлар назму, насрлар,  
Хушовоз Комилжон Отаниёзнинг.

Созу сўз рутбасин ўзга йўриғи,  
Тез сочилар яхши оҳанг уруғи,  
Етти иқлимга кетмишдир доврўғи,  
Дилнавоз Комилжон Отаниёзнинг.

Қочиримли сарпардалар бир дунё,  
Тарс усулли зарбпардалар бир дунё,  
Этмиш бари зарпардалар бир дунё,  
Сарфароз, Комилжон Отаниёзнинг.

Мадраҳим Шерозий хонишларида,  
Ҳожихон устознинг нолишларида,  
Янада авжланмиш ёнишларида,  
Хушовоз Комилжон Отаниёзнинг.

Устоз билан яшадик бир замонда,  
Довруқ солди жаҳонга шўх торинда,  
Улғайдилар шогирдлари ёнинда,  
Худ шоҳбоз, Комилжон Отаниёзнинг.

Мен, Комил Аваз ҳам маҳалладоши,  
Бир муҳиб, исмига уйқаш, адаши,  
Қутлайман, тўйдир бу бир аср ёши,  
Соҳир соз Комилжон Отаниёзнинг.  
Моҳир соз Комилжон Отаниёзнинг



**Юсуф Хайруллаев**  
*Ўзбекистон радиоканали*  
*“Кўнгилочар ва мусиқий*  
*эшиттиришлар” муҳарририяти*  
*бош муҳаррири.*

### **СЎЗДАН ДУР, МУСИҚАДАН ШАРАФ ТОПГАН ҲОФИЗ**

Дейдиларки, бебаҳолик нишони бўлмиш инжу, гавҳарларни уммон тубларидан гаввослар чексиз машаққат чекиб, терар эмишлар. Шунинг учун ҳам – бу тошлар беқиёс қимматли. Узук ва сирғаларга кўз, безак, кошоналарга нақш бўлиб, кишилар ҳавасини уйғотармиш бу жавоҳирлар...

Баъзи ижодкор инсонларнинг юрагини ҳам дурдоналар тўла денгиз тубига қиёс қилиш мумкин. Қалб қаъридаги бебаҳо бойликни ардоқлаб, уни халқнинг ижодий хазинасига қўшиш орзусида яшайдиган ажойиб ижодкор инсонлар борки, улар элда ҳамини эъзозланади.

Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти, миллий мумтоз ва халқ мусиқасининг улкан арбоби, сўз, соз, ноёб овоз соҳиби – Комилжон Отаниёзовни ана шундай инсонлар сафидан ҳақли равишда муносиб ўрин олган устоз

санъаткорлардан деб биламиз. Бугунги кунда айрим хонандалар томонидан куйланаётган кўшиқларнинг негадир умри узоқ бўлмайди. Ҳофиз ижро этган тароналар эса ҳали ҳануз севилиб тингланиб келинади.

Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан у кишининг кўплаб кўшиқлари сақланади ва тез-тез эфирга узатилиб турилади. Тўғрироғи, мухлисларнинг талаблари билан радиотўлқинлар орқали янграйди. Мен ўзимнинг хизмат фаолиятимда бу нарсага кўп дуч келганман. Таваллуд кун соҳиби ва соҳибаларнинг қутлашга бағишланган дастурларимизда, айниқса, табрик эгалари “Илтимос, Комилжон Отаниёзовнинг кўшиқларидан эшиттирсангизлар яхши бўлар эди”, деб илтимос қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқ кўнглидан, мухлислар қалбидан ўрин олишнинг ўзи бўлмайди. Шунда ўзим ҳам хонамда ҳофизнинг кўшиқлари ёзилган магнит тасмаларини тез-тез эшитиб тураман. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ҳар бир ижроси бир “юк”ни ташийди. Шунда у кишининг шахсияти билан қизиқиб, бир-биридан қизиқарли маълумотларга дуч келавераман.

Асосан, уламо-олимларнинг фарзанди бўлгандан кейин, албатта, шу анъана асосида тарбия топган инсон илмга ийтилади. Бу ҳақда гап кетганда ҳофиз Ориф Алимаҳсумовнинг бир гапини эслагимиз келди: “Комилжон ака мендан ўн ёш катта бўлса ҳам мени жуда ҳурмат қилар эди. Тўйларда кўришган пайтимизда ўзига яқин билиб, ёнига чақириб олиб ўтирарди. Нима учун менга нисбатан бунчалик ҳурмат сақлашини билмоқчи бўлсам, уч-тўрт ғазални шарҳлаганимни кўриб менга нисбати ортган экан. Шу сабаб доим қайсидир шоирнинг ғазали ҳақида қизғин баҳслашиб турардик”, – дер эдилар.

Шундан ҳам билса бўладики, устоз мана шунақа одамларга нисбатан бениҳоя ўзини яқин тутган. Ғазални шарҳлашдаги аруз қоидаларини билувчи кўплаб кишилар билан доим мулоқотда бўлганлар.

Комилжон Отаниёзов фақат соҳир овозга эга бўлган санъаткор, моҳир ижрочи, гўзал куй-қўшиқлар яратган ижодкор, шоиргина бўлиб қолмай, айтилишига заминомда чуқур билимга ҳам эга бўлганлар. Ҳофиз суҳбатда ҳам ҳар бир сўзнинг маъносига эътибор бериб, суҳбатдошининг билими доирасини ҳисобга олиб, пурмаъно сўзларни иложи борича халқчил қилиб сўзлайдиган киши эканлигини кўпчилик эътироф этади. Шогирдлари ёки у кишини билган қайси инсондан сўраманг, ҳофизнинг ўзига хос фазилатлари ва хислатларини албатта тилга олади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қилдим. Ўзбекистон радиосининг фонетикасида Комилжон Отаниёзовнинг бири-бирдан гўзал, дилбар кўплаб қўшиқлари сақланади. Буларнинг ёзиб олинишининг ҳам ўзига хос тарихи бор экан. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, устозимиз – Нуриддин Аминжоновдан сўраганимда, у киши шундай жавоб бердилар: “Маълумки, ўз даврида эл севган санъаткорларнинг аксарияти радионинг студиясига келиб, ўз қўшиқ ва ашуласини ёздирдишган. Бу эса ўз-ўзидан студияда ёзиш учун навбат кутишларига тўғри келган. Ҳар ким ўз ишини тезроқ бажаришга интилади, шундай экан хонандалар ўз қўшиқларини айтиб кетаверишган. Албатта, бунга масъулият билан қаровчи ҳофизлар кўп бўлган. Лекин Комилжон Отаниёзов қўшиқ айтишга ўзини тайёр деб ҳисобламагунча студияга келмас экан. У ҳар бир ижросини алоҳида тайёргарлик билан, саралаб ва катта масъулият билан ижро этган. Шунинг учун унинг қўшиқларини қабул қилишда мусиқий-бадиий кенгаш аъзолари бир овоздан ёқлаб овоз беришган”...

Радиога устоз санъаткорларнинг ижоди, ижро этган қўшиқлари ҳақида баҳоли қудрат эшиттиришлар тайёрлашга ҳаракат қиламан. Бунга мусиқашунослар, шоирлар, бастакорлар, хонандаю созандаларни таклиф этиб, ўз фикрларини билдиришларига ундайман. “Мусиқа жавони” деб номлан-

ган бир эшиттиришимга бир мусиқашунос олим – Ботир Матёқубовни таклиф этганим ва Комилжон Отаниёзов ҳақида билганларингизни сўзлаб беришларини сўрадим.

– Ўз давридаги тенгдошлари орасида, ўша даврдаги санъаткорлар ашулачи, ҳофизлар орасида тубдан, бирданига ажралиб чиққанлигининг сабабини устозлар ҳам кўрсатишадими, – деди Ботир Матёқубов, – Комилжон ака биригина мақом йўлидан кетмасдан, қўшиқчиликнинг барча йўлини бирдек тутиб, асосан қўшиқ яратувчилик йўлини дostonчиликка асослайди. Сабаб – дoston қўшиқларининг яхши жиҳати шундаки, бадиҳага, инпровизацияга мойил йўллар ҳисобланади. Яъни, қанча ўзгартириш, қўшимчалар киритаман, десангиз бўлади. Комилжон аканинг қўшиқлари ана шу дostonчилик асосида яратилган қўшиқлар. Шунинг учун ҳам қалбнинг тубидан чиққанлиги учун халқнинг юрагига етиб бора олади. Айтилишига кишининг ёшидан қатъий назар бу қўшиқлар эшитган ҳар бир кишини тўлқинлантира олади ва боқий асарга айланиб улгурган. Энди ҳаммага ҳам шундай истеъдод, кўп қиррали санъат насиб қилавермайди. У кишининг ҳамма томонлари шундай гўзал, бетакрор бўлганки, овозлари ҳам юқори тембрли, энг юқори пардаларда ҳам зўриқмасдан чиройли ижрога мос лирик овоз бўлиб, овознинг туси жиҳатидан ҳам ёқимли таъсирга эга бўлган.

Аслида билим бўлмаса, истеъдод бўлмаса, унинг остида катта меҳнат бўлмаса, фақатгина овознинг ўзи билангина ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Эски илмларми, замонавий билимларми, буларнинг ҳаммасидан устоз хабардор бўлганлар. Бу албатта шак-шубҳасиз. У кишининг яна бир ҳожиржавоблиги бўлганки, қандай тадбир бўлмасин унга боришдан олдин ўша анжуманга мос келадиган бир янги қўшиқни тайёрлаб олиб борганлар, ва халқ ҳукмига ҳавола қила олганлар.

Комилжон Отаниёзов ўз шогирдларига тез-тез шундай маслаҳат қилиб турар экан: “...Санъаткор билимли, ориф, сўз

ва созни юрагига яқин тутта оладиган инсон бўлиши керак. Матн мазмунини, руҳини, оҳанггини, тўла англаши зарур. Шоир шеърни ўйнаб ёзмайди, уни дард, эҳтирос, ақлий нафосат билан битади. Шундай экан санъаткор ҳам уни дард, эҳтирос, ақлий нафосат билан куйлай олса, тингловчига еткази олади. Шу тариқа қалбдан чиққан куй, наво бошқа қалбга бориб ўз ўрнини топа олади...”

Халқ дилини, қадрини куйловчи сўнмас асарлар ижод этиб, санъаткорликда ўз мактабини яратган забардаст ижодкор Комилжон Отаниёзов қисқа аммо бошқа санъаткорлар ҳавас қилгулик мазмунли ҳаёт кечирди, ўзидан беқиёс ва бетакрор мерос қолдирди. Унинг ижоди, санъаткорлик одоби, мусиқа санъатимиз учун қилган хизматлари юксак маънавият намунаси ва келажак авлодга ҳамиша ибрат бўлиб қолаверади!



**Саъдулла ЖУМАНИЁЗОВ**

*Ўзбекистон журналистлар  
уюшмаси аъзоси.*

### **ХОТИРА УЙҒОНГАНДА...**

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверади. Замонлар оша тўфону-бўронлар қаърида қолиб йиллар силсиласида кўп нарса нутилади. Аммо шундай хотиралар бўладикки, узоқ муддат ўқилмай турган китобнинг сарғайган саҳифалари сингари кишилар онгида ғира-шира сақланади. Бирор туртки бўлса ёрқин юлдуз мисоли янада порлоқ нур таратиб кўзларни қамаштира бошлайди. Менда ҳам шундай ҳодиса

содир бўлди. Хотирам уйғонди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси бўлсам ҳам қариллик нафақасига чиқиб, севимли ишимни тарк этганимга, бирор жўяли мақола ёзмаганимга йигирма йил бўлди.

Яқинда, шоир, ёзувчи Қуронбой ҳожи билан учрашиб қолдик. Менга ўзининг чоп қилинган китобларини совға қиларкан Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркменистон халқ артисти, Хоразм булбули Комилжон Отаниёзов таваллудининг табаррук юз йиллиги муносабати билан кичкина бир китоб ёзаётганлигини айтиб қолди. Буни эшитиб, хаёлимга ялт этиб ўтмишда бўлиб ўтган, нутилаёзган бир воқеа келди. Ўша воқеани беихтиёр эслаб кетдим...

Хазорасп тумани газетасида ишлаб юрган кезларим эди. Бир вақтлар колхоз раиси ва матлубот жамияти раиси каби масъул лавозимларда фаолият юритиб нафақага чиққан Раҳмон ака Рўзметов нашриётда ҳисобчи вазифасида ишлар эди. У ёшлигида кўплаб газеталарга “Шар” тахаллуси билан шеър ва мақолалар ёзиб юрган истеъдод соҳиби эди. Биз иккаламиз “Абу Муслим жангномаси” китоби устида мунозаралашиб ўтирган эдик, телефон жиринглаб қолди. Раҳмон ака телефон гўшагини олиб қулоғига қўяр экан:

– Бўлади, албатта, етиб борамиз, – деди.

– Нима гап? – сўрадим у кишидан қизиқсиниб.

– Бағот тумани “Коммуна” колхозига Комилжон Отаниёзов келиб концерт қўяркан, ишларингни саранжомлаб тайёрлан бирга борамиз, ҳозир қўнғироқ қилган киши раис Иброҳим Жабборов, – деди у шодлигини яшира олмай.

– Мен таклиф қилинмаган бўлсам деб, иккинландим...

– Бу нима деганинг. Ахир, сен журналистсан-ку, дея менга юзланди у киши.

Раҳмон ака Рўзметов банк мудирини бўлиб ишлаган вақтда Иброҳим Жабборов кредит бўлими бошлиғи вазифасида бирга фаолият кўрсатган бўлиб иккаласи яқин дўст эканлар. Маълум бўлишича, улар Комилжон Отаниёзов билан ҳам яқиндан дўст бўлишган экан.

Биз етиб борганимизда Иброҳим Жабборов билан Комилжон Отаниёзов бирга раиснинг хонасида кўк чой ичиб, суҳбатлашиб ўтиришган экан. Улар иккаласи ҳам Раҳмон ака билан қучоқлашиб кўришишди.

– Бу йигитни танитайроқ турибман, – деди ҳофиз. Мен ўзимни сал ўнғайсиз сеза бошладим.

– Журналист, Саъдулла Жуманиёзов, биз бирга ишлаймиз, – жавоб берди Раҳмон ака.

– Булар мени мақтай-мақтай ўзимда йўқ фазилатларни ҳам ёпиштириб теракнинг учига чиқаришди. Энди эса ўша теракни силкитиб барбод қилмоқчилар. Бўрини йўқласанг қулоғи кўринармиш, – деди ҳофиз жиддий қиёфада.

– Бу нима деганингиз, мен сизнинг ашаддий ва оддий мухлисингизман.

– Одам оласи ичида бўлади, мен қайдан билай, – деди у хўрсиниб. Шунда бир воқеани айтиб бердим, у кишининг кайфияти кўтарилди. Ростини ҳам айтиб дамларда у киши журналистлар томонидан “Муштум” журналида танқид қилинган эди.

Воқеа бундай бўлган эди:

– Сиз журналда танқид қилинганингиздан кейин мен ҳозирги Боғот туманидаги (у вақтларда Боғот ҳам Ҳазораспга қараган) матлубот жамияти ҳайдовчиси Раззоқ ака деганининг уйига бордим. У киши ўғил фарзанд кўрган экан. Менга Хоразм телевидениясининг бошловчиси Кенжа Қурбонбоев ҳамроҳлик қилди. У ерда зиёфат жуда зўр бўлди, кеч кириб қоронғи тушди. Мен Ҳазораспга Кенжа Урганчга кетишимиз керак эди. Раззоқ ака: “Бизникида қолинглар”, деди. Биз кўнмадик. У пайтлар машиналар кам, айниқса, тунда машина топиш амри маҳол бўлар эди. Шу боис боғотлик курсдошим Озод Машарипов (ҳозирда тарих фанлари доктори)нинг уйига бордик. У ерда ҳам зиёфат бўлди. Шунда устоз, сиз ҳақда баҳс кетиб қолди. Озод ҳам, Кенжа ака ҳам қувноқ бир кайфиятда ўтиришган эди. Кенжа: “Комилжон ака тўғри танқид

қилинди, манимча қандайдир асос бор”, деди. Озод шунда уридан туриб: “Чиқ уйдан, ифлос”, деди. Кенжа хафа бўлди. Тунги соат икки. Кўча совуқ. Озод баттар тутоқиб: “Сен потўғри гапирдинг. Комилжон Отаниёзов Хоразм булбули. Ёзининг, ҳаммамизнинг фахримиз!” – деди. Кенжа астойдил кечирим сўради.

Менинг бу ҳикоямни эшитиб, Комилжон ака кулди. Кайфияти ўзгарди. Биз шу тариқа танишган эдик. Колхоз клубида концерт бўлди. Тумонат одам, концертдан кейин раис Иброҳим Жабборовнинг уйига бордик. У ерда ҳам Комилжон ака ашула айтиб берди. Орадан икки ой ўтди, баҳор кириб кела бошлаган кунлар, ишдан қайтиб, уйда чой ичиб ўлтирган эдим. Комилжон Отаниёзовнинг ашуласи эшитилиб қолди. “Радиони оч”, дедим ўғлим Шухратга. Радиодан эса ахборот эшиттириши бўлаётган экан. У пайтларда телевизор йўқ эди. Уйдан кўчага чиқдим. Не кўз билан кўрайки, қалъага чиқаверишда ҳеч кимсасиз жойда Комилжон ака ашула айтиб турар эди. Югуриб ёнига бордим.

– И-е, сен шу ерда турасанми, – сўради Комилжон ака.

– Ҳа, дедим ва уйга таклиф этдим.

– Абдулла акангни чақир, – деди ҳофиз.

Югуриб кириб, Абдулла Авезовни чақириб чиқдим. Ҳофизни кўриб, Абдулла ака йиғлаб юборди. Бу унинг қувонч ёшлари эди.

– Мана, ваъдага мувофиқ келдим, – деди ҳофиз.

– Раҳмат ўғлингиз бўлмай, тўйида ўйнаб бераман, – деди Абдулла ака.

Воқеа бундай бўлган экан. Абдулла Авезов саводсиз, содда, камбағал киши эди. Бир маҳаллар касалланиб докторга тушади. Бош врач Багандик Искандаров уни “Ўзбекистон” хўжалиги директори Жуманиёз Қурбонов билан бир хонада ётқизиб даволайди. Касалхонада улар дўстлашиб қолишади. Тузалиб чиққач, Қурбонов Абдулла акани ҳам олиб Тошкентга, санаторияга кетади. Улар санаторияда бўлган вақтда Ко-



милжон Отаниёзов Курбоновни кўргани боради. Абдулла ака Комилжон Отаниёзов билан шу ерда танишади. Абдулла Аев-зов эллик беш ёшида ўғил кўради. Исмини Мақсуд қўяди. Бу воқеани эшитган Комилжон ака: “Болангизни суннат тўйида бораман”, деб сўз берган экан.

– Қачон суннат қиласиз ўғлингизни, – деб сўрайди ҳофиз.

– Бола беш ёшга кирганда, ўзим олтмишга кираман, шунда катта тўй қиламан, – дейди.

Комилжон ака блокнотига боланинг туғилган кунини ёзиб қўяди.

Абдулла ака бу гапларни унутиб юборган. Шундай катта ҳофиз мендек бир камбағалникига келадими, деб ўйлаган экан.

Комилжон ака Ватанга, халққа муҳаббати жуда кучли эди. Ваъдасига вафодор инсон блокнотидаги ёзувга қараб Абдулла аканинг ўғли туғилган кунда Хазораспга келган экан.

Мен хабар юбориб қалъа халқини тўпладим. Комилжон ака бир доирачи ва бир раққоса билан икки ярим соат концерт берди. Ўша кун Тошкентга кетиши шарт экан. Халқ раққосага пул берган эди, ҳофиз барча пулни олиб: “Мана бу бизнинг тўёнамиз”, деб Абдулла акага берди.

Абдулла ака ҳам, Комилжон ака ҳам у дунёлик бўлишди. Абдулла аканинг ўғли Мақсуд инженер. У айна пайтда иқтисодиёт коллежида талаба ёшларга сабоқ беради.

Ажойиб инсон Комилжон аканинг ҳаётидан мен ўзим гувоҳ бўлганларимдан бир шингилини ёздим. Бир сўз билан айтганда, Комилжон ака улуғ ва яхши инсон эди. Ахир, яхшилар, уларнинг амалга оширган эзгу ишлари нутилиладими? Йўқ, асло нутилмайди. Инсонлар қалбида улар мангу яшай-верадилар.

Хазорасп тумани



Гафур Раҳимов,  
Истеъфодаги генерал

## ЎТМИШНИНГ ШИРИН ХОТИРАЛАРИ

1939 йили Катта Фарғона каналини қазिश бошланди. Канал ҳашар йўли билан қазилмоқда эди. Мен шунда ўзининг концерти гуруҳи билан канал қурилишига келиб концерт уюштирган Комилжон Отаниёзовни кўп маротаба кўрганман. У пайтлар мен ўн ёшда эдим. Уйимиз билан канал оралиғи ўн километр келарди. Концерт кўргани яёв борар эдим. Комилжон Отаниёзов бир ойда албатта икки маротаба келарди. Яна бир қизиқ томони бор эдики, у киши ўз гуруҳи билан кино ҳам олиб юрар эдилар. У пайтда кино лентаси апаратини бир одам қўли билан айлантириб турар, иккинчи бир киши эса кионинг мазмунини тушунтириб борарди.

Комилжон Отаниёзов ўз ҳисобидан харж қилиб ош дамлатиб, канал қазиётганларга тарқаттирар эди. Халқ у кишининг номига кўплаб дуо қиларди, ёшлик пайтларимиз бўлгани учун кўрган, эшитганларимиз ҳеч ёдимдан чиқмас эди. Комилжон ака асосан Навоий, Бобур, Огаҳий, Маъраб ва биз эшитмаган бошқа кўплаб шоирлар шеърини куйга солиб айтарди. Ҳазал охирини диққат билан тинглаб шоирнинг исмини эшитиб олардик-да, кимнинг шеъри эканлигини билиб олардик. Шу билан бирга Хоразмча ўйинларни, хусусан Қайроқ ўйинини ўшанда маъносига оз-моз тушунганмиз. Қайроқ ўйинига Комилжон Отаниёзовнинг ўйнаганларини ҳам ўз кўзим билан кўрганман. Шунинг учун ҳам ёш бўлсакда, ўртоқларимиз билан у кишининг концертидан қолмасдан борар эдик. Эл севган санъаткорнинг ортидан кўпчилик ҳавас билан сўзлар, унга ҳаваси келганлар сон мингта эди. Инсоннинг буюкликка эришиши унинг меҳнати орқали насиб этишини ёшимиз улғайгандан кейин маъносига етдик. Буюк

инсонлар юз йилда ҳам буюклигича халқ қалбида ўрнашиб тураверар экан. Бунга яққол бир мисол улуг Ҳофиз Комилжон Отаниёзовдир. Шундай бўлмаганда балким, мен ҳам бугун қисқагина бўлса-да, ушбу хотираларимни эсга олмаган бўлар эдим.

Тошкент шаҳри



**Абдулла МАТЖОНОВ,**

*Хазорасп туман*

*Нуронийлар жамғармаси раиси*

### **КАРВАК ОЛМАСИНИ СЕВГАН ҲОФИЗ**

1961– 62 йилларда бўлса керак, бобом Матчон кулол билан бирга Тўрткўл тумани, Шўраҳон қишлоғида Саъдулла шайтон лақабли кишининг уйига меҳмон бўлиб бордик. Мен унда иккинчи синфда ўқир эдим. Саъдулла ака Матчон кулолнинг жияни бўлади. Саъдулла аканинг уйи Амударё соҳилида, ҳовуз атрофида бир неча меҳмонлар бўлиб, улар орасида Комилжон ака, Отаназар ака ҳам бор экан. Ўзаро суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, Саъдулла ака Комилжон аканинг қўйларини боқар экан. Комилжон аканинг ёнида қамар, сур, шерози ва бошқа қоракўл қўзилар териси тахлаб қўйилган эди. У териларнинг рангига қараб нархи ҳар хил бўлар экан. Шунда Комилжон ака гап қотиб қолди: “Эй Саъдулла сенинг лақабинг беҳуда шайтон эмас шекилли, нега сур, қамар терилари кам кўриняпти? Бор, яширган ерингдан олиб чиқ. Урганчдаги дўстларимга ваъда бергандим. Ҳеч

бўлмаса яна иккита олиб чиқ”, деди. Саъдулла ака: “Кўшни чўпонлардан сўраб топиб келаман” деб чиқиб кетди. Шунда Комилжон ака бобомга битта сур-қамар тери совға қилди, ва фотиҳа беринг деб қўлини дуога очди. Бобом дуо қилдилар. Ўша теридан попоқ (телпак) тиктиришди. Отам уни кўп йиллар кийиб юрдилар.

Хазорасплик машҳур полвон Абдулла Ёқубов катта тўйларда Комилжон ака билан бирга бўлиб дўст бўлган. Абдулла ака Хазорасп туманидаги Карвакда кўп йиллар колхозга раислик қилган.

Бир куни ўша вақтдаги вилоят раҳбари Абдулла акани чақириб: “Ё раис бўл ё полвонлик қил!”— деган экан. Афтидан Абдулла ака Комилжон ака билан ҳар куни тўйга кетаверганидан вилоят раҳбари шундай деб танбеҳ берган бўлса керак. Абдулла ака эса ўз билганидан қолмай, Комилжон ака билан дўстлигини асло канда қилмаган. Улар шундай қадрдон эканларки, доимо ўзаро хонадонларида меҳмонга бориб келиб туришган. Борди-келди мустаҳкам бўлган. Уларнинг дўстлиги қудачиликка айланган. Комилжон ака қизи Муборакни Абдулла аканинг ўғли Бувахонга турмушга берган, ҳозир уларнинг неvara, эваралари бор. Комилжон ака Карвак олмасини ўзи билан олиб юрган ва доим уни одамларга совға қилган. Карвак олмаси деб аталишига сабаб Хазораспда, Карвак қишлоғида пишадиган олма дунёнинг бошқа жойларида йўқ деб таъриф беришади. Карвак қишлоғидаги хўжаликка Абдулла Ёқубов номи берилган.



**Боғибек ҚОСИМОВ,**

*Хоразм вилояти*

*Хазорасп туман Халқ демократик  
партияси раиси, журналист*

## ХАЗОРАСПДА ШУҲРАТ ТОПГАН АРАВАКАШ

1948 йилнинг охири отам Ибодуллаев Қосимни, Шерниёзов Иброҳим акани турмуш ўртоғи билан, Курёзов Раззоқ бобони, Болтаев Жумяз бобони, Қурбонов Амин Шўро ва Сотим Маткаримов, Раҳмон Абдуллаев ва бошқаларни Чоржўй – Қўнғирот темир йўл қурилишига олиб кетишган. Шароит оғир, аравада кетганлар. Йўл қурилиши ҳам жуда оғир.

Отам шундай ҳикоя қилганлар: “Бир куни бугун концерт бўлармиш, Комилжон Отаниёзов труппаси келармиш, деган сўзларни эшитиб хурсанд бўлдик. Шу дақиқа етиб келди. Концерда навбат Комилжон Отаниёзовга келди. Шундай ёқимли куйлари билан жўшиб қўшиқлар айтди, жуда ҳузур қилдик ва концерт охирида биз билан келиб танишдилар. Ҳар ой бир ёки икки марта келардиларди. Қурилиш тўрт йил давом этди, биз уйга бориб келишга жавоб сўрамасдик, шу тариқа вақт ўтиб, қурилиш тугаганини билмай қолибмиз.

1960 йилнинг охири ҳаво жуда совуқ келди. Ҳозирги Урганч юрак касалхонаси шифокори Мадраҳимов Иброҳим ака отаси Маҳмуд акани олиб, эрталаб уйимизга келдилар, менга отангизни ҳам олинг Хазорасп тумани Пичоқчи қишлоғи, Жувандир қишлоғида Отажон аканинг ўғлининг тўйига Комилжон Отаниёзов келаркан дедилар. Биз дарров тайёрланиб тўйга бордик. Тўй жуда яхши, тартибли бўлди. Тўй тугагач, Комилжон Отаниёзов тўй эгасини чақириб, тўйда тушган пулни Отажон ака ва Онажон момога бериб, фотиҳа олиб чиқиб кетаётиб, шифокор Иброҳим Мадраҳимовга отаси билан, отам Қосим Ибодуллаев билан Чоржўй – Қўнғирот темир йўл қурилишида танишиб, дўстлашганини айтдилар. Мен у инсонни отамни эслаб гапирганини ва саховатпеша,

яхши инсонлигини ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Отамнинг ўша қурилишни хотирлаб сўзлаб берганини яна бир бор хотирамдан ўтқариб, инсон хотираси билан тирик ва авлодлар ёдида абадий яшайди, деганларига амин бўлдим.



**Сагтор САФАЕВ,**  
*меҳнат фахрийси*

## ЖАЖЖИ ИСТЕЪДОД

1955 йилнинг декабр ойи охири эди. Ўн беш ёшли ўспирин эдим. Тўртқўл туман марказига Комилжон Отаниёзов концерт бераркан, деган хабар тарқалди. Мен ҳам борган эдим. Концерт негадир ўз вақтида бошланмай, ўн-ўн беш дақиқа ўтиб борар эди. Саҳнада Комилжон Отаниёзов турибдилар. Доирачи кўринмасди. Бир оздан сўнг кўлига доира кўтариб бир ёш бола кириб келди. Ғалати кўринарди, шундай машҳур ҳофиз ёнида ёшгина бола доира чалаётганини кўриб ҳамма ҳайрон эди. Аммо концерт бошланди. Бола эса рисоладагидек доира чалиб, қўшиққа жўр ҳам бўлар эди. Концерт тугагандан кейин эълон қилишдики, бу йигитча ўн бир ёшли Отажон Худойшукуров экан.

Комилжон Отаниёзов шу куни халқ олдида саҳнада Отажон Худойшукуровга оқ фотиҳа бериб: “Сени ўзим тарбия қиламан, шогирдликка олдим” дея, олиб чиқиб кетдилар. Ўшанда бутун йиғилган оломон бу жажжи истеъдод соҳиби Отажон Худойшукуровга ҳам, Комилжон акага ҳам илиқ бир меҳр билан қараб қолишганди.

Истеъдод бўлса, ҳеч қачон ёш танламас экан...

Хазорасп тумани

**Жўрақул бобо ФАЙЗИЕВ,**  
*меҳнат фахрийси*

### **АМУ – БУХОРО ҲАШАРИ**

1960 йилдан 1966 йил 5 майгача Аму – Бухоро каналида ишлаганман. Биз асосан, метиндек қаттиқ ерларни динамит ёрдамида портлатиб қазувчилар меҳнатини енгиллаштириб берар эдик. Қўл меҳнати жуда оғир бўларди. Республиканинг ҳамма вилоятларидан ишчилар жалб қилинган эди. Кўплаб ансамбллар келиб концертлар, ҳар хил томошалар уюштирилган эди. Аммо халқ доим Комилжон Отаниёзов концертини интиқлик билан кутарди. Ҳар ойда бир марта келарди. Келганда албатта, Хоразмча ош қилиниб, улашилар эди. Ишчилар алмаштирилиб турилар, бир группаси кетса, эртасига ўрнига бошқа бир группа ишчи келарди. Кеча-ю, кундуз иш тўхтатилмасди. Комилжон Отаниёзов концерт бергандан кейин канал қазувчиларнинг руҳияти ўзгариб, иш унуми ривож олиб кетарди.

Ўша пайтда Қаюм Муртозаев вилоят раҳбари эди. У киши Комилжон Отаниёзовга алоҳида ҳурмат билан қарарди. 1966 йил 5-майда канал қурилиши ниҳоясига етди. Шу муносабат билан ҳам катта концерт, хурсандчилик авж олиб кетди. Мен ўз кўзим билан халқ эъзозига сазовор бўлган санъаткорнинг нақадар ҳурматланганлигини кўриб, гувоҳи бўлганман. “Элни эъзозлаганни эл эъзозлар”; деган бир ҳикматли гап бор. Бу ҳақ гап. Комилжон Отаниёзов ҳамма билан бир хил муомалада бўлар, ўта камтарин, ўта маданиятли, ҳимматга бой инсон эди.

Бухоро шаҳри



**Жумабой БОБОЕВ,**  
*меҳнат фахрийси*

### **ОВОЗИНИ ЭШИТИШ САВОБ**

1960 йилнинг декабрь ойи эди. Хазорасп туман клубида тумонат одам йигилган. Концерт бошланиши кундузи соан ўн бирга мўлжалланган. Аммо, Комилжон Отаниёзов ансамбли билан ярим соатча олдин етиб келган. Билет олгандан билет ола олмаган кишилар кўпчиликини ташкил қилар эди. Ҳа, ҳа, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, айнан шундай бўлган эди. Халқ ҳофизнинг қора Волгасини ўраб олди ва арз қила кетди. “Бизга билет қолмабди, клуб тўла, биз энди концерт кўра олмаймизми?!” – деб зорланишарди йигилганлар. У киши бу гапларни жим тинглаб, жилмайиб қўйди. Айниқса, бир ёши каттароқ қария: “Бир иложини қилинг ҳофиз, биз шунча йўл босиб Жувондир қишлоғидан ўғлим билан келдик”, деди. Шу пайт Комилжон ака: “Кеча сизнинг қишлоғингизда бўлдик, сиз тўйга бормадингизми”, деб сўради. “Бордим, аммо ҳар куни сизнинг овозингизни эшитиш – бу савоб”, деди қария. Бу одам Карим бобо Матмуродов эди.

Шундан сўнг Комилжон ака: “Бирор юк машинаси топиб келинглар!” деб буюрдилар ёнидаги йигитларга. Кўча 20–25 градус совуқ эди. Комилжон акага бу ҳақда кимдир гап очганди. “Халқнинг илтимоси ҳар қандай совуқни ҳам инкор қилади”, деди устоз. Бу савол берган йигитлар Абдулла Собиров ва Борис Атабаевлар эди. Автомобил келтирилди. Унинг ҳайдовчиси Тўрабой Абдуллаев эди. Автомобил борти гилам билан жиҳозланди. Тўрт соат концерт бўлди. Комилжон ака халққа узр айтди. Энди Хазораспга бир деҳқоннинг тўйига боришга ваъдаси борлигини билдирди. Илтимос қилган Жувондирлик қарияни чақириб фотиҳа беришини сўради. Қария хурсанд бўлиб эл олдида баланд овозда ҳофизга яхши ниётлар билдириб дуо қилди.

Комилжон ака концерт тугаганлигини эълон қилдириб индамасдан кетаверса ҳам бўларди, ҳеч ким эътироз қила олмасди. Аммо, у бундай қилмади. Мен бу хусусиятини кўриб у кишига нисбатан ўн баробар ихлосим ошди. “Камтарга камол, манманга завол” деб, бежиз айтмаган-да, доно халқ. Комилжон аканинг камтарлиги уни юксакликка кўтарган, ҳақиқатда шундай...

Хазорасп тумани



Пўлат МАҚСУДОВ,  
*меҳнат фахрийси*

### ҲАМ САНЪАТКОР, ҲАМ АЖОЙИБ ИНСОН

1970 йил Москва орқали Болгарияга (“Золотые пески”) санаторияга дам олишга кетавериб, поездда Комилжон Отаниёзов билан танишиб қолдик. У киши оиласи билан дам олишга бораётган экан. Йўлланмамизнинг санаси бир хил эди. Неча кун бўлган бўлсак доим бирга эдик. У киши йўлда поездда ҳам, боргандан кейин санаторияда ҳам ашула айтиб берар эди. Ажабо, бошқа миллат кишилари ҳам у кишининг ашуласига маҳлиё бўлиб қолар эдилар.

Мен айна дамда Чирчиқ кон металлургия комбинатининг директори эдим. Санаториядан бирга қайтишимизни ва Тошкентда қолиб бир-икки кун комбинат меҳнаткашларига ҳам концерт беришларини илтимос қилдим. Рози бўлдилар. Кўп тизимларда, хусусан вазирликда узоқ йиллар ишлаганман. Хизмат тақозоси билан минглаб кишилар билан муомала қилишга, суҳбатлашишга тўғри келган. Мен ҳаётимда Ко-

милжон акага ўхшаш, ҳам санъаткор, ҳам у кишидек камтар инсонни учратмадим. Доим руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин!

Ташкент шаҳри



Ашур НОСИРОВ,  
*меҳнат фахрийси*

### ИХЛОС – ФОЖЕАНИ ҲАМ ЕНГИЛЛАТАДИ

1965 йил май ойининг охирлари эди. Йигирма беш ёшим. Бухоро автокорхонасида юк машинаси ҳайдардим. Аму – Бухоро канални қазिश бошланди. Автокорхона ишчиларидан бир гуруҳи қазिशга жалб этилди. Мен уларга озиқ-овқат ташир эдим. Отам Ислом Носиров ҳам канал қазишда ишлар эдилар. У киши доим Бухоро туманидан бўлган Жўрақул Файзиев билан бирга эдилар. Қурилиш қизгин эди. Ҳар ўн-ўн беш кунда санъаткорлар, айниқса, Комилжон Отаниёзов гуруҳи концерт берар эди.

Бир қизиқ воқеа содир бўлганки, ҳайрон қоларли даражада. Бир юк машинаси орқага юриб Жўрақул акани босиб кетибди. Одамлар бақириб дод солишганда ҳовлиқиб кетган ҳайдовчи олдинга ҳам юриб, тупроққа қоришиб ётган Жўрақул акани яна босиб ўтибди. Ердан қазиб олиб ташланган тупроқ қалин ва майин бўларди ўша пайтлар. Мен етиб борсам Жўрақул акани тупроқдан кўтариб олишаётган пайт экан. Мен ҳам шошилишча ёрдамлашиб, у кишини ўрнидан турғизиб олдик. Ҳайдовчи гарангсиб қолган, нима деб гапиршини ҳам билмайди. Кимдир тез ёрдам чақириш керак деб қолди. Жўрақул ака эса жон дили билан рад этарди. Менга

ҳеч нарса қилгани йўқ деб уст-бошини қоқиб, ахир, бугун Комилжон Отаниёзовнинг концерти бор-ку, тез ёрдам мени олиб кетса концертни кўролмайман-ку, деб зорланарди.

Кечқурун ростдан ҳам Комилжон Отаниёзов концерт бердилар. Концертда роса мириқиб дам олдик. Концерт тугагандан кейин Жўрақул ака Комилжон Отаниёзов ёнига бориб бугунги бўлган гапни тушунтирдилар ва яна ашула айтиб беринг, деб илтимос қилдилар. Комилжон ака ростдан ҳеч қаерингиз лат емадими, деб у кишининг қўлларини, елкаларини ушлаб кўрдилар. Кейин кўчада, сизнинг омон қолганингиз учун деб беш-олтита ашула айтиб бердилар. Жўрақул бобога битта чарм этик ҳам совға қилдилар. Шу-шу Комилжон ака ҳар келганларида отам ва Жўрақул бобони ёнларига олиб ашула айтиб берар эдилар. Мен бу воқеага ишонмай десам ўз кўзим билан кўриб, гувоҳ бўлганман. Машина икки марта босиб ўтган кишига ҳеч нарса қилмаганига эса кўп кишилар лол қолган. Жўрақул аканинг Комилжон Отаниёзовга ўта ихлосмандлиги боис, балким у одам руҳан ўзини бақувват тутган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли унча-бунча оғриқни енгган бўлиши табиий. Шу воқеани ўйласам, ихлос фожеани ҳам енгиши мумкин экан, деган фикр хаёлимдан ўтади.

Комилжон ака бир пайти келганда ўша вақтда каналга тез-тез келиб турувчи вилоят раҳбарига бу воқеани айтиб беради. Қаюм Муртозаев эса отам ва Жўрақул акани чақириб олиб, ўзи сўрайди. Кейин уларга иккаласига аҳм гилам, пул, кийим-кечак совға қилган эди.

Мен Комилжон аканинг хусусиятини кўриб ўша вақтлардан санъаткорларга нисбатанми чандон ихлосим ошди. Шу сабаб фарзандим Акмалжонга санъаткор бўлишини маслаҳат бердим. У эса менинг орзуимни амалга оширди. Туппа-тузук санъаткор бўлиб етишди.

Бухоро шаҳри

Маткарим КАРИМОВ,

меҳнат фахрийси

## ИНСОН ХОТИРАСИ БИЛАН АЗИЗ

Инсонни хотирламоқ фарздир. Инсон хотираси билан азиз. Қилган яхшиликларингни, ақалли бир қудуқ қазиганингни, бировга мурувват кўрсатганингни, бир бечоранинг елкасини, бошини силаганингни, саховатпешалигингни, йўл қурганингни эл эсласа, бундан ортиқ бахт борми инсонга. Инсон хотираларда яшайди. Хотиралар инсон умрининг давомидир. Инсон хотираси ўчмаса, киши ўзининг узун ёки қисқа умрида яшар экан.

Бутун умри давомида юрти, халқи учун жуда кўп савобли ишларни амалга оширган, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти, санъаткор, шоир, драматург, бастакор Комилжон Отаниёзовни хотирлайман. 1965 йил декабрь охири эди, ҳаво жуда совуқ, Матчонов Махсум аканинг ўғли Худойберганнинг ақиқа тўйига (суннат) жуда кўп одам йиғилди. Комилжон Отаниёзов даврани айланиб ашула айтаяптилар. Эрталаб 9.30 ларда бошланган тўй кечқурун қоронғи тушар пайтигача давом қилди, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Тўй тугагач, Комилжон Отаниёзов тўй эгасини Матчанов Махсум ва унинг бобоси мулла Матчон бобони даврага таклиф қилиб, тўйдан тушган бир халта пулни тўёна қилиб, фотиҳа олиб кетдилар. Ўша воқеадан бери мен Комилжон Отаниёзовнинг қилган ишини, одамгарчилигини ҳеч унута олмайман, унутиб бўладими?

Комилжон ака қаерга тўйга ёки концертга келсалар, мен бориб, ҳузурланиб томоша қилардим. Ҳатто бетоб ётган одамлар ҳам соғайиб, ўзининг бетоблигини унутарди. У киши куйлаганда жимлик, тартиб ҳукмрон бўларди.

Мен 1975 йил 5 ноябрда, у киши дунёдан ўтганларини эшитиб, жуда қаттиқ хафа бўлдим. Энг яқин кишимдан аж-

ралгандай бўлиб, бир неча кун ўзимга кела олмадим. У кишининг ишларини, санъатини шогирдлари албатта давом қилдириб Комилжон Отаниёзовни руҳини шод қиладилар. Ётган жойлари ёруғ, сўнглари обод бўлсин!

Хазорасп тумани



**Қурвондурди полвон**  
**ОТАЖОНОВ,**  
*меҳнат фахрийси*

### АДОЛАТ ТАРАФ ҲОФИЗ

1947 йил мен 16 ёшдаман, гавдали узун бўйли йигитман, отам ўрнига Байрам қалъа қазувига бордим. Менинг меҳнатимни кўрган Собир мироб Сапаров ўзига ёрдамчи мироб қилиб ишга олдилар. Бир куни Собир ака хурсанд бўлиб: “Бугун кечга яқин Комилжон Отаниёзов труппаси билан концерт беради”, дедилар.

Шундай қилиб, концерт вақти бўлишини интизор бўлиб кутдик. Мен Комилжон Отаниёзов номини эшитганман, лекин ўзларини кўрмаган эдим. Ниҳоят, кеч тушиб, Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупова, Султонпошша Раҳимовалар, доирада Санъат Девонов, Қуромбой акалар келиб, кечаси алламаҳалгача концерт беришди.

Собир мироб Комилжон Отаниёзов билан яхши таниш, дўст эканлар, мени ҳам шогирдим деб таништирдилар. Яна полвон, кураш ҳам тушади, дедилар. Шундан кейин тўйларда мени кўриб қолсалар, менинг ёшлигимни эътиборга олиб, ёши катта, гавдали полвонни менга тўғирласалар, Комилжон ака ҳакамлик қилиб, адолатли кураш бўлишини назорат

қилардилар. Жуда кўп тўйларда бирга бўлдик, у киши даврадаги одамларни кўпчилигини танир, ҳазиломуз сўзлар билан халқни хурсанд қилар, айрим ҳолларда тўйда ашулага қулоқ солмай ўтирганларга атаб ҳазил ашуласи билан тартибга солар эдилар.

1960 йили Хонқа тумани, Олажа қишлоғида Матти полвоннинг ўғлини суннат (ақиқа) тўйи бўлаётган эди. Тўйда даврада ўтирган Бобохон полвон (Алпомиш) лақабли, Раззоқ Махсум, Рўздат Сўпиев, Урганчдан Ёқуб нонбой – тўрт нафари ашулага қулоқ солмай, афтидан маст бўлишса керак, кулишиб ўтирдилар. Комилжон Отаниёзов учинчи марта айланиб улар тўғрисига келиб, Девоний ғазалидан, “Аҳли мажлис тингласа, қайси ғазалхон истамас” деган жойини айтиб, “Давр сендан кетар даврон топилмас, “Алпомиш” сенга бундай тўй энди топилмас” деб, ҳазил қилганлари эсимда.

Тўй тугагач, тўй эгаси – Матти Полвонни даврага чақириб: “Мана сиз ҳам биз санъаткорларга ўхшаб халқ хизматидаги полвонсиз, шу тўй қилаётган фарзандингиз мард, жасур полвон йигит бўлсин!” деб, тўйдан тушган ҳамма пулларни совға қилдилар ва қора рангли “Волга” машинасига ўтириб, кетиб қолдилар.

1973 йили устозим Сапаров Собир мироб ўғли Ҳасанбойни уйлантирди. Тўйга Комилжон Отаниёзов келдилар, жуда яхши томоша бўлди. Тўй охирида Комилжон ака Собир миробни чақириб, тушган пулларнинг ҳаммасини тўёна қилиб кетдилар.

Бундай бағрикенг, улуг, халқ манфаатини ўйлайдиган, саховатпеша, ташкилотчи, одамшаванда, халқ юрагидан жой олган инсонни мен 90 йиллик умримда кўрмадим, эшитмадим, илоҳим ётган жойи ёруғ, хотираси абадий яшасин. Мен сўзларимни сидқидилдан, юракдан, йиғлаб ёзаяпман. Устозим: “Агар сени йўқлигингда лоақал бир инсон шу яхши одам эди, деса, у дунёнг ҳам бу дунёнинг ҳам фаровон ва абадийдир” деб, айтар эдилар.

Боғот тумани

**Шавкат СОТИМОВ,**  
фермер

### САХОВАТПЕША УСТОЗ

1962 йилнинг қиши, оби-ҳаво жуда совуқ. Боғот, Бўзариққа, Раззоқ Махсум деган полвоннинг ўғлини тўйига Комилжон Отаниёзов келармиш деган катта шов-шувни эшитиб, бобом Сотим Яхшимуродов, отам Ибодулла Сотимов ва мен тўйга бордик. Тўй бошланди, анча полвонлар ҳам бор эди. Комилжон Отаниёзов давра айланиб, бизнинг тўғримизга келганда бобомнинг исмини айтиб, Сотим ака деб, сўрашиб ўтдилар. Тўй тугагандан сўнг тўй эгаси полвон Раззоқ Махсумни чақириб, тўйдан тушган пулларни бир халтага солдилар, халта тўлди, тўй эгасига ҳадя қилиб фотиҳасини олиб тўғри бобом олдиларига келиб анча суҳбат қилиб хайрлашиб кетдилар.

Бобом уйга келганларидан сўнг Комилжон Отаниёзов билан қачон, қаерда, қандай танишганларини сўзлаб бердилар. 1948 йили ҳозирги Дарғанота туманига, темир йўл қурилишига Наймандан колхозчи одамларини қурилишга олиб борган ва шу ерда раҳбарлик қилган. Ҳар 10 – 15 кунда Комилжон Отаниёзов труппаси билан концерт қўйиб берар эканлар ва ночор одамларга этик, телпак (чўгирма) кейин озиқ-овқат олиб келарканлар. Халқ у кишини ўзининг энг яқин қадрдони ва санъаткори сифатида яхши кўриб қолган. Темир йўл қурулиши 1952 йилнинг охирида тугаган. Қурилиш тугагунга қадар Комилжон Отаниёзов ўзининг труппаси билан келиб концерт бериб, бобом билан қадрдон бўлиб қолган. Шундай қилиб, уларнинг 1948 йилдан бошланган қадрдонлиги устоз умрининг охиригача узилмаган. Бобом 2005 йил охирида дунёдан ўтдилар. Ҳар йили Комилжон Отаниёзов ётган қадамжони бобом билан бирга бориб зиёрат қилардик.

Устознинг охирати обод бўлсин, хотираси абадий яшасин. Комилжон Отаниёзовнинг меҳнатларини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти “Буюк хизматлари ордени” билан тақдирлаши жуда олийжаноб иш бўлди, ташаккур. Инсон меҳнатини бу қадар юксак эъзозланишини сўз билан таърифлай олмайман.

Боғот тумани



Суҳбат АБДУЛЛА

### КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВНИНГ АФСОНАЛАРИ

Кўплар уни «кўшиқ яратади» дер эдилар. Йўқ, у кўшиқни кашф этар эди! Ҳар бир инсон ненидир яратар, аммо кашфиёт бутунлай бошқа олам! Унинг кашф этган кўшиқлари эса рангин туйғуларга бой, заргар яратгандай нафис ва бетакрор эди. Ўзи табиатдан яралиб, яна шу яратувчига кашфиётлари билан сайқал бериб кетди. У замондошлари назарида, ҲАЁТ деб аталган юксак синоатнинг бутун жозибасини санъат тилига кўчира олди.

#### Биринчи афсона

«Кўпинча шогирдларим мендан «Яхши овоз қандай бўлади, овозни қандай қилиб яхши қилиб ёқимли қилиш мумкин?» деб сўрайдилар, – деган эди бир куни Комилжон ака. – Овоз ҳар кимда табиий бўладиган жавоҳиротдир. Уни қиёмига етказиш учун сайқаллаш зарур. Ана шу табиий овозда файз бўлмоғи лозим... – Сўнг хиёл кулимсираган кўйи сўзида давом этди. – Қадим замонда дутор чалса,



дастасига булбулни ром қилиб қўндира оладиган бир уста санъаткор – чолғувчи ва унинг шогирди бўлган экан. Кунлардан бир кун устоз шогирдини синамоқчи бўлибди: «Эй ўғлим, бугун бир ош қилсак, не деюрсан?» – деб уста шогирдига синовчан тикилибди. Шогирд суюниб: «Айни муддао бўларди!» дебди. Устоз шогирдига пул чиқариб берибди-да: «Ол, болам, бозорга бориб, гўшт, гуруч, ёғ, сабзи-пиёз, улбул харид қилиб кел», деб буюрибди. Ноқобил шогирд эса: «Эй устоз, менинг бу ишларга уқувим йўқ, ўзингиз...» дебди. Устози индамабдию бозорга бориб, барча харажатларни ўзи қилибди. Қайтгач, шогирдига «Қозонга олов ёқ...» деса, шогирд яна уқувсизлигини, билмаслигини баҳона қилибди. Ноқобил шогирд шу тахлит устози нима буюрса «билмайман» деб без бўлиб тураверибди. Шўрлик устоз барча юмушларни ўзи бажарибди. Ниҳоят ош тайёр бўлиб, дастурхонга тортилгач, устоз шогирдига: «Ҳа, қани, ошдан ол», дебди. Шогирд: «Энди, уста, шунча айтганингизни қилмадим, майли шу айтганингизни бажарай», деб ошдан катта-катта олаверибди. Ниҳоят, ош тановул этилиб, фотиҳага гал келганида шогирд: «Уста, менга бир фотиҳа берсангиз, зора мен ҳам сиздек ардоқли санъаткор бўлсам», дебди. Устози унга бир зум маъноли тикилиб турибди-да, юзига фотиҳа тортибди: «Илоё менингдек санъаткор бўлгайсан, аммо санъатингда файз бўлмасин!..» Ой-йиллар ўтиб шогирд ҳам маҳоратли санъаткор бўлиб етишибди. Бироқ унинг маҳоратию санъати ҳеч қаерда қадр топмабди. Моҳир чолғувчи экан-у, аммо ҳеч ким унинг санъатини писанд этавермабди. Давраларда биров унга тўрдан жой кўрсатмас, пойгакда ўлтирар экан. Пировардида хору зор бўлиб ўлиб кетибди...

Ана шунақа, овознинг ҳам, сознинг ҳам ўзига яраша файзи бўлади. Санъаткорнинг халқ ичидаги шон-шухрати овозининг файзига боғлиқ!»

Урганчда Шовот ёпнинг ёнида Комилжон аканинг уйи бор. Бу уйнинг ҳар бир ғиштига унинг ўктам ва латиф овози

сингиб кетган. Бу хонада Комилжон аканинг ширали овози янграб тургувси эди. Энди бу хона ғариб... Деворга осилган булбул тор ҳам ғариб...

Комилжон аканинг рафиқалари Имсиной опа олдимга альбомлар, фотосуратлар, йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган газета ва журналларни қўяди. Альбомлардан бирини олиб очаман... Мафтункор Ҳиндистон... Мана Индира Ганди, Комилжон ака, Жавоҳирлаъл Нерунинг биргаликда ёнма-ён тушган расми. Иккинчи суратда Жавоҳирлаъл Неру Комилжон ака билан дўстона суҳбатлашмоқда. Мана бу эса машҳур ҳинд актёри, режиссёр ва продюсери Раж Капур... Мана каттакон гулчамбар таққан Комилжон ака Капурлар оиласи даврасида... Қанчалар самимий бўлган экан-а, бу учрашувлар. Комилжон ака икки маротаба Жавоҳирлаъл Нерунинг шахсий суҳбатига машарраф бўлади.

У ҳинд халқининг хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолди. Санъатсевар ҳинд халқи Комилжон аканинг етук санъатидан кўп бора завқ ва илҳом олганлиги ҳақ!

1980 йил. Марказий телевидениеда машҳур ҳинд рассоми, жамоат ва маданият арбоби Амина Бинту билан учрашув ўтказилмоқда. Суҳбат маданий ҳаётнинг турли-туман соҳалари бўйича борарди. Гап санъаткор, унинг овози қандай бўлиши лозим, деган масалага келиб тўхтади. Диктор: «Сиз қандай овозни ёқимли деб ҳисоблайсиз? Ўзингиз ёқимли деб ҳисоблаган овоз соҳиби ким?!» дея савол берди. Амина Бинту: «Овоз аввало ёқимли бўлмоғи даркор... овозда ҳиссиёт ва туйғу бўлиши лозим, овоз тўлақонли, яъни қулоқни тўлдириб туриши керак... Мен дунёда ( у «дунёда» деб алоҳида таъкидлади) бир санъаткорнинг борлигини биламан, у сизларнинг Комилжон Отаниёзовингиздир. Унинг овози барча даврлар ва замонлар ичидаги энг ноёб овоздир! Агар изн этсангиз, мен у куйлаган қўшиқдан бир-икки мисрасини ижро этаман... – Сўнг дикторга қараб, деди: – Агар сўзини билсангиз, сиз ҳам қўшилиб куйлашингиз мумкин».

Амина Бинту ўрнидан туриб куйлай бошлади:

Кувончимсан, ўзинг бахтим,  
Салом сенга Хоразмдан.

Хитой, Бирма, Цейлон, Туркия, Эрон, Афғонистон... Бутун Шарқ Комилжон акани таниди. Санъатига қойил қолди ва тан берди.

Комилжон ака Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ҳазрати Али масжиди жомеъ саҳнида қўшиқ куйлаганида йигирма минг одам йиғилган эди. Концерт тугагач, Ҳазрати Али масжиди бош муаззини бошчилигида махсус ҳайъат тузилиб, Комилжон ака ёнига келадилар ва ундан оғзини очиб томоғи ва ҳалқумини кўрсатишини илтимос қиладилар... Ғайриоддий бу таклифдан Комилжон ака дастлаб ҳайратга тушади, кейинроқ эса бу талабнинг мақсади ойдинлашади. Маълум бўлишича, қўшиқ тинглаганлар «бу янглиғ одам – бандага насиб ўлмас, балки томоғида бирорта мослама бордир», деган фикрга келган эканлар. Комилжон ака ним табассум билан уларнинг таклифига рози бўлади ва ҳайъат аъзолари машҳур санъаткор томоғида «ҳеч қандай мослама йўқлигини» эътироф этади. Аслида, турк тингловчиларини ҳайратга солган нарса Комилжон ака овозидаги бемисл қудрат бўлган экан. Узунасига бир неча чақиримга чўзилган йигирма минг номозхон тиз чўкиб, саждалик ҳолатига сомеъ бўлиб ўлтирар экан, ҳеч қандай овоз кучайтиргичлари бўлмаган саҳнадан туриб куйланган қўшиқ барча тингловчиларга бутун мазмундорлиги ва шираторлигини сақлаган ҳолда етиб бориши мўъжизавий эди-да.

Эртаси кун Туркия газеталарида «Ўзбек диёриннан галган нағма ва ошиқ (қўшиқ) пири» ҳақида шов-шувга тўла мақолалар пайдо бўлади.

Хитойнинг Манжур вилоятида салкам эллик даража совуқда қўшиқ куйлаганида ҳам овозининг тархи бузилмаган бу мўъжизавий санъат соҳибининг хорижда шуҳрати зўр эди.

## Иккинчи афсона

«Шаҳзода Жалолиддин оғир қайгудан эзилган гавдасини адл кўтариб, ёш тўла кўзлари билан йиғилганларга назар солди. Унинг ўтли нигоҳидан даҳшатга тушган аёнлар ва лашкарлар орқага тисарилдилар...

Жалолиддин хиёл эгилиб, тиззасига ёпишган қумларни қоқди, қирғоққа кўпиклиниб урилаётган мовий тўлқинларга бир зум сассиз тикилиб турди, сўнг бўғиқ овоз билан деди:

– Бу одам ўз шавкатли қўшиғи билан нафақат Чингизхонни, билъакс, бутун дунёни забт этишга қодир эди. Аммо, ҳозир боши узра қўнган қузғунни қувгали ҳам ҳоли-мадори йўқ... Ё фалак! – Унинг бўғзидан ўтли бир нидо отилиб чиқди. Йиғилганлар овоз чиқармасдан йиғлар эдилар.

Жалолиддин бир неча қадам босди. У қайноқ кўзёшларини тўкканча, қиличини қинидан чиқарди. Қаршисига пешвоз чиққан Темур Маликка бир қараб қўйди-да қиличини икки букиб синдирди. Бунни кўрган аҳли оломон оҳу нола кўтариб фарёд урдилар. Жалолиддин қилич дастасини сўл томон, тигини ўнг томондаги қумга кўмиб, Темур Маликка деди:

– Машшоқларни чорлангиз !

Жалолиддин ўз қўшини билан бирга олиб юргувчи, чанг, уд, барбад, даф, арғанун ва ногора кўтарган, оғир изтиробда эзилган машшоқлар бир-бир босиб шаҳзодага яқинлашдилар. У эса бошини хиёл эгиб, жонсиз ётган Хоразмшоҳ Муҳаммад тарафга тикилиб турар, марҳумнинг бошида ўтириб, пичирлаб дуо ўқиётган Қозикалондан нигоҳини узмас эди. Ниҳоят, кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни куч билан тўхтатди-да, машшоқларга амр этди:

– Сизким бир куйни ижод қилингиз... Ул куй «Соҳили Султон» дея аталсун! Бу куй Хоразмшоҳ Муҳаммад салтанати етиб келган ул забун соҳили ҳақида, султоннинг рихлат топғон кимсасиз соҳили, ул буюк Хоразм инқирози соҳили ҳақида бўлсинким, то абад бу куй чалинса, Ватанини отаси-

дан ҳам азиз деб севгувчи, тариқати Кубравиянинг фидойи бир ўғлонининг синган қиличининг саси келгай...

У жонсиз, кафансиз, жанозасиз ётган Хоразмшоҳ тарафига бир қараб қўйди.

– Ул куй «Соҳили Султон» аталсун! – деб яна бир қара амрона оҳангда таъкидлади-да, индамай чордона қуриб ўтириб олди. Машшоқлар оғир бир куйни чала бошлади-лар...»

Чиндан ҳам бу куйни илк бора эшитган кимса ҳайрат-ҳаяжонга тушмасдан иложи йўқ. Куй сокин ва ҳазин бошланади. Аста-секин авжига чиқиб, сўнг бирдан пасая бошлайди, пировардида тингловчини қандайдир мубҳам ҳисларга ошно этади...

Камина бундай кайфиятга кўп бора тушганман. Бу ҳақда Комилжон акага гапирганимда, у юқоридаги афсонани айтиб берди. Ўз элининг тарихини Комилжон акадай теран биладиган одам кам топилса керак. Айниқса, эски ўзбек имло-сини яхши билишлиги, қадимий қўлёзма асарларни топиб мутолаа қилишлиги ҳали кўпчилик билмаган маълумотларни ўзлаштириш имконини берарди. У айниқса классик адабиётимизни яхши биларди. Шеърят назарияси билан жуда яхши таниш эди. Комилжон ака машҳур классик шоирларимизнинг тазкираларини асл нусхада мутолаа қилар, форс, туркман, озарбайжон тилини мукамал билар эди.

Туркменистон Фанлар академиясида Махтумқули ижодий меросини ўрганиш бўйича кенг қўламли илмий ишлар бошланганида, туркменистонлик олимлар ундан жуда катта ёрдам ва мадад олганликларини ҳали-ҳануз гапириб юрадилар. Чунки у Махтумқули девонини бошдан-оёқ ёд билган, шоирнинг қарашлари ва фалсафий олами ҳақида мукамал тушунчага эга эди.

Фанда сўфизм назарияси деб ном олган ва ислом ортодоксал схолостикасига қарши оппозицион кайфиятда кечган тасаввуф ҳаракати қонун-қоидаларини, чалкаш масалала-

ри ва мақсад-вазифаларини кенг шарҳлай оларди. Тасаввуф тўғрисида машҳур олимлар Е. Бертельс ва С. Толстовлар билан муҳобаса қилишиб, айрим мунозарали масалаларда яқдилликка келишганлари ҳақида сўзлагувчи эди.

У ҳазрат Навоийни яхши тушунар, севар эди. Рухига Машрабни жуда яқин кўрарди. Машраб ғазалларини машрабона жўшиб куйларди. Бир куни «Аросина» радибли ғазалини шарҳлаётиб, бундай деган эди:

– Машраб ёр васлига етишган лавҳани шундай қойилмақом таърифлаганки, ҳеч бир шоирда бу янглиғ ўхшатишни кўрмадим. Чунончи унинг: «Зарраи қачон сиғар, билинг, васли санам аросина» деган сатри бор. Санам васлига етганинда орага ҳатто атом (зарра) ҳам сиғмайди, дегани бу!

### Учинчи афсона

«Лазги» – хоразмнинг энг қадимий куйидир. Хоразмда бу куйдан қадимийроқ куй йўқдир. Бу куйни на эронийлар, на юнонийлар, на араблар йўқота олдилар. Фақат улар бу куйнинг қўшигини йўқотдилар, куй эса мангуликка дахлдор бўлиб қолаверди.

Хоразм «Лазги»сини ҳозирги даражага кўтаришда Комилжон аканинг беқиёс хизмати бор.

Дарвоқе, Жалолиддин Мангуберди бошлиқ Хоразм лашкарлари Озарбайжонни истило қилганларида, ғалаба шарафига «Лазги» куйи чалинган экан. Ерли аҳоли «Келгиндилар кимлар экан?» дея бир-бирларидан сўраганларида: «Аллақандай лазгинлар келишибди!» дея, жавоб берган эканлар. («Лазгин» сўзининг этимологияси «лазги»дан олинган деган қарашларда дарҳақиқат, жон бор.)

«Лазги» кўшиқ матни йўқолгани учун асрлар давомида фақат куй сифатида ижро этиб келинган. Хоразмда тўққиз хил «лазги» бўлган экан: сурнай, буламон, қайроқ «лазги»си, «масхарабоз лазги»си ва ҳоказо... Шу «Лазги»лар оҳангларини

умумлаштириб, унга мос сўз боғлаб куйлаб илк бора Комилжон акага насиб этди. У устози Мадрахим Ёкубов-Шерозий кўмагида «Лазги» куйига Комил Хоразмий мухаммаси билан кўшиқ тайёрлади ва беқиёс ижро этди. «Лазги» куйи шу тариқа кўшиққа айланиб, ажойиб маънавий мулкимиз бўлиб қолди.

Комилжон ака билан бўлган мулоқотларимиздан бирида «Лазги» ҳақида гап очдим. Муסיқанинг инсонга эстетик таъсири, шавқ-завқи ҳақида одатдаги гаплардан гапириб, сўзимни чўзиб юбордим.

– «Лазги» – илоҳий, муқаддас куй, – деди у гапимни бўлиб. – Мен унга дастлаб сўз боғлаб айтганим ҳам рост. Худди шунинг учун ўзимни даҳрийдек сезаман... – У кўзимга маъюс тикилди. – Йўқ, мени мутаассиб деб ўйлама. Менинг худойим – табиатдир! Нечунким «Лазги» – инсоннинг яратилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги куйдир! Шундай афсона бор: инсон танаси ва жони дастлаб алоҳида-алоҳида экан. Жонга «Жасадга кир!» дедилар. Жон жасадга кирмади. «Нечун жасадга кирмайсан?» деб сўрадилар. У «Кўрқаман» деб жавоб айтди. Шунда ғойибдан бўлдими, «Лазги» куйи чалинибди. Куйга мафтун бўлган жон жасадга кирганини ўзи ҳам сезмасдан қолибди... Ўзинг биласан, – дея сўзида давом этди машҳур санъаткор, – куй бошида «рез» билан чалинадиган «пауза» мавжуд. Раққоса ана шу «рез» монанд қўлларини ҳавода муаллақ силкитиб туради. Ва куй бир нафасга тўхтайтиди. Қўллар ҳам муаллақ қотиб қолади. Соз бир нола беради. Қўллар бир титраб тушади. Яна бир нола... яна бир титраш. Яна бир марта... уч карра нола... Ниҳоят жўшқин куй бошланади. Аста-секин бармоқларга жон югуради. Бармоқлардан ҳаракат панжаларга, кейин билакларга, кейин сийнага ўтади. Жасад «тирилади». «Лазги»нинг жонбахш, ҳузурбахшлигининг сири ҳам ана шунда. Ўтмиш устозларим бу куйни илоҳий деб синаб, унга сўз бойлашга журъат эта олмаганлар. Мен эса, – дея ғамгин жилмайди у, – шаккоклик қилдим: «Лазги»га сўз бойлаб ижро қилдим.

Буюк яратувчидан яралиб, унга сайқал бериш бахтига ноил бўлган одамнинг кўрқуви ҳам бежиз эмас. Чунки унинг ёмон сайқал беришга, мукамал тилсимотни ёмон мавҳумотга айлантиришга ҳаққи йўқ. «Лазги» ҳам шундай мукамал тилсимотлардан бири эдики, кўшиқнинг қандай яратлиши Комилжон Отаниёзов учун тақдир эди. Муваффақият ёки мағлубият. Ё у ёқлик бўласан, ёки бу ёқлик...

– «Лазги»ни ижро қиладиган раққосаларга эътирозим бор. Бу куйга рақс бир жойда, кўзгалмасдан ижро этилади. Бир жойда бир минг юз хил усул билан ижро этилиши керак. Умуман, рақселардаги пала-партишликни, бекорга елиб-югуришларни Хоразм санъати кўтармайди. Биздаги энг энгил ва шўх муסיқаларга ҳам раққосаларимиз вазмин рақс тушганлар. Худди шундай – бир жойда туриб рақс ижро қилишни ҳинд раққосаларида учратган эдим. Улар ҳар бир ҳаракатни бир жойда туриб, мутаносиб ва сокин бажаришга ҳаракат қиладилар.

Санъат ҳақидаги Комилжон аканинг кўплаб фикрларини ёзиб олмаганимдан ўкинаман. Афсус, қаршимиздаги одам бир куни келиб тарих бўлиб қолишини гоҳо пайқаймаймиз!

### Тўртинчи афсона

Мен ўша кампирнинг ҳолатини кўз олдимга келтиришга уринар эканман, буниг уддасидан чиқа олмаслигимни сезиб турардим. Ўша дамда қандай аҳволга тушган экан у?! Қани энди рассом бўлсаму унинг ҳолатини рангларда тасвирласам...

Кампирнинг ягона илинжи бемаҳал бу дунёдан кетган ўғлининг васиятини бажариш эди, холос. У раис ва бригадирни холи топиб, уларга маслаҳат солди: «Болаларим, раҳматли ўғлим, Комилжон деган артист йигит бор, ўшани тўйга олиб келсанглар, гўримда тинч ётар эдим, дея васият қилган эди», – дея кўзларида ёш билан раис ва бригадирга илтижо билан боқди.

– Неварамнинг тўйига Комилжонни олдириб берсангизлар...» Раис билан бригадир ўзаро кўз уриштириб олишди. Орага жимлик чўкди. Онаизор улардан жавоб кутар, раис билан бригадир ҳадеганда жавоб беравермас эдилар. Ниҳоят, раис бир йўталиб олиб, гап бошлади: «Энди, она, гап бундай... Ўзингиз яхши биласиз... нима десам экан... Комилжон унча-мунчага тўйга келмайди. Ҳалиги... нимайди...» Раиснинг сўзини бригадир кучлаб тушди: «Тўғри, раис бува. У сизнинг тўйингизга келармиди. У, ахир Комилжон...» Эсанкираб қолган кампир раиснинг хонасидан бир алпозда чиқиб кетди. Орқадан бригадирнинг истехзоли «нотавон кўнгилга қўтир жамошов» деганини эшитиб, аъзойи баданига титроқ тушди, йиқилиб қолишига сал қолди. «Бораман, ўзининг ёнига бораман!»

...Дарвоза ёнида бош эгиб турган кампирнинг хаёллари алағда эди. Дарвоза очилиб, қорачадан келган, келишган бир йигит чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Онаизор йигитга дарду ҳасратини тўкиб солди.

– Мен Комилжоннинг ўз оғзидан эшитмоқчи бўлиб келдим. Майли, болам, унинг ўзи менга айта қолсин... Тўғри, мен сал камҳаржроқман. Аммо-лекин фарзандларимга ҳаром пулнинг нонини едирганим йўқ... – Онаизор жимиб қолди.

– Она, юринг, менга уйингизни кўрсатинг. – Йигит шундай дея йўлга отланди. Урганчдан то Хивага етгунга қадар кампир мубҳам ҳислар оғушида келди. Кейинги воқеалар кампир кўз ўнгида ғоят тез бўлиб ўтгандай бўлди. Айниқса, у Комилжоннинг бригадирга айтган сўзларидан ғоят таъсирланди. «Эй, сен, – деган эди Комилжон, – эҳтимол мен сенинг тўйингга келмасман. Лекин бу онаизор... Одам ажратишни сенга чиқарган, мен бўлсам, мана шундай табаррук инсонларга хизмат қилиб ўрганганман. Зеро, санъаткорлик матлаби шундан иборат! Шундай фаровон замонамизда сен нималарга ташвиқот қилаётганингни биласанми?»

Комилжон ака онаизор тўйига кетган барча ҳаражатни ўз

гарданига олди. Яна тўйда беминнат хизмат қилиб берди. Ҳа, ҳа, мен кампирнинг айнан ўша ҳолатини сира кўз олдимга келтира олмайман...

### Сўнги афсона

Комилжон ака ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Имкон даражасида мен бу ёзилганларни ўқиб бораман. Улар бадий жиҳатдан ҳар хил – юксак савиядагилари ҳам, ўртамиёналари ҳам бор. Бироқ, уларнинг барчаси бир хил қолипдан чиққанга ўхшайди. Гўё Комилжон ака талант бўлиб дунёга келгану қаршисида барча эшиклар «ланг» очилиб, санъат қасрининг улкан шоҳсупасига тўғридан-тўғри, ҳеч бир машаққатсиз, қийинчиликсиз чиқиб олгандек тасвирланади. Бу бадиаларда унинг умри гўё худди саҳифаларда тасвирланаётгандай силлиққина кечган. У ҳеч ҳам ҳаёт ташвишлари ва машаққатларини бошидан кечирмагандай. Агар шундай бўлганида Комилжон ака 58 ёшида ҳаётдан кўз юммаган бўлар эди. Агар шундай бўлганида, ижодининг айни гуллаган пайти, ўнг қўли ва ўнг оёғи фалаж бўлиб қолмаган бўлар эди. Агар шундай бўлганида, у ҳали ҳам биз билан бирга умр кечириб, мўъжизалар яратган бўлар эди.

Таъқиблар, игво, ҳасад, хўрлаш ва камситишлар Комилжон акани ҳам четлаб ўтган эмас. Шердай бўлиб, шер кучини санъатдаги яратувчиликка эмас, таъқиб, игво, ичи қоралик, ёвузликнинг атрибутлари билан курашга сарфлашга мажбур бўлди. Вақтини-ю, асабини тухмат ва бухтонларга қарши кураш учун сарфлашга мажбур бўлди.

Комилжон ака оғир дардга чалинишидан сал олдинроқ, у ҳақида ярим соатлик фильм-концерт суратга олинган эди. Фильм режиссёри Т. Акрамов шундай ҳикоя қилади:

– Мен «Комилжон Отаниёзов куйлайди» фильмини ҳозирги даражасидан ҳам бир неча баробар аълороқ қилиб суратга олишим мумкин эди. Бироқ мен бу фильмни шо-

шиб тамом қилдим. Чунки, шундай қилмасам фильм чала қолишига кўзим етган эди... Съёмка бошланибдики, Комилжон ака ўз-ўзидан тез-тез асабийлашадиган одат чиқарди. Уни аввалдан таниганим учун бундай одати йўқлигини яхши билардим. Аста-секин нега бундай бўлаётганининг сабаби ҳам аён бўла борди. Комилжон ака қандли диабет касалига чалинган, қон босими ҳам бор эди. Яна, ўн йиллар олдин операция қилиниб, ўт халтачаси ҳам олиб ташланган эди. Қандли диабет касаллиги билан қон босими бир келса, одам қачондир инсулт бўлиши, миясига қон қўйилиб, шол бўлиб қолиши медицинадаги қонуният эканлиги менга ҳам аён эди. Бу бераҳм дарднинг дастлабки белгилари асабийлашиш билан бошланишини билганим учун Комилжон акани иложига борича асабийлаштирмасликка ҳаракат қилдик... Фильм бошланишида шундай манзара бор: камера, бино гумбазига «саёҳат» қилиб, аста-секин умумий планга ўтади. Кадрда улкан гумбаз, қадимий кошин нақшлари намоён бўлади. Хивада бўлган ҳар бир сайёҳ бу Паҳлавон Маҳмуд мақбараси эканини таниб олади. Кейин Комилжон ака ва устози намоён бўлади ва «Хоразм сегоҳи» қўшиғи ижроси бошланади... Киночилар тилида импровизация деб аталадиган бу усул туфайли, Комилжон ака гўё мақбара ичида қўшиқ айтаётгандай бўлиб гавдаланади. Бу албатта, кинонинг ўзига хос имкониятидир... Фильм жуда катта шуҳрат қозонди. Комилжон акадан ягона ёдгорлик бўлиб, санъатимиз олтин фондидан жой олди. Фильмни ниҳояладиму сал ўтгач машъум дард Комилжон акани йиқитгани ҳақидаги совуқ хабарни эшитдим. Машъум қонуният амалга ошган, Ўзбекистон булбули шол бўлиб қолган эди. Комилжон ака дард билан олишиб ётар экан, эл орасида мудҳиш бир иғво тарқалди: эмишки, Комилжон ака Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида ашула айтгани учун авлиё ғазабига учраб, шол бўлиб қолган эмиш... Бу миш-мишни тарқатган кимлар, денг ? Тўй-ҳашамларда Комилжон акадан инъом олиб юргувчи чала муллалар! Улар шу

тарзда Комилжон аканинг шуҳратидан ўзларининг ғаразли ниятларида фойдаланиб қолишга уриндилар. Ваҳоланки, диёнат ва иймон нималигини Комилжон ака яхши тушунар эди. То машъум дард оёғидан олгунича, Шовот туманидаги қабристон ободонлиги учун қанчадан-қанча маблағ сарфлаган, Бўйрачи қишлоғида ўз маблағи ҳисобига ўрта мактаб қурдирган, Урганч шаҳрида ўз даромадидан болалар боғчаси қурдириб берган инсоннинг бу ишлари наҳотки савобга арзимаса?!

Хайриятки, у санъатга қайтди. Бироқ ўнг қўли ва ўнг оёғи яхши ишламай қолди.

Комилжон ака ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган. Эҳтимол, менинг ёзганларим улар даражасида бўлмас... Мен афсоналар ҳақида ёзмоқдаман. Афсона – афсона-да, у ВАҚТ уйининг қайсидир бурчакларида қолиб кетар ҳам... Бироқ, бу сўнгги афсонани юрагимда чидаб бўлмас бир дард, оғриқ билан ёзмоқдаман.

...Бир куни Комилжон ака, Тошкентдаги уйида айвончада чой ичиб ўтирганимизда (доирачи Отаназар ака Обдолниёзов ҳам бор эди), гапдан гап чиқиб бундай деган эди:

– Мен кетсам, билмадим қаерга қўйишар экан?.. Урганчгами ёки Тошкентга? Аммо мен отам ёнига кетаман, отам ёнида ётаман... мени отам ёнига дафн этасизлар!

Орадан бир ярим йил ўтиб... қазои муаллақ содир бўлди. Ўша куни тушдан кейин қор ёға бошлади. Келиб кетувчиларнинг охири йўқдек... Ҳеч кимнинг бунга ишонгиси келмайди.

Кичрайиб, боладек бўлиб қолган ул улуг зотни тонги соат учларда тобутга жойладик. Икки соатдан кейин Хоразмга учамиз. Устоз васиятини бажаришимиз – уни отаси ёнига ерга топширишимиз, охирги тилагини ўринлатишимиз даркор.

...Урганч аэропорти бунёд бўлиб бу тахлит кўп одамни кўрган эмасдир. Одамлар қўниш майдончасига қараб югурадилар ва ҳозиргина тўхтаган Ил – 18 самолётини ўраб олиб, ненидир илҳақ бўлиб кутгандай, мутеъ бўлиб турадилар.

Йиглайвериб қовоқлари шишиб кетган Имсиной опа трап-  
да пайдо бўлади. Пайдо бўлади-ю, йигилган халқни кўриб,  
овозлари титраганча: «Хоразмликлар, булбулгўёнгиздан ай-  
рилиб қолдингизлар, жудо бўлдингизлар», дея ўкириб юбо-  
ради. Йиғи-сиғи, доду фарёд бошланиб кетади... Халқ сурон  
солиб нола чекар, фарёд урар эди.

Ўша куни Амударё сувлари қирғоғидан бир тошиб чиқди-  
ёв...

Ўша куни Хива минораларининг бели бир букилиб олди-  
ёв...

Ўша куни гужумларнинг шохлари синди...

Ўша куни қушлар бир лаҳзалик тошга айланди...

Ўша куни Хоразмда етти яшардан етмиш яшаргача  
йиғлагани рост...

Комилжон ака отасининг ёнига дафн этишларини сўраган  
эди. Унинг истаги амалга ошди – уни отаси ёнига дафн этди-  
лар. Нега у шундай бўлишини истади?! «Отам» деганида, шу  
азиз тупроқни, кўлига соз, тилига овоз берган заминни на-  
зарда тутмадимикин? Киндик қони тўкилган шу тупроқдан  
бир садо чиқиб, юрагига ўт бўлиб боғланмаганмикан? Шу  
ўт қудратли муҳаббатга, муҳаббати эса санъатга айланиб,  
мўъжизалар яратмаганмикан?! Ёки ул зот юрагидаги ана шу  
ўт яна Шовотга келиб, мангу ором топганмикан?

Маили, бу ёғи энди менинг, сизнинг афсонангиз бўлиб  
қолсин. Афсоналар – одамнинг ўзидир!

Эй йўловчи! Шовотга келсанг, авайлаб қадам қўй! Бу за-  
минда бир ўт ётибди. Тугалланмаган бир қўшиқ ётибди. Ўтни  
топташ қадимдан гуноҳ саналган.

Комил Отаниёзовнинг қизаси  
43.00р. Тарғеймай Раб.  
Бен асарам област фарат ражон  
нинг боғида 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Сорбидан келасанда 1917 негил кам  
бағал дехқан ақлабдан туғилган  
ман. 1917 йилмиз сонги кимлариде  
отам ошб фалора аҳа ва арам бар  
9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Бар рабид 1917 йилдан тарим 1932 йил  
ака тарбияланган тарғеймай фарат ражон  
ака асарам олупи орта мактабиде  
кири олупам бу мактабни 1934 йил  
бўриб сизил 04 йилдан тарим 1935 йил  
нопабр ағога қадар фарат ражон  
ни туғилган 04 йилдан тарим 1935 йил  
1938 негилмиз ражоннинг ақлабдан  
ака фарат ражон кимлариде ражон  
нинг боғида 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Тарғеймай Рабид 1936 негил  
нинг арам ақлаб фарат ражон

Комил Отаниёзовнинг қизаси  
43.00р. Тарғеймай Раб.  
Бен асарам област фарат ражон  
нинг боғида 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Сорбидан келасанда 1917 негил кам  
бағал дехқан ақлабдан туғилган  
ман. 1917 йилмиз сонги кимлариде  
отам ошб фалора аҳа ва арам бар  
9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Бар рабид 1917 йилдан тарим 1932 йил  
ака тарбияланган тарғеймай фарат ражон  
ака асарам олупи орта мактабиде  
кири олупам бу мактабни 1934 йил  
бўриб сизил 04 йилдан тарим 1935 йил  
нопабр ағога қадар фарат ражон  
ни туғилган 04 йилдан тарим 1935 йил  
1938 негилмиз ражоннинг ақлабдан  
ака фарат ражон кимлариде ражон  
нинг боғида 9.00р. 9.00р. 9.00р. 9.00р.  
Тарғеймай Рабид 1936 негил  
нинг арам ақлаб фарат ражон

1/11 39.2.

**Отахон МАТЁҚУБОВ,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист*

## БУЮК САНЪАТКОР

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим! Буюк санъаткор, бетак-  
рор Хоразм қўшиқчилик санъатининг моҳир ижрочиси Ко-  
милжон Отаниёзов менинг устозим.

Мен устозни илк бор 1948 йил бошларида Илоли ту-  
манига, қариндошларимиз тўйига келганида кўрган эдим.  
Ўзим 5–6 ёшлигимдан мусиқа ва ашулаларга ихлос қўйиб,  
ўрганиб, баъзи тадбирларда қўшиқ айтар эдим. Лекин, яшаш  
жойимиз Туркманистон бўлганидан қайси йўнилишда ижод  
қилишимни билмасдим. Кўпчилик аҳолини ўзбеклар ташкил  
қилса ҳам ўзбек тилида на китоб, на газета, на журналлар  
топиб ўқиб бўлар эди. Аҳён-аҳёнда радиодан йигима-ўттиз  
дақиқа Тошкентдан куй ва қўшиқлар эшитиб турардик.  
Радиоприёмникни кўрмаганмиз, эшитмаганмиз

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, баъзан қўшни  
Қорақалпоғистон, Хоразмдан ашулачилар келишарди. Бир  
нечаларимиз йиғилиб, қишлоқларда бўлса ҳам, кўриб томо-  
ша қилар эдик. Ўшалардан бир оз бўлса-да ўрганардик. Ўзбек  
мактабларида ўзбек тилида туркманча ўқиган ўқитувчилар  
дарс берар эдилар.

Орадан вақт ўтиб, Комилжон устознинг санъатини кўриб  
ҳайратда қолганман. Шу сафари Комилжон ака меҳмон бўлиб  
турган уйга борганимда, уй эгаси мени устозга таништириб:  
“Мана шу йигит бизнинг Комилжонимиз” деб кўрсатди.

Устоз мени ёнига чорлаб:

– Қани, бирорта ашула айтиб бер – дея қўлимга торини  
тутқаздилар.

Сал ийманиб, тортиниб, билганимча торни чалиб, ашула  
айтдим.

Устознинг хушхоллик билан:  
– Баракалло, сендан яхши ашулачи чиқади – деганлари  
ҳалиям қулоғимда.

Тақдир тақозоси билан сал вақт ўтмай туманимизга  
Бола бахши устозни олиб келдилар. Тўйдан кейин иккала  
устознинг суҳбатига мушарраф бўлдим. Комилжон устоз:  
“Созандалик касби таги уммон. Мен ҳам ёшлигимда пода-  
чи эдим. Шунинг учун бирор одамни камситсанг ўзингни  
ўтмишингга бир назар сол. Ҳалиям Арши аълога чиққаним  
йўқ, қўшиқчиликнинг қирғоғида юрибмиз”, дея анча панд-  
насиҳатлар қилди.

1959 йил Москвада Ўзбек санъати ва адабиёти декада-  
сида Комилжон устоз “Хоразм ансамбли”ни бошқарган эди.  
Шу декадада Комилжон ака катта довруғ қозонди. Лекин тез  
орада хасталаниб, ўт қопчигини жарроҳлик йўли билан олиб  
ташлашди. Унинг устига қанд касаллигига гирифтор бўлди.  
Бироқ устознинг мустаҳкам иродаси янги қўшиқлар яратиш-  
га илҳомлантирди. У киши авж билан қўшиқ айтиб, дардни  
енгиб, машҳурлиги орта берди. Янги ашулалар, дostonлар  
айтиб, янги куйлар басталайверди.

Айниқса, устоз ижросида “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб ва  
Шоҳсанам” дostonлари халққа жуда манзур бўлди. Ҳам ай-  
тиш услубида, ҳам жарангдор овозда бу ва бошқа дostonлар-  
дан олиб куйланган қўшиқлар мусиқа хазинамизни бойитди  
десак, янглишмаймиз. Устозга уч республика – Ўзбекистон,  
Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти унвонлари бе-  
рилиши бежиз эмас. Алишер Навоий, Огаҳий, Махтумқили,  
Залилий, Муллонафас газалларини ўз оҳангларида ёқимли  
қилиб куйлаш ҳамма санъаткорларга ҳам насиб этавермайди.

Мен ҳам устозлар туфайли ўз ижод йўлимни топдим.  
Бола бахши 1956 йилда оқ йўл тилаб фотиҳа берди. 1963  
йилда Ўзбекистон халқ артистлари Ҳожихон Болтаев ҳамда  
Комилжон Отаниёзов ҳам созандалигимга оқ йўл тилаш-  
ган. Шу ўринда, шунини айтишни лозим кўраманки, Хо-



размда қўшиқчилик санъатида тўрт устун бор – Бола бахши, Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзов. Бу устозларнинг таърифини

Ҳозир менинг ёшим тўқсонга яқинлашиб қолди. Шу ўтаётган умримдан бениҳоя шодман. Чунки Бола бахшидек, Ҳожихон Болтаевдек, Комилжон Отаниёзовдек буюк санъаткорлар билан ёнма-ён ижод қилдим. “Баҳор” ансамблида Мукаррама Турғунбоевадек улкан талант соҳиби билан дунёни айланиб чиқдик, десам муболаға бўлмайди. Устозлар билан ишлаган йилларим беш мингдан зиёд концертларда қатнашдим. Шогирдлар етиштирдим. Ҳозир ҳам ёш шогирдларга мусиқа сир-асрорларидан таълим бериб келяпман. Бахшичилик мактабини ривожлантириш менинг энг муқаддас орзуимдир.

Илоҳим, ўтган устозлар жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин. Бу муборак юз йиллигини нишонланаётган устозимиз Комилжон Отаниёзовнинг номи абадул-абад халқ ёдидан ўчмагай, омин!



ОРЗУ<sup>1</sup>

МУВАШШАҲ

(Маишхур ҳофиз Комилжон Отаниёзовга)

Келса дўстим шод этар элни, тамошо айласа,  
Бедуд айлар халқни мажлисда гўё айласа.  
Олибон қўлга рубобин айласа созу наво,  
Бошда парвона булбул савтини аъло айласа.  
Марҳамат бобида элга гўё Хотами той келиб,  
Хони эҳсонин халойиқ узра пайдо айласа.  
Лоладек доим очилган қалбининг гулхонаси,  
Тортар эл кўнглин ўзига, сўзга оро айласа.  
Жумла эл созинг била овозинг муштоқидурлар,  
Тўйига элтиб тамошосин тамонно айласа.  
Олибон баҳра халойиқ шеърининг мазмунидин,  
Мавж урар илҳоми гар, қалби ошқоро айласа.  
Навбаҳор умрига ағёрдин ёмон кўз тегмасин,  
Орзу дер халқини кўп созига шайдо айласа.

ЧУСТИЙ

(1904–1983)

УСТОЗДАН АЙРИЛДИК<sup>2</sup>

Қазо бизларни қолдирди гаму афсусу армонда,  
Ажаб оташнафас хушхондан айрилдик бу давронда.  
Мусибат доғини кўрдик бу кун ҳар бир қадрдонда,

<sup>1</sup> Янгибой Курбонниёз ўғли – Орзу 1890 йилда Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида туғилиб, 1979 йилда Хоразм вилояти, Урганч туманининг Юқори Дўрман қишлоғида вафот этган. Хива мадрасаларида ўқиб таҳсил олган. “Сталин қатағони” қурбони бўлиб, тўрт йилга қамалган. Сўнг икки йил Сибирга – фронт орқасига жўнатишган. Вафотидан кейин “Оқсоқоллар каломи”, “Васлинг чамани”, “Ҳикматлар гулистони” номли китоблари нашр қилинган.

Орзунинг қатъияти ва жасорати туфайли Зайниддин Восифийга тегинли новб манба – “Бадоеъ ул-вақоъеъ” асарининг Огаҳий таржимаси бизгача етиб келган.

<sup>2</sup> Ушбу газал матбуотда илк марта эълон қилинмоқда

Рубоби деди йиглаб, якка қолдим зори ҳайронда,  
Бу мотам Қорақалпоқ, Туркману ҳам Ўзбекистонда.

Доригон муҳтарам ақли расо устоздан айрилдик,  
Бу қандай кучли қайғу бебаҳо устоздан айрилдик,  
Ағо ҳам улфату ҳам ошно устоздан айрилдик,  
Жаҳон гулзорида бубулнаво устоздан айрилдик,  
Валеким тоабат ўчмас садо боғу-бўстонда.

Кўзини юмди санъат мулкининг мардона жонбози,  
Ҳамиша руҳи покин шод этар шогирдлар эъзози,  
Жаранглайди мудом ёшуллининг оҳангию сози,  
Сараҳбору, сувора, шошмақом, гулёр шаҳнози,  
Мудом тўлқин урар Сайхуну Жайхуну Зарафшонда.

Ватан ҳофизлари ичра эди мумтоз Комилжон,  
Етук санъат самосида баландпарвоз Комилжон,  
Қани ул ҳофизи комил ширин овоз Комилжон,  
Қани Отаниёз ўгли етук устоз Комилжон,  
Ўзи кетдию номи тоабат тарихи дostonда.

Саховатпешаю инсонпарвар эрди Хоразм ўғлони,  
Ватанга хизматин чин шоҳиди бўлди уч унвони,  
Уни бағрига олди ўз туфроғи – жаннат гулистони,  
Валекин бағримизда мангу қолди доғу армони,  
Жудолик дарди тугён урди Чустийдек ғазалхонда.

1975 йил, 6 ноябрь



Хушнуд АБДУЛЛА

## МАРСИЯ

Алвидо, Комилжон, эй, қалби оташ,  
Эй нияти холис, толмас жафокаш.

Эй моҳир бастакор, эй меҳржаҳон  
Халқ ичра севилган мўътабар инсон!

Эй, Хоразм фаҳри, эй соҳиби кор,  
Санъат боғидаги азамат чинор!

Ижодинг гул очилиб яшаган маҳал,  
Сендан жудо қилди бизни шум амал.

Бу қандай бедодлик, дод соламан, дод!  
Бу қандай шаддодлик, дажжоллик, ҳайҳот!

Қандай жудолик бу, қандай ҳасрат бу,  
Қандай мусибат бу, қандай кулфат бу?!

Қандай одам эдинг хушсухон, қувноқ,  
Нақадар оғирдир сендан айрилмоқ!

Нима қилай дўстим, шу экан дунё,  
Тобутда ётибсан тирикдек гўё.

Атрофлаб турибди дўстларинг келиб,  
Туркман, қорақалпоқ, русларинг келиб,

Мен ҳам тик турибман ёлонғочлаб бош,  
Селдек қуйилмоқда кўзларимдан ёш.

Сен-чи, жим ётибсан, парвойинг фалак,  
Билмайсан қон бунда қанчалаб юрак.

Қандай одам эдинг, ҳушёр, хушчақчақ,  
Нақадар оғирдир сендан айрилмоқ.

Ахир, сен янгротиб Хоразм созин,  
Элларга танитдинг, эрка овозинг.

Ўйноқи куйларга бахш этиб парвоз,  
Ватанда қозондинг ҳурмату-эъзоз!

5 ноябрь 1975 йил



Қуронбой Ҳожи ИСМОИЛОВ  
Хўжаназар ўғли

### МУХАММАСЛАР

Қалбларни титратиб, дардни кўзғатган,  
Созни йиғлатгану, тилни сайратган,  
Мисли қуш хониши танни яйратган,  
Устоз Комилжондан қолган наво бу,  
Дардкашлар жисмига малҳам, даво бу.

Буюк халқ овози жаҳонга етди,  
Назмин овозаси оламни тутди,  
Хониш айласа минг жароҳат битди,  
Устоз Комилжондан қолган наво бу,  
Дардкашлар жисмига малҳам, даво бу.

Булбулзабон сўзи тоғлардан ошиб,  
Тинглаган зот завқи дарёдек тошиб,  
Ҳануз жон қулоқда тинглар донг қотиб,  
Устоз Комилжондан қолган наво бу,  
Дардкашлар жисмига малҳам, даво бу.

Минг йил ўтсин асло ўчмас овози,  
Не фасл фарқи йўқ қиш, баҳор, ёзи,  
Табаррукдир энди у чалган сози,  
Устоз Комилжондан қолган наво бу,  
Дардкашлар жисмига малҳам, даво бу.

Умри ўтди афсус шамолдек чопиб,  
Камтарлик либосин эгнига ёпиб,  
Буюк Хоразмда таваллуд топиб,  
Устоз Комилжондан қолган наво бу,  
Дардкашлар жисмига малҳам, даво бу.

### МУҚАДДАСИ СОЗ

Юз йил масофадан мўътабар бир зот,  
Боқиб сўзланади тилларида тот,  
Навобахш оламни забт этган ҳайҳот,  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Инсонга иқтидор бўлгайму бунча,  
Соҳир овозидан очилмиш гунча,  
Минг қалбни забт этмиш созин чертгунча,  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Торин пешонасин булбул ўпарди,  
Куй чалса минг йиллик дардлар кетарди,  
Ҳар не ҳорғин дилга шодлик етарди,  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Лазгидан башарга бахш айлаб лаззат,  
Эл тилинда исми топмиш кўп иззат,  
Мадҳин битмоқликка ожиздир фикрат,  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.


Аҳдидан қад кериб авжи Шашмақом,  
Қошида айлашиб раққослар хиром.  
Овозин оҳангги ўлмас бардавом.  
Ул нафас санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Устоз Комилжондан қолган дерлар тор,  
Шогирдлар қўлида ўйнар барқарор.  
Муқаддас созини асрамоқ шиор,  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Ўзбек санъатининг сув берган наҳри.  
Кўҳна Хоразмга эл берган маҳри.  
Мангу нурга тўлсин ётгувчи даҳри  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

Халқимнинг шонида ўчмас бир юлдуз,  
Мероси мангуга очаверар юз,  
Исмидан бўй торгар ғурурга ғарқ сўз.  
Ул нафис санъатнинг уста меъмори,  
Устоз Комилжон куй қалбин изҳори.

03.10.2012 й.



## УМИДИМ ШОҲЖАҲОНГА

Шарҳи ҳол этмак менга софдил хусусинг ифтихор,  
Оҳ нечун қалбинг мудом, ширин хаёлни этди ёр.  
Ҳар нафас бахтинг тилаб, кўнглим юпанчин изладим,  
Жон танинг сиҳатлигин айлайди бу жон ихтиёр.  
Ақлу-ҳушинг ёлқини, бул тақдиримнинг юлдузи,  
Ҳам суянчу толею, топган ғурурим сенла бор.  
Одати теранлигу, бийронлигинг кўз тегмайин,  
Нақш ўлиб хусусингга қолмишки доим барқарор.  
Не умид қилсам агар ушбу поёнсиз гўшадин,  
Исминга ёндош эрур тинмас хаёлим қанча зор.  
Лол этиб бир кун мени бошингга тож кийган маҳал,  
Учраган умрим аро бори азоблар бўлса хор.  
Фахр ила бошим тутиб ҳўз юрмагим чун сен сабаб,  
Асрасин Оллоҳ сени доим паноҳ-ла беқарор.  
Рости кўп сендан умид этмакка доим ифтихор.


Муҳаммад РАҲИМ,  
файласуф

## КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ ҲАҚИДА

Хоразмда туғилган ҳар бир гўдак она алласи ўрнига магнитофондан Комилжон ялласини тинглайди.

\* \* \*

Ривоятларга кўра, “Лазги” – илоҳий куй. Аллоҳ шу куйни ижро этиб, Одамни яратган эмиш. Демак, “Лазги” Одамнинг яралиши ва моҳияти ҳақидаги муқаддас куй. Қадимда бу куйга фақат Аллоҳнинг сўзини кўшиб ижро этганлар, бошқаси куфр ҳисобланган. Фақат бошқа сўз кўшиб “Лазги”ни ижро этган Комилжон Отаниёзовдир.



Айтишларича, бундан хафа бўлган устоз Ҳожихон Болтаев: “Комил, бу ишингни қўй!”, – деган экан. Халқ гулдурас қарсақлар билан “Лазги”ни такрор ва такрор сўраб турганидан сўнг Комилжон нима қилсин! Шундан кейин бу муқаддас куйни (рақсини ҳам) билиб-билмай ислоҳ қилувчилар кўпайиб кетди... Бугун “Лазги”ни ислоҳ қилиш шу даражага бориб етдики, бу кетишда уни йўқотиб қўймасак бўлгани!

Ақл-фикр – ўй билан,

У ўлчанмас бўй билан.

Зиёфатнинг фарқин бил

Комил борган тўй билан.

### МУВАШШАХ

Камлик қилар сенга руҳиятимда,

Оҳангдан бир ҳайкал ўрнатсам агар.

Менинг журъатларим етарми энди,

Имконда борини тўқдим бу сафар.

Лекин сен ўрнатдинг турк эли аро,

Жаҳон осмонида қўшиқдан ҳайкал.

Ором олар ҳатто булбулигўё,

Назм ила навога сен берсанг сайқал!




**КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ**

### ҒАЗАЛЛАР ВА МУҲАММАСЛАР

\* \* \*

Мунаввар қилғали кулбамни ул меҳри узор келди,  
Кўнгил бўстонини сайр этгали гул-лолазор келди.



Одоб-икроми бирлан барчани ақлини маҳв айлаб,  
Нозу адоу ғамза фан қилиб, чун ул нигор келди.

Риёзатлар чекибман ишқида етгунча ою йил,  
Менга меҳру вафо зоҳир қилибким, ғамгузор келди.

Яна ул зимдан сўрди, паришон ҳолимни англаб,  
Ибо айлаб менинг жонимдин ортуқ жонисор келди,

Мабодо қўрқарман агёр хабардор бўлмагай ногоҳ,  
Латофатли ҳуснидин баҳра олиб шоҳсувор келди.

Жамолни партави бирланки, кулбам айлади равшан,  
Жаҳонда тенги йўқ ул сарвқад, кўзи хумор келди.

Адолатли пора хўблар аро монанди моҳирўй,  
Олиб кўнглим менинг шод этгали муниса ёр келди.

Нигоро, илтифот айлаб, хабар ол Комил ҳолидин,  
Манго васли жонбахшу рақибга зулфи мор келди.


\* \* \*

Меҳру узорин бирлан оламни чароғон қил,  
Қолсин хуршид ҳайратда, партавинг намоён қил:

Гуллар айлабон ханда, ўзига қилиб банда.  
Лоларуҳ жамолингдан ғунчани дилин қон қил.

Гар мени этсанг саршод лутфингни майи бирла,  
Бўлғай муродим ҳосил, рақибларни сарсон қил.

Бир нотавон ошиқман, қон этма юрак, бағрим,  
Ушшоқлар аро менга маъшуқлигинг аён қил.



Қилсанг табассум қачон севганингни кўрганда,  
Сўриб менинг ҳолим ҳам лутфингни фаровон қил.

Боғ аро хиромингдан товусни қилиб ҳайрон,  
Қомати ниҳолингдан сарв бағрини қон қил.

Андуҳи фироқингда ёнди неча йил Комил,  
Эмди комилга айтсин, нақди хуснинг арзон қил.

\* \* \*

Ул парининг орази менга раво бўлғаймикин,  
Гар тараҳҳум қилмаса, оҳим адо бўлғаймикан.

Арз қилсам олдида моҳи талъатни кўриб,  
Бир қиё боқса агар, дардга даво бўлғаймикан.

Сарвқад, товусхиром чиқса магар боғ сайрига,  
Гул қизариб рашк ичра ҳоли табоҳ бўлғаймикан.

Ою йиллар ишқида куйди бу жон парвонадек,  
Ул парининг манзили менга маъво бўлғаймикан.

Пардадин кўрсатса юз хуршиди тобоним бугун,  
Нуридин тийра дилом субҳи сабо бўлғаймикан.

Тобакай ҳижрон аро васли учун оҳ чекарман,  
Этса Комил жон фидо, лутфи раво бўлғаймикан.

\* \* \*

Парда билан нигорим гул юзини беркитди,  
Ой жамолни кўролмай сабру қарорим битди.

Аза айлаб боғ сайрига бул кун мақдами етди,  
Тонг чоғи сарвинозим аста қиёслаб ўтди.

Гул юзлилар ишқида бағрим садпора этдим,  
Олди ақлу хушимни, ўзни овора этдим,

Рози дилим бўлди фош, сирим ошкора этдим,  
Таъзимига эгаб бош ҳурмат шифо этдим,

## БУЛБУЛ

Душимда бир булбул гўрдим,  
Ҳуркиб галмиш гулзориннан  
Қайси боғнинг булбулидир,  
Қайси боғчанинг нориннан.

Гўрмишам саҳар чоғлари,  
Сийнама солмиш доғлари.  
Бошда қаро қалпоғлари,  
Нозикдур сумбул ториннан.

Юзи ойдек шуъла сочар,  
Хусни фалакдин бож олар.  
Айтинг, ёрим қачон галар,  
Борсам дарё канориннан.

Қурбон бўларман ўзина,  
Шакар эзилмиш сўзина.  
Давомат боқсам юзина,  
Кўзим дўймас дийдориннан.

Ёқди мани бир нозанин,  
Фидо бўлсин рўйи - замин.  
Ҳеч бир кимса манинг каби,  
Айрилмасун нигориннан.

Ҳеч киши сириин билмаса,  
Моҳимнинг ҳолин сўрмаса.  
Ошиқ бир зулм кўрмаса,  
Айро тушарму ёриннан.

### ПОДАЧИ ҚЎШИҒИ

Оталиқнинг молин боқдим баҳарда,  
Ўзи турмай уйғотади саҳарда.  
Пиширган ошлари кўзнинг ёшиндай,  
Чақмоқ тош нонини берар наҳарда.

Юрагимда барқ уради тутунлар,  
Манго кўнгул беринг бағри бутунлар.  
Айро душдим севганимнан, эй дўстлар,  
Кўзим йўдда, кўнглим ёрда шу гунлар.

Озон билан мол ҳайдадим подоға,  
Шойи рўмолини сарди подоға.  
Севганимнан хабар берса ҳар киши,  
Унга қилай ширин жоним садоға.

Қизил қумда йўрға сурсам сурулмас,  
Ёт элларда жафо чексам билинмас.  
Ёт элларнинг боғи билан боғчаси,  
Ўз элимнинг ёнтоғича кўринмас.

### ЧАРХИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Очиб насим пардасин, ҳарён мунаввар ўлди,  
Шуъласида куймагим энди муқаррар ўлди,  
Нигоҳидан ёниб уни, ошиқ самандар ўлди,  
Сунбулни бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,  
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.

Ҳижронида ўтказдим умримни мен ою йил,  
Васли умиди бирлан хурсанд эди шайдо дил,  
Ўзгани тарк айладим, анго дедим ўзинг бил,  
Кўз эди интизори, кўрмакка зори кўнгил,  
Кўрсатди ой жамолин қалбим жилолаб ўтди.

Куярлар нола айлаб монанди анда олиблар,  
Ишқ дардига чорасиз қони озик табиблар?  
Ул дилбари маҳвашга бермақ истаб фириблар,  
Дуч келса шум рақиблар, ағёр бенасиблар,  
Қаҳру итоби бирлан бағрин яролаб ўтди.

Айлаб итифот манга, ул моҳ дилини очди,  
Лабда табассум билан ҳар тараф гавҳар сочди,  
Мен анго яқин борсам, уялиб нари қочди,  
Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни қучди,  
Ё гул уни яширди, ёки ҳаволаб ўтди.

Доғдадур Комил ҳануз қайда ул нозанин деб,  
Мунтазир гулзор ичра кўрсам гул узорин деб,  
Турдим тараҳҳум айлаб солса бир назарин деб,  
Ишқ оламида, Чархий, сабринга офарин деб.  
Нозик табассумла ишқим баҳолаб ўтди.

### ОРЗУ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Умринг ўтар билмассан ҳар дам ғами дунё билан  
Масту мағрур ўлмаган мулку моҳ ашё билан,  
Бўлма мунис аҳдида турмас гулираёно билан,  
Эй кўнгил ҳамсуҳбат ўлгин мардуми доно билан,  
Очилур қалбинг ҳамиша ҳар дили бийно билан.

Ўз кўнгил аҳди вафосиз, беоқибат жанондин,  
Кимга кўнгил аҳди вафосиз, беоқибат жанондин.  
Бўлса номард ҳамроҳинг, етгай хатолар андин.  
Оқил аҳлига бўлиб улфат, қочинг нодондин,  
Тун қоронғу ўхшамас хуршиди дилоро билан.

Кимгаким бўлса муяссар, сурди ишрат навбатин,  
Яхшилик қил, истагил яхшиларнинг суҳбатин,  
Беақл бўлса агар дўстинг, чекарсан кулфатин,  
Билмак истарсан бировнинг ботинин кўр улфатин.  
Бир эмас гавҳар баҳоси кўҳисанг, хоро билан.

Ношукурлик пешаси ким, одамийликдан эмас,  
Касби корингда ҳалоллик одат айла ҳар нафас,  
Бу балоси нафс учун бўлма гирифтори қафас,  
Қайси қуш сайёднинг домига тушди, ўхшамас,  
То наво қилган гул узра булбули шайдо билан.

Куч борида хизматинг аяма элдан, хизмат эт,  
Оламда не эзгу ишлар келса қўлдан, хизмат эт.  
Чиқса ҳамки қанча мушкул, қайтма йўлдан, хизмат эт.  
Эл учун, халқинг учун жону дилдан хизмат эт,  
Яхши ном оламда қолсин обрўйи аъло билан.

Аввало инсонга лозим маърифат бирла адаб,  
Бўлмаса гар дур ичинда, не бўлгай қадри садаф,  
Демагил пасту баланд, сен кибр ила кўрма насаб  
Лутфу эҳсон бирла душман дўст бўлса йўқ ажаб  
Шер ҳам қилгай итоат марҳамат, аро билан.

Инсон умри йўлларида турли ҳоллар рўбарў,  
Мақсудинг бўлгай раво ҳардамда қилсанг жуфтижў  
Ё ма ғафлат ичра Комил, бўлмагил беобрў,

Маърифатдин беҳабар умринг ўтибдир, Орзу,  
Бўлса ақлинг улфат ўлма ботини расво билан.

## КЎНГЛИМ

Севдим бир парини, истадим роҳат,  
Толвас айлар ҳардам ул ёра кўнглим,  
Ҳеч роҳат кўрмадим етихци офат,  
Фурқат ичра қодци озора кўнглим.

Гўё фасли баҳор очилган гулдур,  
Куйдим ҳасратингда севдигим гулдур,  
Ёрим тоза гулдур кўнглим булбулдур,  
Бориб қачон қўиар гулзора кўнглим.

Тюи пайкомингдан бағрим дилинди,  
Розиман ўлдирсанг, жоним ол энди,  
Кдро зулфинг юзда юза бўлинди,  
Ҳар зулфинг юзинда юз пора кўнглим,

Опшқ бўлгон қулоқ солар бу сўза,  
Мажнунам Лайли- чун чиқмишам дуза,  
Мани кўнглим ёрда, ёр кўнгли ўзга,  
Ҳанузам айрилмас бечора кўнглим.

Гул юзина тушган ул қаро қошдур,  
Кўзласам ул қоша гўзларим ёшдур,  
Ҳолима раҳм этмас бир бағри тошдур,  
Мудом саргиздондур оввора кўнглим.

Нафас айтар сарим ёр санга қурбон,  
Жамолинг кўрганлар ҳуснингга ҳайрон,  
Ман ишқнинг дардини гизладим пинҳон,  
Кўринг зоҳир қилар ошкоро кўнглим.



## ОЛМА ЮЗЛИ НИГОРИМ

Олма юзли нигорим, қоматим дол этибди,  
Олиб сабру қарорим, ажойиб ҳол этибди.

Қандай гўзал латофат, ақлим олган малоҳат,  
Киприги қоши ҳай-ҳай, ганжи иқбол этибди.

Фарҳод мисоли Ширин, ахгарди бири-бирин,  
Тоҳир ишқида Моҳим, амри маҳол этибди.

Ҳай-ҳай нечук фазилат уйғотди манда журъат,  
Икки аждар баҳайбат, ақлимни лол этибди.

Қалам қошли санобар, сўзи дурга баробар,  
Лаъли лабида шаккар, тилларни бол этибди.

Субҳидам келди дилдор, кутар эдим интизор,  
Сумбул сочини тор-тор, қоши ҳилол этибди.

Кўрмай ҳаргиз заволин, таъриф этай висолин,  
Косиб ёрнинг жамолин, ойга мисол этибди.

## ОҲУЗОРИМ

Оҳу зорим, моҳитобоним манинг,  
Холу хатти мулки райҳоним манинг,  
Ҳам юзингдур дурри ғалтоним манинг,  
Қомати сарви хирамоним манинг,  
Лабларинг гул барги хандоним манинг.

Эй пари, солғил қулоқ аҳволима,  
Раҳм қил юз узра ашки олима,  
Ғамда ўтган моҳи бирла солима,  
Дардмандинг ман назар қил ҳолима,  
Ким тўкар қон чашми гирёним манинг.

Фурқатинг жабрим чекиб кўп ою йил,  
Дардинг ўлди дал алкан бўлди тил,  
Энди ҳолимга тараҳхум айлагил,  
Меҳр янглиғ юз очиб кулбамга кел,  
Равшан ўлсун шоми ҳижроним манинг.

Чунки кулбам ичра келдинг кетма ким,  
Зулми жабринг бу ситам бер кетма ким,  
Жабр айлаб хотирам оғритма ким,  
Истасам шаҳду лабинг айб этма ким,  
Бул эрур дардимга дармоним манинг.

Боқибон ҳар ким зиёлиқ судиға,  
Майли қилгай кўпроқ бевудиға,  
Лек содиқ шукр этар Обудиға,  
Огаҳийдек етғуси мақсудиға,  
Кўйига кўйғач қадам жоним манинг.

## РАҲМАТНОМА

Бул вояга етказган, раҳматим кўр ватанга.  
Миннатдорлик билдирай, халқимга, дўстларимга.  
Етим эдим асрадинг, улғайдим ғани бўлдим.  
Илму ҳунарлар берди, бахтли давроним менга.

Меҳнатим кўп ёшлиқда, подачилик касбинда.  
Меҳнат эвази ҳурмат давлатим берди менга.  
Мактаб очиб кўзимни, устозлар илгин тутдим.  
Маърифатни ўргатди, раҳнамо бўлди менга.

Устозларимни десам, Абдукарим, Матпано.  
Тўйчи ҳофиз, Шерозий, Юнус ака пир менга.  
Тўхтасину Ҳалима, Карим Зокир, Мукаррам.  
Бола бахши, Лутфихон, Зухрлар устоз менга.

Отаулло эшону, Ҳожихону, Жўрахон,  
Маъмур ҳофиз, Маткарим, Акбар қори фан менга.  
Мандан олдин ким келса, гўзал санъат ичинда.  
Барчасини пеш тутдим, бўлди ҳодироҳ менга.

Бахтимни очган элим, раҳбарим бор мард белим.  
Комил ҳуқуқ онг берди, бахтли замоним менга.

### ВАТАН

Тупроғи жондан азиз, кенг боғу бўстонсан, Ватан,  
Тоғлари ёв йўлига ғов, катта довонсан, Ватан,  
Боғлари булбулга маскан, бир гулистонсан, Ватан,  
Сувлари дардга шифо, роҳатижонсан, Ватан,  
Куйласак ишқингни ҳар, сатри бўлур дoston, Ватан,

Боболар номинг тутиб, кўксингда бермиш жонини,  
Мард йигитлар сени деб, майдонда тўкмиш қонини,  
Кексалар тупроқ учун, қўймиш гаров иймонини,  
Оқибат мардона авлод, сенда топмиш шонини,  
Куйласак ишқингни ҳар, сатри бўлур дoston, Ватан,

Боғларингни хонавайрон, этгали келганда ёв,  
Шерларинг кўкрак кериб, ёв йўлига бўлганда ғов,  
Кексалар тупроқ учун, шон-шуҳратин қилди гаров,  
Тор-мор айлаб ғанимни, жангда қирдик беаёв,  
Куйласак ишқингни ҳар, сатри бўлур дoston, Ватан,

Ғамли кунлар ҳасратинг, этдик қабул жон устина,  
Қаҳримиздан ёғдириб ўқ, аҳли душмон устина,  
Бетамиз, сурбет яна, ул аҳди ёлғон устина,  
Шуҳратинг қилдик ҳимоя, қон тўкиб қон устина,  
Куйласак ишқингни ҳар, сатри бўлур дoston, Ватан.

### ОЛМА ЮЗЛИ НИГОРИМ

Олма юзли нигорим, қоматим дол этибди,  
Олиб сабру қарорим, ажойиб ҳол этибди.

Қандай гузал латофат, ақлим олган малоҳат,  
Киприги қоши ҳай-ҳай ганжи иқбол этибди.

Фарҳод мисоли Ширин, ахтарди бири-бирин,  
Тоҳир ишқиди Моҳим, амри маҳол этибди.

Ҳай-ҳай нечук фазилат уйғотди манда журъат,  
Икки аждар баҳайбат, ақлимни лол этибди.

Қалам қошли санобар, сўзи дурга баробар,  
Лаъли лабида шаккар, тилларни бол этибди.

Субҳидам келди дилдор, кутар эдим интизор,  
Сумбул сочини тор-тор, қоши ҳилол этибди.

Кўрмай ҳаргиз заволин, таъриф этай висолин,  
Косиб ёрнинг жамолин, ойга мисол этибди.



## МУНДАРИЖА

Санъатимиз юлдузи .....	3
<b>Ўктам Қурбонов.</b> Жаҳонни маҳлиё айлаган навозанда .....	10
<b>Усмон Саидмуродов.</b> Меҳрим тушган санъаткор .....	13
<b>Эркин Самандар.</b> Ҳаёти айланиб қолди .....	15
<b>Ошиқ Эркин.</b> Комилжон Отаниёзов портретига уч чизги .....	19
Кутилмаган буюк ташриф .....	19
Устоз суврати .....	27
Хаёлан минг йил оша .....	29
Комилжоннинг санъатига .....	33
<b>Омонулла Мадаев.</b> Навбат кутган санъаткорлар .....	36
<b>Комил АВАЗ.</b> Душинда булбул кўрган .....	37
<b>Юсуф Хайруллаев.</b> Сўздан дур, мусиқадан шараф топган ҳофиз .....	70
<b>Саъдулла Жуманиёзов.</b> Хотира уйғонганда .....	74
<b>Гафур Раҳимов.</b> Ўтмишнинг ширин хотиралари .....	79
<b>Абдулла Матжонов.</b> Карвак олмасини севган ҳофиз .....	80
<b>Боғибек Қосимов.</b> Хазораспда шуҳрат топган аравакаш .....	82
<b>Саттор Сафаев.</b> Жажжи истеъдод .....	83
<b>Жўрақул бобо Файзиев.</b> Аму – Бухоро ҳашари .....	84
<b>Жумабой Бобоев.</b> Овозини эшитиш савоб .....	85
<b>Пўлат Мақсудов.</b> Ҳам санъаткор, ҳам ажойиб инсон .....	86
<b>Ашур Носиров.</b> Ихлос – фожеани ҳам енгиллатади .....	87
<b>Маткарим Каримов.</b> Инсон хотираси билан азиз .....	89
<b>Қурвондурди полвон Отажонов.</b> Адолат тараф ҳофиз .....	90
<b>Шавкат Сотимов.</b> Саховатпеша устоз .....	92
<b>Суҳбат Абдулла.</b> Комилжон Отаниёзовнинг афсоналари .....	93

Биринчи афсона .....	93
Иккинчи афсона .....	97
Учинчи афсона .....	99
Тўртинчи афсона .....	101
Сўнгги афсона .....	103
<b>Отахон Матёқубов.</b> Буюк санъаткор .....	108
Орзу .....	111
Мувашшаҳ .....	111
Устоздан айрилдик .....	111
<b>Хушнуд Абдулла.</b> Марсия .....	113
<b>Қуронбой Ҳожи Исмоилов.</b> Мухаммаслар .....	114
Муқаддаси соз .....	115
Умидим Шоҳжаҳонга .....	117
<b>Мухаммад Раҳим.</b> Комилжон Отаниёзов ҳақида .....	117
Мувашшаҳ .....	118
<b>Комилжон Отаниёзов.</b> Ғазаллар ва мухаммаслар .....	118
Булбул .....	121
Подачи кўшиғи .....	122
Чархий ғазалига мухаммас .....	122
Орзу ғазалига мухаммас .....	123
Кўнглим .....	125
Олма юзли нигорим .....	126
Оҳузорим .....	126
Раҳматнома .....	127
Ватан .....	128
Олма юзли нигорим .....	129

# ЖАҲОННИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН НАВОЗАНДА

Муҳаррир: *Даврон Ражаб*

Саҳифаловчи-дизайнери: *Беҳзод Ҳайдаров*

Мусаҳҳиҳ: *Сиддиқова Азиза*

Босишга рухсат этилди 15.05.2017 й.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ , Шартли б.т. 8.0.


Нашриёт б.т. 7,4. Адади 1000 нусха.

Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма № 15/5.

«Noshirlik yog'dusi» нашриёти.

Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 2.






**Қуронбой ҳожи Исмоилов  
Ҳўжаназар ўғли**

1953 йил 30 августда Хоразм вилояти,  
Хазорасп тумани, Пичоқчи қишлоғи,  
Жувондир маҳалласида таваллуд топган.

«Олий маълумотли.

Тошкент автомобиль йўллар институтини  
тугатган. Иқтисодчи.

Табобат йўналишида “Табобат тўғрисида  
даволаш” рисоласи, “Мисвак”, “Анор билан  
даволаш” китоблари нашр этилган.



ISBN 978-9943-4755-9-5



9 789943 475595